

1-6 / 1970

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

R 481

**ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ**

Ўн учинчи йил чиқиши

ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ

1

1970



34185

ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ



Бош мұхаррир —
ҰзССР ФА академиги *К. Н. ЯШИН*

Тақрир ҳайъати: ҰзССР ФА академиклари: *В. А. АБДУЛЛАЕВ*, *В. И. ЗОХИДОВ*, ҰзССР ФА мұхбір аъзолари: *И. О. СУЛТОНОВ* (бош мұхаррир ғұрынбосары), *Ю. С. СУЛТОНОВ*, *Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ*, фалсафа фанлари доктори *Қ. Х. ХОНАЗАРОВ* (бош мұхаррир ғұрынбосары), филология фанлари докторлари: *Ф. А. АБДҮЛЛАЕВ*, *Ҳ. И. ЕҚУБОВ*, *Ҳ. Т. ЗАРИФОВ*, *С. И. ИБРОҲИМОВ*, *Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ*, *А. Ҳ. ҲАЙНТМЕТОВ*, филология фанлари кандидатлари *Н. Ф. КАРИМОВ* (масъул секретарь), *А. Ҳ. ҲОЖИЕВ*.

В. И. ЛЕНИН ТУФИЛГАН КУННИНГ
100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲОДИ ЗАРИФ

«ҮРТОҚ ЛЕНИН» ДОСТОНИНИНГ ЯРАТИЛИШ
ТАРИХИГА ДОИР

Ўзбек халқининг бой эпик ижодиётини бизгача сақлаб қолган таланти ижодчилар — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Иўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Нурман Абдувой ўғли, Холёр Абдукарим ўғли, Умир шоир ва бошқалар инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам қатор йирик асарлар яратдилар. Бу асарларнинг ёзиб олинган вақти билан яратилиш даври ўртасида маълум бир фарқ мавжуд. Бу ҳол текширувчиларни турли мулоҳазаларга олиб келади. Шунинг учун ҳам қатор замонавий достонларнинг ижод этилиш жараёнининг гувоҳи, кузатувчиси сифатида уларнинг яратилиш тарихи ҳақида баъзи фикрлар баён этишини лозим кўрдик. Шундай асарлардан бири «Үртоқ Ленин» достонидир. Маълумки, илмий ва амалий адабиётда Эргаш шоир ушбу достонни 1928 йилда яратган, деган фикр ҳукмронлик қиласди. Бу бир ёқлама, тўғрироғи, хато фикрdir.

Ярим асрлик умрини ҳақсизлик, адолатсизлик, зулм ва истибодод исканжасида ўтказган Эргаш Жуманбулбул ўғли Бухоро инқилобидан илгари, 1918 йилдаёқ Совет Туркистонига ўтди. Самарқанд ва унинг атрофларида қишлоқма-қишлоқ гоҳ табиблиқ, гоҳ баҳшилик, баъзан қиссаҳонлик қилиб юрар экан, Совет давлатини ҳақиқий халқ давлати, Коммунистик партияни меҳнаткаш халқ ғамхўри ва раҳбари, бу улуғ партия ва қудратли давлатнинг асосчиси В. И. Ленин эканлигини пайқаб олди. Шунинг учун ҳам унинг совет давридаги ижоди Улуғ Октябрь, Шўролар ҳокимияти, Коммунистик партия ва В. И. Ленин мадҳиясига бағишланған.

Кейинчалик Эргаш отанинг ва у билан ҳамсуҳбат бўлган кексаларнинг менга айтиб беришича, шоир 20-йилларнинг бошларидаёқ В. И. Ленин ҳақида маълум бир системали тасаввурга эга бўлган ва бу тўғрида меҳнаткашлар орасида сўзлаб ҳам юрган. Ҳатто Бухоро инқилобидан кейин ўз қишлоғига қайтиб, Нурота революцион комитетининг топширифи билан у ерда мактаб очиб, ўқитувчилик қиласди. Лекин булар ҳали «Үртоқ Ленин» достони шу даврда яратилди, деган сўз эмас, албатта. Булар шоирнинг ўсиш йўлини кўрсалувчи фактлардир, холос.

Маълумки, Эргаш шоирнинг барча асарлари 1926 йилдан бошлаб қаламга олина бошланди. Бу вақтда Октябрь революциясининг 10 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган эди. Буюк Октябрь инқилобининг 10 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш халқ шоирларининг ижодий кўтарилиши ва ўсиши учун муҳим омил бўлди. Улар Совет ҳокимияти, Коммунистик партия ва В. И. Ленинни куйловчи янги-янги асарлар яратадилар. «Үртоқ Ленин» достонининг ижод этилиши ҳам худди шу ѹйларга тўғри келади. Чунки шоир 1927 йилда қаламга олинган «Октябрь» термасининг сўнгидаги:

Октябрни достон қилиб,
Айтмоқликка ўзим толиб.
Бу сафар сўзим кам бўлди,
Камликка кўнглим фам бўлди,—

деган эди. Қоғозга тушмаганлиги, қаламга олинмаганлиги учун шоир «кўнглини фам» қилаётган сўзлари, шубҳасиз, «Ўртоқ Ленин», «Таржима ҳол» достонлари ва янги яратилажак Октябрь ҳақидаги йирик асаридир. «Таржима ҳол»нинг биринчи қисмини шоир 1927 йилда ўз қўли билан ёзиб, хотира сифатида менга тақдим этган эди. Мен бу асарнинг асл қўллёзмасини бир неча йил ўз хусусий кутубхонамда Эргаш шонрдан ёдгорлик сифатида сақлаб, кейинчалик уни Узбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Адабиёт музейи — ҳозирги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига топширдим. «Ўртоқ Ленин» достони эса қаламга олинмай қолди. Бунда шоир асарни кейинроқ ёздириш ёки ўзи ёзив беришни ватъда қилган эди. Демак, Эргаш шоир «Ўртоқ Ленин» достонини 1927 йилнинг бошларидаги оғзаки яратган ва ёру биродарлари орасида ёдаки айтиб юрган, уни қаламга олиш эса, яратилган давридан анча кейинроқ бошланди. Ҳозир китобхонлар орасида машҳур бўлган «Ўртоқ Ленин» достони текстини (асосан биринчи қисми) биз 1928 йилда шоирдан ёзив олган ва кейинроқ нашр этган эдик.

Достондан айрим парчаларни бундан илгарироқ шоирнинг ўзи менга ёзив берган ва улар менинг хусусий архивимда сақланади.

Мен 1936 йилнинг кузида машҳур халқ баҳшилари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Иўлдош ўғли, Пўлкан, Абдулла шоирларни Тошкентга олиб келдим. Улар бир неча муддат менинг уйимда яшадилар. Шунда Эргаш шоирнинг менга айтиб беришicha, у «Ўртоқ Ленин» ва «Таржима ҳол» достонларининг давомини қоғозга туширган, қатор термалар яратган. Шоир бу қўллёзмаларни олиб, Тошкентга келишга қанчалик уринмасин, ҳаракатлари фойда бермаган. Шундан кейин Оқтовнинг бериги бетида яшовчи, Тошкентга келаётган бир ўқимишли киши билан «Ҳоди Зарифга элтиб бер», — деб қўллёзмаларни бериб юборган. Баҳтга қарши, Эргаш ота ўз қўллёзмаларни бериб юборган одамнинг исми ва фамилиясини ҳам билмас экан. Аммо унинг ўзини яхши танишлагини ва ўз қишлоғига қайтгач, суриштиражагини айтди. Қўллёзмаларни топиш умиди билан уларни қайта ёзив олишни ташкил қилмадик. Шоир Тошкентдалигига «Хушкелди» достонини қайта ёзив берди. (Достоннинг 1926 йилда биринчи марта ёзив олинган нусхаси Узбекистон Давлат илмий-текшириш институтининг Самарқанддан Тошкентга кўчишида йўқолган). Мен ундан «Ойсулув» достони ва бир неча термаларни ёзив олдим.

Мен Эргаш ота билан бир неча ой бирга яшар эканман, В. И. Ленин ҳақида ҳамиша сўзлаш, куйлашни жуда-жуда ёқтирганлигининг гувоҳи бўлдим. Гарчи каттакон достон яратган бўлса ҳам, у ҳар галги суҳбатда улуғ доҳий ҳақида янги-янги сатрлар ижод этар эди. Шоир тафаккурининг ўзига хос мевалари бўлган бу парчалар бизнинг қўлимида сақланмоқда. Бу ўринда бир воқеани эслаш янада мароқлидир. Ўша пайтда Тил ва адабиёт институти Абдулла Тўқаев кўчасидаги 1-йида жойлашган эди. Эргаш шоирни Институтга олиб бормоқда эдим. Қизил майдондан ўтиб борар эканмиз, шоир Ўзбекистон Ҳукумати уйи олдидаги доҳий В. И. Лениннинг улкан ҳайкалини кўриб, тўхтаб қолди, ўзига хос қарашиб билан тикилганича бош эгиб, таъзим қилди. Кейин постаментга назар ташлаб, Нурота мармарларидан кескин фарқ қилган жилоли тошларни кўриб, қандай тошлигини сўрали. Постамент ёнлари-

да тасвирланган инқилобий ҳаёт лавҳаларини кўриб чиқди. Институт томон йўл олганимизда:

— Бу қандай тош? — дедим, деди:— Мармардан,
Баҳоси кам эмас лекин гавҳардан,
Баракалла ёрлар эътиқодига,
Бундай тош топила бермас ҳар ердан,—

дея доҳий ҳайкалидан олган таассуротларини булбуллай сайраб борар эди. Улуғ доҳий ҳайкалидан олган таассуротларини маҳсус терма қилиш, ўрни келса, «Үртоқ Ленин» достонида фойдаланиш нияти ҳам йўқ эмас эди шоирда. Бу термадан айrim парчалар шоирнинг икки ўринда қилган қайди орқали сақланиб қолган. Демак, Эргаш шоир доҳий ҳақидаги кенг планли эпик асарини 1927 йилда яратган бўлса-да, у ҳақда ўйлашдан, кўйлашдан ҳаётининг сўнгги дамлоригача тўхтамади.

1937 йилнинг марта ёки апрели бошларида Эргаш ота, менинг қатъий эътиrozимга қарамай, ўз қишлоғига қайтди. Уз қўлёзмаларини топиб, дўмбира чертишни қайта ўрганиб (бу пайтда шоир дўмбира чертмас ва достон куйламас эди), янги ижодий куч-куvvват билан Тошкентга қайтиб келишга ваъда бериб, мен билан хайрлашди. Афсуски, Эргаш ота ўз қўлёзмаларини ҳам, исми номаълум шахсни ҳам суриштириш, дўмбира чертишни янгидан ўрганиш ва Тошкентга қайтиш имконига муяссар бўлмади...

Шундай қилиб, бу улкан санъаткорнинг жуда ноёб қўлёзмалари номаълум сабабларга кўра илмий ходимларга етиб келмади ва уларнинг қаердалиги ҳам маълум эмас. Эҳтимол, бизга маълум бўлмаган кимларнингдир қўлида қолиб кетгандир, эҳтимол, умуман йўқолгандир... Лекин достоннинг қўлимизда мавжуд қисмиёқ, унинг ўзбек адабиётида доҳий Ленин образини ҳаммадан илгари эпик планда яратишга урининглигини кўрсатиб турибди. Эргаш Жуманбулбул ўғли Лениннинг даҳоси, революцион курашини тўғри англаб, тўғри таърифлаган, халқий мизнинг Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига ва унинг ташкилотчиси В. И. Ленинга бўлган чексиз мұҳаббат ва садоқатини ёрқин информалаган ўзбек совет куйчиси, халқ шоирларининг мұхтарам пешвоси эди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

ХАЛҚ ТИЛИ ВА ПРОЗА

1

Сўнгги ярим аср ичида ўзбек адабиётининг тоявий мазмуни билан бирга тасвирий воситалари ва бадний тили ҳам зўр суръат билан ривожланди ва катта сифат ўзгаришини бошдан кечирди. Бу мураккаб ва кўпқиррали жараённи тадқиқ этиб, унинг ички механизмини очиш адабиётимиз ва адабий тилемизнинг бундан кейинги тараққиёти учун жуда зарур.

Маълумки, ўзбек прозаси шаклланган даврда адабий тилемиз илгариги китобийликдан қутулиб, жонли ҳалқ тили базасига ўтди. Узбек адабиётида тўлақонли реалистик роман, повесть, ҳикоя, очерк, фельетон жанрларининг шаклланиши тилда мана шу сифат ўзгариши юз берган шароитдагина мумкин бўлди.

Рус ва жаҳон адабиётларининг тарихи ҳам шуни кўрсатадики, адабиётда, хусусан, бадний прозада, тўлақонли реализм — адабий тиленинг жонли ҳалқ тили базасига ўтган ёки ўтаётган даврларида, ҳалқ тилининг бутун реалистик қудрати, ҳамма потенциал имкониятлари ишга туширилган замонларда шаклланиши мумкин.

Бироқ прозанинг шаклланиши ҳам, ҳалқ тиленинг бундаги иштироки ҳам шундай бир тирик, серҳаракат жараёнки, буни тадқиқ этиш — бир-бирига қўшилиб оқаётган дарёларни тадқиқ этиб, бирининг иккеничисига таъсирини ўрганишдай мушкул. Қўшилиб оқаётган дарёларни бир-биридан ажратиш мумкин бўлмаганидай, бугунги адабиётимизнинг бадний тилини «мана бу — оғзаки ҳалқ тили, мана бу — адабий тил» деб, аниқ чегаралаб бўлмайди.

Аммо дарёларнинг ҳали бир-бирларига қўшилиб улгурмаган юқори манбаларини ўрганиш, сўнгра буни улар қўшилгандан кейинги ҳолатга солишириш ва қўшилиш натижасида майдонга келган сифат ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин. Соддалаштириб айтганда, биз худди шундай қўлмоқчимиз.

Жонли ҳалқ тиленинг адабий тилга кирган, матбуотда, бадний асарларда, илмий ишларда ва умуман ёзма манбаларда мавжуд бўлган намуналарини эски адабий тилемиздан ва умуман китобий тилдан фарқ қилиш прозамиз энди шаклланиб келаётган йиллар материалида унча қийин эмас. Фурқатнинг насрый асарларини Ҳамза ва А. Қодирийнинг илк прозаик асарларига солиширсангиз, сўнгра А. Қодирийнинг роман деб атаган «Жувонбоз» билан «Ўтган кунлар» романини бир-бирига қиёс қилсангиз, тоявий мазмун билан бирга бадний тилда ҳам катта бир ўзгариш юз берганини, бу ўзгариш тўлақонли реализмга ва жонли ҳалқ тили бойликларидан йил сайн самарали фойдаланишга қараб берганини сезасиз. Айнийнинг «Қулбобо ва икки озод» қиссаси билан «Қуллар» романи, F. Ғуломнинг «Шум бола» повести, А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ва бошқа кўпгина проза асарлари кейинги нашрларida

биринчи нашрига нисбатан такомиллашиб боргани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бизни масаланинг илмий ва назарий аҳамиятидан ташқари, амалий аҳамияти ҳам қизиқтиради. Ўзбек прозасини яратган А. Қодирй, Ойбек, Ф. Ғулом, А. Қаҳҳорлар ҳозир орамизда йўқ. Аммо улар эришган зўр ижодий ютуқлар, жумладан, уларнинг бадиий тил бобидаги ва халқ тилидан самарали фойдаланиш соҳасидаги тажрибалари кейинги авлодлар томонидан давом эттирилиб, янада юксак даражага етказилиши керак. Бироқ ёш прозаикларимизнинг маълум бир қисмида бадиий тилга эътибор зўр эмас. Асарларимиз тилида ҳар хил шаклдаги китобийлик, идора тилига, вақтли матбуот тилига ўхшаб кетадиган ҳиссизлик, «қуруқ»лик кўп учрайди. Бу камчиликлардан қутулиш учун ўзбек совет прозаикларининг биринчи авлоди очган энг тўғри йўлдан бориш, халқ тили бойликларининг ҳали очилмаган бадиий имкониятларини очиш ва улар ёрдами билан янги-янги ижодий юксакликларни эгаллаш керак.

2

Тарихга назар ташласангиз, ёзма адабиёт халқ тилининг иштирокисиз равнақ топа олмаслигини бундан беш юз йил олдин улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳам ҳис қилганини кўрасиз.

1499 йилда ёзилган «Мұҳокаматул луғатайн» ўша даврнинг тақозоси билан туркӣ ва форсий тилларнинг мунозараси шаклида майдонга келганлиги ҳаммамизга маълум. Бу асарнинг бугун биз ишлаётган мавзуга яқин томони шундаки, А. Навоий ўз она тилининг афзалиятларини исботлашда бутунича халқ тилига таянади, шеъриятдан мисол келтиргандага ҳам ёзма адабиётга жонли халқ тилидан кирган нодир сўзларни териб олиб, маҳсус таъкидлаб кўрсатади: *Сипармоқ, қизғанмоқ, термулмоқ, безанмоқ, ўкурмоқ, қинғаймоқ, бўхсамоқ*¹.

О таъкидни ёшларига ва турларига қараб ажратиш: қулун, той, ғӯнан, дўнан, тўлан, тубучоқ, аргумоқ, яка, ёбу. Егуликлар: қатлама, қурут, тутмоқ, қўймоқ, ўмоқ, кўмоқ, толгон². Ҳаракатни ифодаловчи: борғудек, билгудек, айтқудек, ургудек ёки борғоч, топқоч, сочқон ёки билакўр, қилакўр, кетакўр, етакўр сўзлари. Сифатни билдирувчи: оппоқ, қоп-қора, қип-қизил, юм-юмалоқ, яп-ясси, оп-очуғ, чуп-чуқур, қўм-қўк, ям-яшил сўзлари.

Беш юз йилдан бери адабий тилда қанча ўзгаришлар бўлди, қанча-қанча сўзлар, иборалар эскириб, истеъмолдан чиқиб кетди. Аммо юқоридаги сўзлар ҳали ҳам эскирмаган, улар бугун ҳам она тилимизнинг ўзига хос бойлигини, гўзаллигини кўрсатиб турипти.

Албатта, халқ тили ҳам йил сайин ўзгариб, янгиланиб боради. Аммо уни мустақил тил қилиб турган мағзи, унинг халқ ҳаётига узвий боғланган ўзаги ҳамиша аслига содиқ бўлади ва мазкур халқ тургунча туради.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос афзалияти ва бошқа тилларда эквиваленти топилмайдиган сўз бойликлари бу тилнинг мана шу мағзида, меҳнаткаш халқ ҳаётига узвий боғланган ўзагида бўлади.

Тилнинг бутун кучи ва аҳамияти меҳнаткаш инсон ҳаётига, умуман, меҳнатга боғлиқ эканини Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси» асарида маҳсус таъкидлайди:

¹ Алишер Навоий, 15 томлик, 14-том, Асарлар, Тошкент, 1967, 108-бет.

² Уша асар, 111-бет.

«Аввал меңнат, ундан сүңг меңнат билан бирга аниқ сүзлардан иборат нутқ маймун миясини аста-секин инсон миясига айлантирган иккита эңг асосий стимуллар бўлди»³.

Тил одамни ҳайвонот дунёсидан ажратиб, табиат подшосига айлантирган иккита асосий қудратдан бири эканлиги аввало унинг меңнат жараёнда яратилиб, бойиб бориш хусусияти билан боғлиқдир. Одамлар бир ишни кўплашиб қылганларида сўзлар воситаси билан алоқа қилишга эҳтиёж сезадилар. Бир авлод ўзининг иш тажрибасини иккичи авлодга сўзлар воситаси билан тушунтиради. Шу тарзда бундан юзлаб, минглаб йиллар олдин яратилган тил бойликлари авлоддан авлодга ўтиб, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиб боради. Тил меңнат жараёнда яратилган учун унинг бош манбай, асосий илдизлари ва асосий бойликлари меңнаткаш ҳалқда бўлади.

А. Навоий меңнаткаш ҳалқнинг ҳал қылувчи ролини Энгельс тушунгандай тушунган эмас, албатта, аммо она тилимизнинг мустақил адабий тил бўлиб ривожланиши учун ҳалқ тили бойликларидан фойдаланиш зарурлигини сезган. Шу сабабли тилимизнинг ҳалқ ҳаётига боғлиқ афзалиятларини бўрттириб кўрсатган:

«...Хунарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз билан назм айтурга машғул бўлубтурлар. Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қиласа, чун бу лафзда (яъни, туркийда) мунча вусъат (кенглик, катта имкониятлар)⁴ ва майдонида мунча фусҳат (йўли очиқлик) топилур, керакким бунда ҳар нав сухонгузарлиғ ва фасиҳгупторлиғ ва назмсозлиқ ва фасонапардоғлиғ осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур»⁵.

А. Навоийнинг фикрини бир оз соддалаштириб айтадиган бўлсақ, қуидаги маъно чиқади: форсий тилни афзал кўрадиган ва ўша тилда шеър ёзиши осонроқ деб ўйлайдиган турк йигитлари ҳақиқатни билмайдилар. Ҳақиқат шундаки, туркий тил уларнинг она тиллари бўлгани учун бу тилда ижод қилиш уларга осонроқдир, чунки бу тилни улар болалиқдан яхши биладилар, унинг ҳамма бойликлари, ҳамма афзалиятлари улар учун очиқдир.

Чиндан ҳам, киши кейин ўрганган тилини ўз она тилидай чуқур билмайди, аниқ ҳис қилмайди. Шу сабабдан ўз она тилини қўйиб, бошқа тилда ижод қилган одам ҳамиша алоҳида бир қийинчилик сезади. Албатта, бу қийинчиликни енгиг ўтиб, икки тилда баробар ижод қилган зуллисонайналар ҳам бор, улар, шубҳасиз, катта ҳурматта сазовор.

Аммо ҳар бир ҳалқ ўзининг ўйғониш даврида она тилини мустақил адабий тил шаклида ривожлантирга алоҳида бир эҳтиёж сезади. Чунки мустақил адабий тил — мазкур ҳалқнинг ўзига хос маданиятини ривожлантиришда жуда зўр восита бўлиб хизмат қиласди.

Улуғ итальян шоири А. Данте 1302—1307 йилларда «Ҳалқ тили ҳақида трактат» ёzádi. Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино давридаги Ўрта Осиёда фан тили — араб тили бўлганидай, Данте даврида Италиянинг давлат ва фан тили латин тили эди. Данте ўз трактатини латин тилида ёзишига мажбур бўлади. Аммо бу трактатда китобий латин тилини жонли итальян тилига солиштириб, иккинчисининг афзалиятларини назарий планда исбот қиласди.

Дантенинг бу трактатидан айрим жойларини тилшунос олим Р. А. Будагов ўзининг 1967 йилда чиққан монографиясида таржима қилиб келтирган. Дантенинг фикрича, ҳалқ тили — бу гўдакликдан она сути билан бирга ўзлаштирилган ва ҳеч қандай қондаларсиз кишининг

³ Ф. Энгельс, Табиат диалектикаси, 135-бет.

⁴ Қавс ичидаги берилган бу кейинги изоҳлар биздан — П. Қ.

⁵ А. Навоий, 4-том, 117—118-бетлар.

қон-қонига сингадиган табиий тилдир. Китоблар, ўқитувчилар, маҳсус машғулотлар ёрдами билан ўзлаштириладиган бошқа тил (Данте давридаги латин тили) бундай эмас. «Бу икки тилдан биринчиси — халқ тили олижаноброқдир,— дейди Данте.— Чунки халқ тили... биз учун табиийдир. Иккинчи тил эса сунъийдир»⁶.

Тилдаги китобийликни, сунъийликни, халқа бегоналиникни француз адабиёти ҳам бошдан кечирган. Қизиги шундаки, Дантега бу қадар табиий ва олижаноб түюлган итальян тили XVI асрда француз ёзувчилари учун сунъий ва китобий тилга айланган. Бу даврда Франциянинг оқсуяклари орасида ўз она тилини менсимасдан, итальян тилида сўзлашиш одат бўлган. Франциядаги Ўйғониш даврининг машҳур ёзувчи ва олимни Андре Этьен бу одатга қарши «Итальянлашган ва бошқача шаклланган янги француз тилида бир-икки диалог» номли памфлет ёзди. Памфлетда на французчани, на итальянчани эплаб гапирадиган оқсуяклар устидан кулади. «Француз тили итальян тилига нисбатан кўпгина устуникларга эга»,— дейди Андре Этьен ва ўз фикрининг исботи учун итальян тилида бўлмаган французча сўзлар, иборалар, ҳатто суффиксларни келтиради⁷. А. Этьеннинг француз тилига хос афзалиятларини исботлаш принципи А. Навонийнинг туркй тил афзалиятларини исботлаш принципига ўхшаб кетади. Худди шу XVI асрда Дио Белен деган шоир бошчилигига бир гуруҳ олимлар, ёзувчилар «Франциз тилини ҳимоя қилиш ва улуғлаш» номли манифест эълон қиласидар. Дио Белле «Она тилини ҳимоя қилиш ватанини ҳимоя қилиш билан барабардир»⁸ деб ёзди.

Ўз она тилларини ҳукмрон латин ва итальян тилларидан ҳимоя қилган ватанпарварлар бу ерда ҳам оддий халқ яратган тилининг бойликларига таяниб иш кўрадилар. П. Рамус номли олим ёзди: «Халқ — ўз тилининг энг олий ҳокимиидир, тил халқ мулкидир...»⁹. Француз ёзувчилари халқ тилида ва шеваларида мавжуд бўлган жуда кўп сўзларни здабий тилга киритиб, уни бойитадилар. Масалан, улуг француз ёзувчиси Рабле ўзининг машҳур қаҳрамони Гаргантюа учун 153 хил ўйинлар, 138 хил овқатлар, 98 хил илонларнинг ҳамма номларини француз халқ тилидан топиб беради.

Орадан юз-икки юз йил вақт ўтади. Француз тили жаҳоннинг энг яхши тараққий этган мустақил адабий тилига айланибгина қолмай, бошқа тилларга ўз таъсирини, ҳатто ҳукмини ўтказа бошлайди. XVIII асрга келиб энди ватанпарвар рус ёзувчилари ўз она тилларини француз тилининг таъсиридан ҳимоя қила бошлайдилар.

«...Бизда рус билан русча гапиришмасдан нуқул бузуқ француз тилида сўзлашишади,— деб ёзган эди Н. М. Карамзин 1795 йилда.— Бизнинг яхши жамият деб аталган табақамизда француз тилини билмасангиз кар ва гунгга ўхшаб қоласиз. Уят эмасми?.. Бизнинг тилимиз юксак назокатни, жарагандор, гўзал поэзияни ифодалашгагина эмас, нафис соддаликни, қалб оҳангларини, барча туйғуларни ифодалашга ҳам қодир. Рус тилида француз тилига нисбатан уйғунлик кучли. Бизда ўзимизга хос ҳолатни, ҳаракатни билдирадиган муштарак сўзлар кўпроқ: бундай устунилк фақат туб тиллардагина бўлади!»¹⁰.

Кўриниб туриптики, А. Дантедан беш аср, А. Навонийдан тўрт аср кейин яшаб ижод қилган М. Карамзин ҳам ўз она тилининг мустақил тараққиёти учун курашганда, рус халқ тилининг юқори табақада ҳукм-

⁶ Р. А. Будагов, Литературные языки и языковые стили, М., 1967, стр. 346.

⁷ Қаранг: «Вопросы формирования национальных языков», М., 1960, стр. 206.

⁸ Қаранг: Р. А. Будагов, Литературные языки и языковые стили, стр. 353.

⁹ «Вопросы формирования и развития национальных языков», стр. 209.

¹⁰ Н. М. Карамзин, Асарлар, V том, 159-бет; VII том, 137—138-бетлар.

ронлик қилаётган француз тилидан қандай афзал томонлари борлигини биринчи ўринга қўйиб ёзган. Биз юқорида француз тилининг ўзи ҳам итальян тилининг ҳукмронлигидан шу йўл билан чиққанини кўрган эдик. Ундан олдин итальян тили ҳам халқ тили бойликларига таяниб туриб, латин тилининг ҳукмронлигидан чиққан эди.

Демак, бу ерда кўпчилик миллий тилларнинг мустақил тараққиёти учун характерли бўлган умумий бир қонуният бор. Бу қонуният шундаки, мазкур мамлакатнинг меҳнаткаш халқи яратган ва шу халқнинг алоқа қуроли бўлиб хизмат қилаётган жонли тил четдан келган, асл манбандан ажралиб, бошқа халқнинг юқори табақаларигагина хизмат қилган адабий тилдан бойроқ, устунроқ, яшашга қобилияти зўрроқ бўлади. Нега? Нима сабабдан Италияда Данте улуғлаган ва латин тилидан устун келган итальян тили Францияга бориб француз тилидан устун келомади? Еки Францияга латин ва итальян тилларидан баланд келган француз тили нега Россияга бориб, рус тили билан мусобақада ютқизди? Чунки ҳар бир тилнинг афзалияти шу халқнинг ўзи билан бирга яшайди. Уз халқидан ва ўз сарзаминидан ажралиб қолган, бошқа халқнинг ҳукмрон табақаларига китоблар ёрдами билангира ўргатилган тил боғдан кўчириб олинган ва тувакка ўтқазиб қўйилган ўсимликтининг аҳволига тушади. Тувакда ҳам, албатта, тупроқ бор, сув, ҳаво бор, бироқ ҳаммаси чекланган, шароит табиий эмас, сунъий. Шу сабабли ўзига хос табиий шароитларда ўсадиган ўсимликлар тувакда ўсадиган ўсимликлардан устун келаверади.

Шунга ўхшаб, ҳар бир тил ўз халқининг тарихига, урф-одатларига, психологиясига, турмуш шароитларига чамбарчас боғланган бўлади. Бу боғланиш иплари узила бошласа, тил ўзининг табиий кучини, гўзалигини, бойлигини йўқота боради. Сунъий шароитда ўсадиган дворян болалари ҳаётини кузатган машҳур рус ёувчиси И. А. Гончаров 1877 йилда қўйидагиларни ёзган эди:

«Болани бешикда ётган пайтидан бошлаб французчага, инглизчага ўргатишади, шундан кейин ўқитувчи ёллаб, русча ўқитадилар... Оқибатда булар на рус бўладилар, на француз, на инглиз. Улар ўрганган инглиз, француз тиллари дипломатлар гаплашадиган, салонларда сўзлашиладиган сунъий, расмий тиллардир. Ҳақиқий французлар, инглизлар чин интим турмушларида гаплашганларида уларнинг тилида, юзида, ҳаракатларида табиий ҳаётлари, қонларида бори, ақл-идроклари, урф-одатлари, тарихлари акс этиб туради ва уларнинг тили бизнинг космополитлар сўзлашадиган юзаки, совуқ, рангиз тилдан бутунлай фарқ қиласди...

... Қачондир бир вақт бутун миллатлар, тиллар бирлашиб, ягона одамзод оиласига айланар; майли, шундай бўлсин; аммо бу мақсадга етиш учун ҳамма миллатлар бутун кучини ишга солсин, ҳар бир миллат ўзида бор фазилатларнинг бутун шарбатини йигиб, одамзод яратадиган маънавий бойликлар хазинасига қўшиши керак... Бунинг учун эса рус ҳақиқий рус бўлиши керак, бизни ўз миллатимизга энг кўп жиҳатдан боғлаб турган куч — тилимиздир»¹¹.

Одамзод бирлашиб бир оиласига айланиси учун ҳар бир миллат бутун кучини ишга солиб, ўзига хос фазилатларини башарият хазинасига қўшиши кераклиги — бизнинг бугунги коммунистик мафкурамизга тўғри келадиган жуда илгор фикрdir. Одамлар ўз она тилларида самимият билан сўзлашганларида, уларнинг гапларида, юзларида, ҳаракатларида табиий ҳаётлари, ички дунёлари, миллий хусусиятлари, тарихлари аниқ намоён бўлишлиги шуни кўрсатадики, реализм билан жонли, оғзаки тил орасида жуда зўр боғланиш бор. И. А. Гончаров чинакам

¹¹ «Русские писатели о языке», Л., 1954, стр. 330.

реалист ёзувчилардан бўлганлиги учун ҳар бир кишининг табиий тилини, унинг дилини, ички дунёсини аниқ ва ҳаққоний акс эттирилишини, аммо бола бешикда ётган пайтидан бошлаб унга гувернерлар томонидан ўргатиладиган сунъий, китобий, дипломатик инглиз ёки француз тили рус кишисининг ички дунёсини, миллий хусусиятларини бузиб кўрсатишини чукур ҳис қиласи.

Шундай қилиб, тарихга назар ташлар эканмиз, ҳар бир тилнинг ағъзалияти ва мазкур халқ вакилларининг ҳаётини, тарихини, миллый психологиясини аниқ, тўлиқ ва ҳаққоний акс эттириш қудрати — шу тилчинг халқ яратган асосий ўзагида бўлишини кўрамиз. Бу ҳол жонли халқ тили билан реализмнинг ўзаро алоқаси умуман тил табиатидан ва реализмнинг ҳаётни ҳаққоний кўрсатиш принципидан келиб чиқадиган қонуний бир алоқа эканинга бизни ишонтиради.

Тўлақонли реализм ўзбек адабиётида ўтган асрларда майдонга кела олмагани ҳаммамизга маълум. Бунинг жуда кўп тарихий сабаблари бор. Бош сабаб — бизда феодализмнинг ва феодал тарқоқликтининг узоқ ҳукм сурганилигидир. Тўлақонли реалистик адабиёт кенг халқ оммасига мўлжаллаб яратилади ва китобларни кўп нусхаларда тарқатишга имкон берадиган нашриёт, матбуот бўлишини талаб қиласи. Бу ҳаммаси феодализмдан кейинги формация — капитализмнинг дастлабки босқичларида пайдо бўла бошлайди.

Туркистон чоризмнинг қўлига ўтиб, мустамлакага айланганлиги халқимиз учун оғир бир кулфат бўлса ҳам, илғор рус маданиятининг таъсирида бизда ҳам газеталар чиқа бошлиши тарихан прогрессив ҳодиса эди. Бунинг натижасида ўзбек адабиётида демократик ва реалистик тенденциялар кучайишига имконият пайдо бўлган эди.

1891 йилда «Туркистон вилоятининг газетида» Фурқатнинг автобиографик характердаги асари босилади. Унга «Ҳўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони» деб сарлавҳа қўйилган. Асос эътибори билан очерк жанрига яқин турган бу лавҳаларда Фурқат ўз даврига нисбатан прогрессив бўлган мавзуларга қўл уради. Жумладан, Фурқат ўзининг рус гимназиясидан олган таассуротларини бераҳм жоҳил мактабдорлар қўлидаги эски мусулмон мактабидан олган таассуротларига қиёс қиласи.

«Вақтечи умрум тифли еттилиқ кўчасида най сурар бўлди, ул ҳангомларда жаҳон ташвишларидан фориг ва алойиқ қуюнидин фориг, ўз афродларим бирла кўчаларда ёғоч отга миниб ўйнар эрдим. Чун отам ва онам мени туфулият бўстонида... сарвдек озодлиғимға қўймой, мактаб саросига қайд қўймоқца машварот қилдилар, мен аларнинг бул хаёлларидин кўп ғамгин бўлиб юрар эрдим. Шанба куни... отам мени қўлимға бир баркашда нон бериб, мактабга олиб бормоққа тақозо қилди. Мен ул вақт дастурхонни бошимга кўтариб, отамдин олдин кўчага чиқиб, ул дастурхонни кўчафа ташлаб ҳазимат айладим. Бошқа маҳаллаларга бориб ўйнаб, вақтечи тифли хуршиди фалак кўчасида бозий айлаб мағриб кулбасига мутаважжи ўлди, мен ҳам оҳиста байтул мақарга дохиҳ ўлдим. Бу ародиа олти кун ародин гузориш қилди»¹².

Бу лавҳада Фурқат ўз олдига қўйган foявий вазифа асл эътибори билан тўлақонли реалистик асарларнинг олдига қўйиладиган вазифа эди. Кейинчалик С. Айнийнинг «Эски мактаб»ида, Ойбекнинг «Болалиги» ва А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»ида худди шу ижодий foяв ёрқин реалистик образларда мужассам этилгани фикримизнинг исботидир. Аммо Фурқат давридаги адабий тил ҳали бу foявий вазифани ба жаришга тайёр эмас эди.

¹² Фурқат, Танланган асарлар, Тошкент, II том, 1959, 132-бет.

Реалистик ғоявий мазмунни трафарет китобий тил билан ифода этиб бўлмаслигини таржима соҳасидаги илк қадамларда ҳам кўриш мумкин. 1899 йилда «Туркистон вилоятининг газети» Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани»ни ўзбек тилига таржима қилишга уринган. Шеърий таржима ҳаддан ортиқ мушкул туолган бўлса керак, поэма насрый тил билан берилган:

«Боқчасарой шаҳрида мармардин қилинган алоҳида ҳовузни ўртасида сув кўторган хусусида Пушкин номлиқ Русия шоири ёзган аబъетнинг мазмуни ушбудир:

Гирейхон кўзини қўйи қаротиб ўлтуруб ва садафдин қилинғон чилимни тортиб, оғзидан тутунни чиқориб, ул вақтда аччиғлиғи келиб тургонда хонни атрофида турган аркони давлатлари яқинроқ келмоқни хоҳлаб бир-бирларини сурубдир ва хоннинг ўрдасида кўп оҳисталик бўлуб, хоннинг юзида қаҳру-ғазаб асарини фаҳмлабдурлар ва бир дафъа ул такаббурлик хон тезлик илан қўл билан ишорат қилғонда мазкур тамоми аркони давлатлар тўғри қуллуқ қилиб ўрдадин чиқибдурлар»¹³.

Рус реализмининг отаси А. С. Пушкиннинг ажойиб поэмаси бундай тил билан таржима қилинганда ўзининг юксак фазилатларини йўқотиб қўйишини «Туркистон вилоятининг газети» ҳам пайқаган бўлса керак, таржима охиригача босилмай қолиб кетади.

Тилимизнинг қудрати тўлиқ юзага чиққан даврда ажойиб шоир Усмон Носир «Боқчасарой фонтани»нинг ўша жойини қандай таржима қилганини бир эслайлик:

Қовоқ солиб ўтирас Гарой,
Лабларида қаҳрабо чилим.
Даҳшатли хон атрофида жим
Бош эгиб тек турарди сарой.
Жимжит эди бутун кошона,
Хамма хоннинг хафа юзидан
Пайқар эди мубҳам нишона.
Аммо мағрур соҳиби фармон
Қўлларини бир силтаб солди:
Барча секин тарқалди ҳар ён¹⁴.

Бу ерда биз она тилимизнинг бутун қудрати фақат тўлақонли реалистик тасвирда ўзини кўрсатишини ҳис қиласиз. Чунки реалист ёзувчи оғзаки ҳалқ тилидан ҳам, ёзма адабий тилдан ҳам инсоний ҳис-туйғуларни, теран фикрлар ва ғояларни ҳаққоний ифода этадиган энг ҳаётний, энг жонли, энг ўткир сўзларни, ибораларни танлаб олиб синтезлашган, ёрқин образлар яратади. Усмон Носир таржимасида «Қовоқ солиб ўтирас Гарой» ёки «қўлларини бир силтаб солди» деган иборалар ўткир, жарагандор шеърий сатрлар бўлиш билан бирга бутунicha оғзаки ҳалқ тилига хос иборалардир. «Аммо мағрур соҳиби фармон» ёки «кошона», «мубҳам нишона», «даҳшатли хон» ёзма адабий тилимизга хос сўз ва иборалар эканлиги кўриниб турипти. Усмон Носир Пушкин реализмнiga муносиб равишда бу сўз ва иборалардан хон саройини, юқори табақани ҳаққоний кўрсатиш учун фойдаланади. Бироқ бу адабий сўзлар ҳам умумихалқ тилининг руҳига мослаб ишлатилганлиги учун шеърда жуда табиий ва жуда таъсири жаранглайди.

Усмон Носир таржимаси тилида кўринган ҳалқчиллик ва реализм ҳалқ тили билан адабий тилнинг энг яхши фазилатларини бир-бираига қўшиб, янги, юксак адабий тил яратиш натижасида юзага келган. Октябрь революцияси бунга тарихий имконият яратиб берган.

¹³ «Узбек адабиёти», Тошкент, 1960, 384-бет.

¹⁴ Усмон Носир, Ташланган асарлар, Тошкент, 1959, 151-бет.

Иигирманчи-ўттизинчи йилларда «маданий қурилиш», «тил қурилиши» деган терминлар кенг тарқалган экан. Машҳур тилшунос олим Е. Д. Поливановнинг «Ўзбек тили қурилишининг ҳозирги босқичи» деган мақоласи ҳам бўлган. Чиндан ҳам, янги адабий тилнинг яратилиш жараёнини кўп йил давом этадиган улуғ бир қурилишга ўхшатиш тўғрироқ бўлар эди. Албатта, қурилишга майдон ҳозирлаш ва йўл очиш пайтида тогу тошлар, қоялар портлатилади. Бусиз қурилиш ривож тополмайди. Аммо инқилобий портлаш натижасида йўл очилгандан кейин қурилишнинг ҳар бир қаричи, ҳар бир қадами тадрижий равишда пухта битказиб берилади.

Янги адабий тил ҳам тадрижий йўл билан миқдор ўзгаришларининг аста-секин сифат ўзгаришига айланиши тарзида майдонга келади. Бу жараён реалистик ўзбек прозасининг тили қандай шаклланганига бевосита алоқадор бўлганлиги учун биз унга бошқа бир бобда алоҳида тўхтalamиз.

С. МИРВАЛИЕВ

ҲАРБИЙ РОМАН ИУЛИ

Улуг Ватан уруши мавзуи адабиётимизда 1941 йил 22 июндан бошлаб ишланабошлади. Бу соҳада поэзия, драматургия ва кичик проза олдинги сафларда борди. Лекин мазкур мавзу йирик прозада анча кечроқ, аниқроғи, 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб акс этди. Ўзбек ҳарбий романларининг туғилишида поэзия, драматургия ва кичик проза орттирган бу соҳадаги маълум тажриба ва традициянинг роли муҳим бўлди. Шу билан бирга Улуг Ватан уруши мавзунин ишлашдаги қардош халқлар адабиёти ва аввало рус совет адабиётининг бой традицияси миллий ҳарбий романнинг яратилишида маҳорат мактаби бўлиб келди.

Қисқаси, ўзбек совет адабиётида 1957—58 йилларга қадар том маънодаги ҳарбий роман яратилмаган бўлиб, бунинг сабаби, бир томондан, кўпгина ёзувчиларнинг фронтдалигига бўлса, иккинчидан, ҳали аксарият ёзувчилар бу соҳада ҳаётий ва ижодий тажрибага эгамаслигига эди. Қачонки, бу соҳада маълум тайёргарлик ва тажриба ҳосил бўлгач, Ойбекнинг «Кўёш қораймас», И. Раҳимнинг «Чин муҳаббат», Шұҳратнинг «Шинелли йиллар», В. Фафуровнинг «Вафодор» асарлари каби қатор ҳарбий романлар яратила бошланди. Мазкур романларнинг ўзига хос томонларидан бирни уларнинг уруш картинасини, урушнинг дастлабки этапини бевосита тасвирлашга бағишлиланганлигидадир. (Фақатгина «Шинелли йиллар»да урушнинг бутун этапи қамраб олинади.)

60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб яратилган Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», С. Аҳмаднинг «Уфқ», Ҳ. Гуломнинг «Тошкентликлар», О. Еқубовнинг «Эр бошига иш тушса...» романларида асосан фронт орқасидаги меҳнат қаҳрамонлиги, халқимиздаги оташин ватанпарварлик ва мардлик ифода этилади ва қисман фронт ҳаёти тасвирланади. Ана шу даврда яратилган «Давр менинг тақдиримда», «Ҳаётмамот», «Олтин зангламас» каби учинчи бир типдаги романларда эса урушдан олдинги ва кейинги давр ҳаёти билан бирга Улуг Ватан уруши ҳам акс эттирилади.

Шундай қилиб, ўзбек ҳарбий романларининг туғилиши ва шаклланиши 50-йилларнинг иккинчи ярмидан то 60-йилларнинг биринчи ярмигача бўлган бир даврга тўғри келади.

Демак, адабиётимизда ҳарбий романларнинг туғилиши ва шаклланиши йиллари мазкур даврга оид бўлиб, тараққиёт тенденцияси эса уч йўлдан бораётир. Лекин масаланинг муҳим томони шундаки, мазкур асарлар қайси давр маҳсули, қайси тенденцияга мансублигидан қатъий назар, уларда совет кишисининг қаҳрамонона фазилатлари, ватанпарварлик характеристи, мардлиги ва темир иродалилиги тарихан реал акс эттирилади.

Мазкур романлар жанр ва услуб эътибори билан ҳамда гоявийбадий даражаси жиҳатидан турли савияда бўлсалар-да, уларнинг

деярли ҳаммаси ҳаёт-мамот жангига нега душман эмас, балки совет халқи ғалаба қозонди? деган саволга бадиий умумлашмалар орқали тўғри ва аниқ жавоб бера олганликлари учун ҳам муҳим сиёсий-тарбиявий аҳамиятга моликдир. Бу жиҳатдан «Қуёш қораймас» романининг бош қаҳрамони Бектемирнинг ўз сафдоши Али тажангга қаратадаги гаплари характерлри: «Гитлер совет дараҳтини қулатмоқчи, у болтани нақ туб илдизга ураётир. Илдиз рус халқи. Биз мана шу илдизни сақлашимиз керак. Шунда бу совет дараҳтининг катта, кўркам сөрмева бутоғи бўлган Ўзбекистонни оғатдан асраран бўламиз». Кўриниб турибдики, ёзувчи она-Ватанни ягона совет дараҳти деб олса, унинг туб илдизини рус халқи деб билади. Тана, шоҳ ва бутоғлари эсак ўп миллатли қардош халқлар оиласидир. Унинг мустаҳкамлиги ва зўрлиги ҳам шу кўп миллатли халқларнинг бирлашганилигидадир. Санъаткор бу орқали совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни маҳорат билан кўрсата олган. И. Раҳимнинг «Чин муҳаббат» романида эса Москва — мамлакатимизнинг юраги эканлиги, шунинг учун улуг пойтахтни ҳар қандай қийинчиликлар билан бўлса-да, душмандан омон сақлаб қолиш керак деган фоя олға сурилади. «Шинелли йиллар»да бўлса бу яна ўзгача усулда ифода этилади. Немис фашистлари фақат русларнинггина душмани эмас, балки кавказликлар, ўрта осиёликлар, қўйингки, бутун прогрессив инсониятнинг душмани сифатида талқин қилинади. Шунинг учун ҳам мана шу умумий душманга қарши биргаликда кураш олиб бориши тарғиб қилинади, шундагина жаҳонда мустаҳкам тинчликнинг барқарор топиши мумкин деган фоя умумлаштирилади, жаҳондаги социалистик тузум ва демократик кучларнинг равнақ йўли кўрсатилади.

Ўзбек совет ҳарбий романлари ўзаро услуб, жанр доираси ва гоявий-бадиий қимматига кўра бир-биридан фарқ этишидан ташқари асардаги ҳаётий материалнинг ҳажми, тарихий давр чегараси жиҳатидан ҳам ажralиб туради. Масалан, «Қуёш қораймас»да Улуг Ватан урушининг дастлабки йиллари ва мазкур даврдаги мағлубиятлар, йўқотишилар, айни чоғда кичик бўлса-да, дастлабки ғалабалар Москва остонаси учун бўлган жанглар фонида умумлаштирилса, «Шинелли йиллар»да уруш даври Закаспий фронтидаги жанглар воситасида тасвир этилади. Бу ҳол иккинчи даврда яратилган романлар учун ҳам характерларидир. Лекин бу ерда «Қуёш қораймас» романининг муҳим томонини кўрсатмай бўлмайди. Маълумки, мазкур романда урушнинг дастлабки кичик бир этапи, яъни 1941 йил 22 июндан то декабрь охириларигача бўлган қисқа давр акс эттирилган. Баъзи адабиётшунослар «Қуёш қораймас»даги воқеалар ва давр ҳажмининг торлигини ёзувчининг камчилиги деб қарайдилар. Бу унчалик тўғри бўлмаса керак. Чунки Ойбекнинг уруш даврининг ана шу дастлабки даврини онгли суратда ўз романининг тасвир обьекти қилиб олиши бежиз эмас. Агар эътибор берилса, худди шу даврда катта мағлубиятлар, чекинишлар ва сон-саноқсиз йўқотишилар бўлгани билан, энг муҳими, совет халқи ва унинг шонли армияси худди шу давр ичida ўзини ўнглаб олаётган ва ҳужум позициясига ўтиб, Москва остонасида душманнинг тишини синдира бошланган эди. Бунинг устига ёзувчининг Москва остонасидаги жангларни кўрсатишдан мақсади социалистик система ва демократиянинг тақдиди худди шу Москва бўсағасида ҳал бўлаётганлигини таъкидлашдир.

Ойбек масаланинг ана шу икки муҳим томонини чуқур англаган ҳолда воқелик моҳиятини бадиий ифодалай билганлигидан, ўз романининг тарбиявий-эстетик аҳамиятини ошира олди.

Улуг Ватан урушидаги совет халқининг фашизм устидан бўлган оламшумул ғалабасини таъмин этишда Коммунистик партиянинг роли бениҳоя катта бўлди. Шу билан бирга халқимизнинг бузилмас дўстли-

ги, совет халқи иродасининг мустаҳкамлиги, ғалабага қатъий ишончи, улардаги ватанпарварлик ва гуманизмнинг чуқурлиги, фронт орқасининг метинлиги, жангчиларимизда Ватан, партия ва ўз халқига содиқлик, улардаги зўр жасорат ва қаҳрамонлик туйғулари ғалабага олиб келган муҳим омил бўлди. Шу жиҳатдан қараганда, «Қудратли тўлқин», «Уфқ», «Эр бошига иш тушса...», «Тошкентликлар» каби романлардаги муҳим бир хусусият кўзга яққол ташланади. Бу — фронт орқасининг мустаҳкамлиги ғалабаларимизнинг гарови бўлган деганеоянинг чуқур ва тарихий реал ифода этилиши масаласидир. Хусусан, «Қудратли тўлқин» ва «Уфқ» романларида ана шу масала анча чуқур ҳал этилади. «Қуёш қораймас» Улуғ Ватан урушининг биринчи этапини тасвирлаши билан характерли бўлса, ундан кейин яратилган ва иккинчи типдаги асарларга кирган «Қудратли тўлқин» асосан 1943 йилга — урушнинг бурилиш йилига бағишиланганлиги билан диққатни тортади. Бу бежиз эмас. Чунки худди шу давр халқимиз тарихидаги энг оғир ва масъулнитли, айни чогда улкан ғалабаларнинг бошланич даври бўлганлиги билан диққатга сазовордир. Ёзувчи ўзбек халқининг урушнинг ана шу давридаги иштироки ва роли масаласини кўрсатади, фронт орқасидаги қаҳрамонона меҳнатини голибона ва даҳшатли уруш фонида умумлаштиради.

«Эр бошига иш тушса...», «Тошкентликлар» романларида ҳам материал янгилиги, баъзи тасвирий эпизодларнинг жонли ва жозибадорлиги, реаллиги ва эсда қоладиган образлар яратиш иштиёқи сезилиб тургани ҳолда ҳали уларда ҳаётий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқат томон ўтишдаги тажриба, маҳоратнинг жанр талаби дараҷасига етмаганлиги сезилиб туради. Далиллашдаги мантиқий бирлик етишмайди. Айни чогда бадиий далиллаш санъатида ҳам ожизлик юзага келади. Бундай ҳол бадиий тил санъатидан фойдаланишда ҳам кўринади.

«Давр менинг тақдиримда», «Олтин зангламас». «Ҳаёт — мамот» сингари романларга келганда, шуни айтиш лозимки, энди уларда ҳарбий воқелик урушдан олдинги давр билан урушдан кейинги иккни даврни бир-бирига боғловчи кўприк сифатида кўрсатилади. Ана шу кўприкдан ўтишдаги қийинчиликлар — мashaққатларни, йўқотишларни кўрсатиш орқали совет характерининг тобланиши умумлаштирилади. Шу жиҳатдан А. Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» фалсафий-лирик романни алоҳида қимматга эгадир.

Мазкур ҳарбий романларнинг яна бир муҳим хусусияти жанр ва тасвирлаш услуби жиҳатдан ўзбек романчилигига янгиликлар киритаёт-ганлигига ҳамдир. Бу бир томондан, уларда фалсафий фикр ва интеллектуалликнинг чуқурлашишида, иккинфидан, публицистик руҳ ва лирик пафоснинг мукаммаллашиб бораётганида кўринади. Агар «Қудратли тўлқин», «Уфқ» ва «Давр менинг тақдиримда» романларида лирик пафос ва публицистик руҳ алоҳида сезилиб турса, «Қуёш қораймас»да фалсафийлик устун туради. Буни асар номларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ойбек ўз романини «Қуёш қораймас» деб айтади. Бу, гап фақат самовий жисмнинг қорайиши ёки қораймаслиги устида эмас, балки инсоният қуёши — социалистик тузум қуёши устида, унинг қораймаслиги ҳақида боради. Аниқроғи, социализм қуёшининг сўнмаслиги ва абдийлиги ҳақидаги ҳаётий фалсафа роман тоғисини ҳам, қаҳрамон характери ва ҳатто асар ҳақида қаҳрамон номини ҳам тайин этган. Романдаги «Темир юрак жангчи...» Бектемир номига ҳам ана шу фалсафий тоға сингдириб юборилган. У «темир юрак», «темир ирова» ва мардлик билан она-Ватанини фашизм балосидан сақлаб қолган минглаб оддий совет жангчиларининг типиклаштирилган ва айни чоғда индивидуаллаштирилган образидир. Қисқаси, ёзувчи темирнинг беги Бектемир

характери динамикаси орқали фақатгина социалистик система мавжуд бўлган Ватандагина ана шундай Бектемирларнинг туғилиши, вояга етишиши мумкин деган ғояни ҳам илгари суради. Айни чоғда инсоннинг бутун куч ва қобиляти, таланти ана шундай эркин жамиятдагина камол топажаги ҳам улуғланади. Буни ёзувчи Бектемирнинг «дехқонбон бола...»дан «темир юрак жангчига» қадар босиб ўтган ҳаётий йўлини тасвирлаш орқали умумлаштира олган. Бу ҳол фақат ана шу асаргагина хос эмас. Ҳарбий мавзудаги барча романларда ҳам ана шундай чуқур интеллектуаллик гоҳ публицистик руҳ, гоҳ лирик пафос билан ўз ифодасини топа олган. Ҳозирги вақтда ўзбек ҳарбий романчилигига тинчлик учун кураш ғояси асосий ўринни эгаллайди. Бу курашда совет ҳалқининг ўйнаган ва ўйнаётган роли, бурчи умумлаштирилмоқда, совет кишисининг курашchan образи тобора чуқур эпик планда кўрсатилмоқда. Шу орқали совет ватанпарварлиги ва гуманизмнинг куч-қудрати, пролетар интернационализмига асосланган дўстлиги улуғланмоқда, шу ғоянинг тантанаси мадҳ этилмоқда.

Ҳарбий романларда кечмишини кўрсатиш орқали бугунги баҳтиёр ҳаётимизнинг нақадар машаққат ва йўқотишлар эвазига, мислсиз қаҳрамонлик ва мардликлар ҳисобига яратилганлиги ҳам алоҳида қайд этилиши бекиз эмас. Чунки кечмишини билмасдан туриб, бугунги ва эртаниги куннинг қадрига етиб бўлмайди.

Демак, ўзбек совет ҳарбий романларида икки ғоявий тенденция мавжуд бўлиб, буларнинг бири тинчлик учун кураш ғояси бўлса, иккиси кечмишини билиш орқали бугунги ва эртаниги нурли ҳаётнинг улуғворлигини, қадр-қимматини чуқурроқ тушуниш ва уни уруш оғатларидан ҳимоя этишдан иборатdir.

ТҮХТА БОБОЕВ

ҚАҲРАМОН ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Санъаткорнинг эстетик идеали, воқелик ҳақидаги умумий конференциялари, замон ва инсондан олган таассуротлари, келажак тўғрисидаги фикр-ўйлари бевосита ижобий қаҳрамон образида мужассамлашади. Ёзувчи ижобий қаҳрамон характери орқали ўз даврининг илфор гояларини ифодалайди, даврнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқади. Шу орқали у китобхонларни илфор ижтимоий идеаллар учун курашга ҳам даъват этади. Чинакам реалистик ижобий қаҳрамон обраzi яратиш масаласининг ҳар доим актуаллик касб этишининг боиси ана шунда.

Хўш, ўзбек адиллари ижобий қаҳрамон проблемасини ечишда қандай йўлдан боряптилар? Ижобий қаҳрамон образини яратишда қандай принциплар кенг қўлланилиб келинайти?

Аввало шуни айтиш керакки, ёзувчиларимиз ўз асарларидағи ижобий қаҳрамон образларини яратишда типиклаштиришнинг ранг-баранг приём ва усусларидан фойдаланмоқдалар. Үларнинг асарларида типиклаштиришнинг, хусусан, икки усули — жамлаш йўли билан ва прототип орқали образ яратиш кенг қўлланилиб келинмоқда.¹

Прототипдан адабий тип яратиш усули мисолидаёқ биз ҳаёт материали заминида бадиий образ яратиш гоятда мураккаб ижодий иш эканини кўрамиз. Узбек совет прозасида прототипдан адабий тип яратишнинг ранг-баранг кўринишлари бор. Чунончи:

а) социал группаларнинг оддий вакиллари заминида бадиий образ яратиш (А. Қаҳҳорнинг «Кўр кўзнинг очилиши», «Олтин юлдуз», С. Аҳмаднинг «Чўл шамоллари», З. Фатхуллиннинг «Сўнмас юлдуз» каби асарларининг бош қаҳрамонлари);

б) машҳур ёзувчи ва санъаткорлар ҳаёти материаллари асосида образни юзага келтириш (Ойбекнинг «Навоий», Файратийнинг «Бизнинг Ҳамза», С. Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» каби асарларида);

в) инсониятнинг улуғ доҳийлари қаёфасини бадиий ифодалаш (Ҳ. Ғуломнинг «Сенга интиламан», А. Мухторнинг «Опа-сингиллар» каби асарларидаги В. И. Ленин образи);

г) автобиографик планда бадиий образ яратиш (С. Айнийнинг «Эсадаликлар», Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Утмишдан ҳикоялар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» асарларининг бош қаҳрамонлари) ва бошқалар.

Тўғри, адабиётимиз тарихида прототипдан адабий тип яратишнинг бундай гурухлари орасида ўхшашлик, умумийлик кўп: улар асосида реал

¹ Бу ҳақда проф. Л. П. Каюмов «Типиклик ва бадиий маҳорат масалалари» деган мақоласида тўхталиб ўтган. Қаранг: «Ўзбек адабиёти масалалари», Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959.

шахс ётади. Аммо уларнинг шундай ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжудки, уни адабиётшуносликда ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, социал группаларнинг оддий вакиллари образини яратиш жараёнида ёзувчи, асосан, қаҳрамоннинг ижтиомий турмуш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолиятини текширса ва кўрсатса, ижод аҳллари нинг образларини яратишда эса муаллиф олдида «қаҳрамоннинг ижтиомий турмуш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолиятини ва дардини текшириш ҳамда кўрсатишгина эмас, балки унинг ижодиёти психологиясини, асарларида кейинчалик ифода қилинган поэтик майлларнинг тарихий — реал илдизини ҳам очиб кўрсатиш вазифаси туради.²

Автобиографик асарларда эса авторларнинг ўzlари бош қаҳрамон сифатида ҳаракат қиладилар, шахсан ўз ҳаётларида кўрган, ўzlари иштирок этган ёки этишган воқеа-ҳодисаларни тарихан конкрет ва аниқ қилиб акс эттирадилар, уларга бўлган ўз муносабатларини билдирадилар. Автобиографик асарда муаллиф ўз ҳаётининг маълум бир даврини кўрсатар экан, реал воқеа ва ҳодисалардан қаҳрамон характеристикинг маълум қирраларини очишга, муайян давр руҳини ифодалашга ёрдам берадиганларини сайлаб олади. Шу воқеа-ҳодисалар мазкур асар сюжети ривожига хизмат қилади, композициясининг ҳалқаларини ташкил этади. Бундан ташқари, автор ҳаётидан олинган фактлар бадиий факт даражасига кўтарилиб, эстетик қиммат касб этади. Бу — автобиографик асарлардаги автор образи ҳам типиклаштириш орқали яратилади деган сўздир. Чинакам реалистик автобиографик асарда бош қаҳрамон (автор) тақдирни умумхалқ тақдирни билан узвий bogланиб кетади. Аммо бу масала ҳар бир асарда ҳар хил йўллар билан ҳал этилиши табиийdir. Чунончи, «Болалик» ва «Ўтмишдан эртаклар» қиссаларининг бош қаҳрамонлари (Мусавой ва Абдулла) тақдирни ҳалқ тақдирни билан уйғун қилиб берилган: Октябрь революцияси арафасида ўзбек ҳалқи революцион онгининг ўсиб боришини бадиий ифодалаш қаҳрамонларнинг бахти тақдирини кўрсатиши билан қўшилиб-чатишиб кетган. Агар А. Қаҳдор ўз қисссасида бунга асосан, индивидуал типларни моҳирона яратиш орқали эришган бўлса, Ойбек эса индивидуал типлар билан бир қаторда оммавий картиналарни ҳам чизиш йўли билан муваффақ бўлган. А. Қаҳдор характерни биринчи планда, ҳалқ ҳаётини кўрсатувчи воқеа-ҳодисаларни иккинчи планда берган бўлса, Ойбек қаҳрамон ва ҳалқ характерини параллел тасвирлаган.

Одатда бир адабий тип заминида, асосан, биргина реал шахс туради (Ойбек романидаги Алишер Навоий образи). Аммо баъзи адабий типлар учун икки ёки ундан ортиқ реал шахслар прототип бўлиши мумкин. («Синчалак»даги Қаландаров образи учун уч колхоз раиси прототип бўлган). Агар ёзувчи асар қаҳрамони учун ҳаётдан биргина шахсни прототип қилиб танласа ва шу тарихий шахснинг биографияси фактларига асосан риоя қилса, унда асар тарихий-биографик характер касб этади («Навоий», «Ҳамза» каби). Аммо адабий тип учун танланган прототиплар икки ёки ундан ортиқ бўлса ва ҳатто, битта бўлса ҳам реал шахслар биографияси қатъий принциплар асосида сақланмаса, бундай образларнинг яратилиши жамлаш йўли билан образ яратиш усулига жуда яқин туради («Синчалак»даги Қаландаров каби).

Бадиий ижод процессида прототип санъаткор учун ҳаётни эстетик жиҳатдан ўзлаштиришнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Ёзувчи бадиий образ яратишда яна бир қатор мураккаб ижодий ишларни амалга оширади. Чунончи, адабиётда бадиий тўқимасиз, ижодий фантазиясиз

² Мұхтар Аvezov, Абай ҳақидаги романларим устида олиб борған ишим. Қаранг: «Бадиий ижод ҳақида», Тошкент, 1960, 170—171-бетлар.

әрқин бадий образ яратып бўлмайди. П. Турсуннинг «Ўқитувчи», В. Фофуровнинг «Вафодор» каби асарларида яратилган Элмурод ва Рустам образлари тарихий фактлар ва ҳаёт ҳақиқатига мос келадиган бадий тўқималар асосида яратилган. Шунинг учун ҳам бундай образлар ўз прототипларидан анча кенгдир. Бироқ бундан прототипли бадий образларнинг ҳаммаси ҳам, албатта, ўз тарихий асосларидан кенг бўлиши шарт деган хуносага келиш тўғри бўлмас. Масалан, санъатда доҳийлар образини яратиш қонунияти бизнингча бошқачароқдир.

Езувчи прототипдан адабий тип яратишида ҳаёт материалини фильтрлайди — нимаики муҳим бўлса, шунигина сақлаб қолади, тасодифий нарсаларни тушириб қолдиради, фактларни умумлаштиради, ёзувчининг бадий тўқимага бўлган ҳуқуқидан фойдаланади. Аммо бадий образ яратиш учун шу процесснинг ўзигина етарли бўлмайди: «Ҳаёт ҳодисаси юқоридагидек «тозалаш» процессидан ўтиш билан бирга бир «қозонга тушади» ва унда ёзувчининг социал ва ахлоқий идеали билан бирга қайнаб пишиб чиқади. Бадий адабиётда образ ҳаётй факт билан ёзувчи идеалининг қўшилиши натижасида майдонга» келадиз.

Ижобий қаҳрамон образини яратиш проблемаси асардаги образлар системаси билан узвий боғлиқ ҳолда ечилади. Шу қадар занжирбанд бўлиб кетадиларки, натижада уларнинг бироргасига ҳам тегиб бўлмайди. Чунки асарга киритилган ҳар бир бош foядан келиб чиқадиган, бинобарин, асосий ва ёрдамчи образлар ўртасидаги диалектик муносабат қаҳрамон характерини очишнинг асосий усусларида ҳисобланади. У ёки бу қаҳрамоннинг бошқа образлар билан боғлиқ бўлган ишлари, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, М. Горький айтганидек, симпатия ва антипатиялари китобхон хотириасида узоқ вақт сақланиб қолади. А. Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» романидаги образлар биринчидан, ўз мустақил идеяларига эгалиги ва ўз характер мантиқига кўра ҳаракат қилишилиги билан, иккинчидан, асарнинг бош foясига боғлиқлиги, бош қаҳрамон тақдирни билан чатишиб кетганлиги билан кўзга ташланиб туради. Романдаги аксарият образлар бир-бирлари билан диалектик муносабатга киришиб, яхлит бир манзара ҳосил қилганларки, бош қаҳрамон (Аҳмаджон) характери ана шу фонда шаклланади, қирралари очилади. Аҳмаджон — совет кишиларининг умумлашма образи. Езувчи дастлаб китобхонни ҳаёт ва баҳт ҳақида юзаки тасаввурларгагина эга бўлган ёш ва fўr, аммо жўшқин қалбли Аҳмаджон билан танишитиради. Аҳмаджон ҳали бу пайтларда ҳузур-ҳаловатни баҳт билан, қувноқликни лоқайдлик билан чалкаштиради, чин севги нималигини англамай туриб интим шеърлар тўқииди — синфдоши Марзияга муҳаббат изҳор қиласи, ҳақиқий саботли киши қандай бўлишини билмасдан туриб, саҳро шунқори Султон ва матонатли олим Мадали Қосимовларга нотўғри муносабатда бўлади. У ҳаёт ва баҳт ҳақидаги юзаки тасаввурлари билан биринчи марта Мадали Қосимовнинг жиддий эътиrozига дуч келган. Инсоний бурч ва чин баҳт ҳақидаги Қосимовнинг мантиқан кучли ва асосли фикрлари Аҳмаджонни ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга мажбур этади. Султон ва Мадали Қосимовларнинг маънавий юксаклиги, инсоний фазилатлари ҳақида чуқур ўйлаб кўрар экан, Аҳмаджон гўё ўзини «улар олдида бирдан яланғоч бўлиб қолгандек» ҳис этади. У ноҳақ суриб юборилган институт ўқитувчиси Мавлон aka оиласининг қисматини кўради. Бу уни ҳаёт ҳақида янада чуқурроқ ўйлашга даъват этади. Уруш бошланиши билан у биринчилар қаторида жангга отланади.

³ И. Султонов, Адабиётимизни яиги босқичга кўтаратиلىк, «Шарқ ўлдузи», 1957, 11-сон, 156-бет.

ди. Ҳарбий билим юрти, «Үтда ҳам сувда ҳам» жангчилар билан бирга нафас оладиган лейтенант Харитонов, «содда ва доно дәхқон, взводнинг жони бўлган» кекса сержант Агафон тоға, «жангларда ҳам дарслигини қўйнида олиб юриб, физика қонунларини ёдлайдиган» ёш солдат Андрей, фашизм қурбони тилсиз Васята, «само океанинг посбони» Сўнагул, «полк ўғли» — партизан Вася, ўқ дўлларидан ҳайиқмай қуршовда қолган жангчиларимизга нажот йўлини очган капитан Мадали Қосимов, ҳар бири бир олам бўлган қанчадан-қанча жангчилар, Аҳмаджонга отилган ўқни ўз кўксидаги кетган «бароқ қошли асир», «устав қонига сингиб кетган» «батальон фариштаси» капитан Ҳмаралар муҳити Аҳмаджон учун чинакам ҳаёт мактаби бўлади. Бу мактаб унинг характеристикини тоблайди, чиниқтиради. Аҳмаджоннинг босқинчиларга қарши шафқатсиз кураши, концлагердаги юзлаб асиirlарнинг тақдири ва баҳти учун эсесчи зуммерлар оламига исён кўтариши, фашизмнинг ахлатхонага улоқтирилган «фалсафа»сини титкилаётган америкалик капитан Макуэллга қарши мафкуравий жанг қилиши эпизодларида муаллиф бөш қаҳрамоннинг камолоти ва жасоратини кўрсатади. Ёзувчи романнинг иккинчи ва учинчи фаслларида ҳам ўз қаҳрамонини мана шундай муносабатлар фонида кўрсатади. Шунинг учун ҳам Аҳмаджон образи тўлақонли, ҳаққоний ва ишонарли бўлиб чиқкан.

Бадий асарда ҳар бир образ (ҳоҳ асосий, ҳоҳ ёрламиши бўлсин) ўз ўрнида зарур. Ҳатто асарда кам кўринадиган эпизодлик персонаж ҳам муҳим функцияни ўташи мумкин. «Қутлуғ қон»даги Петровсиз Йўлчи характеристида юз берган туб сифат ўзгаришини пайқаб бўлмайди. «Қудратли тўлқин»да комиссар Ҳайдар Содиқов китобхон билан юзмай юз учрашмайди (биз уни фронтдан йўллаб турган мактублари орқалигина биламиз, холос). Шунга қарамай, унинг бош қаҳрамон Пўлат тақдирида муҳим роль ўйнаганлигини сира-сира унугтиб бўлмайди. Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги Платон Қаратеев ҳам, Борис Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» романидаги комиссар Воробьев ҳам китобхон билан кам учрашади — улар ёрдамчи образлар сифатида кўринади. Аммо шуларсиз асосий қаҳрамонлар — Пьер Безухов ва Алексей Мересьев образларида сифат ўзгаришларини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Асар сюжетида муҳим роль ўйновчи мана шундай образларга кам эътибор беришга асос йўқ. Ҳолбуки, ана шундай эътиборсизлик орқасида айrim асарларда схематик, сунъий, ҳатто, асар сюжетига боғланмайдиган образлар учраб қояпти. «Тақдир» (И. Раҳим) романидаги Сарваров ва Қорабельниковлар схематик образлар бўлиб қолган бўлса, «Ўғқ» (Сайд Аҳмад)даги Омон полвон ва Тўппонча полвонларнинг асар сюжетидаги ўрни деярли сезилмайди. Шу қаби мисолларни яна бошқа асарларимиздан ҳам келтириш мумкин.

Ижобий қаҳрамон проблемаси реалистик асарда типик характеристарни типик шароитда ҳаққонийлик билан намоён этиши принципи орқали ҳал этилади. А. Қаҳҳорининг «Синчалак» повестидағи Саида Алиева ва Арслонбек Қаландаров характерлари мана шу жиҳатдан жуда ибратлидир.

Саида Алиева — «Синчалак»нинг бош қаҳрамони. Унинг характеристи типик шароитда — «қаландарочилик» руҳи ҳам мавжуд бўлган шароитда шаклланади. Асар бошида «хўжалик ишларига тўнг кўз» бўлган, ёш коммунист Саида воқеалар ривожида, типик шароит таъсирида камол топа боради, ҳар томонлама етук қаҳрамон даражасига кўтарилади ва ўз атрофидаги биқиқ муҳитга кучли ижобий таъсир этади. Ёзувчи қиссада шароит билан характер ўртасидаги диалектик муносабатни бадий ифодалашга социал муҳит, ситуация, коллизия, конфликт,

қаҳрамонларнинг психологик ҳолатлари, пейзаж, предмет ва ҳайвонот дүнәлари каби виситалардан санъаткорона фойдаланади.

Реалистик асарда шароит характерга ва характер шароитта ўзаро таъсир этиб туради, аммо бу таъсирнинг характери ва нисбати ҳар бир асарда ҳар хил бўлиши мумкин. «Синчалак»да, биринчидан, шароит характерга ва характер шароитта ўзлуксиз таъсир этиб туради, иккинчидан, шароитнинг характерга таъсирига нисбатан характернинг шароитта таъсири устунлик қиласи. Ойбекнинг «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қүёш қораймас» каби асарларида эса шароит билан характер параллел тасвирланган, «Ҳамза» поэмасида характернинг шароитта ва «Болалик» повестида эса шароиттинг характерга таъсирини кўрсатиш биринчи ўринга чиқкан. А. Қаҳҳор «Шоҳи сўзана»да Деҳқонбой ва Ҳафизаларнинг ўз муҳити (Ҳамробуви, Холнисо, Мавлон aka кабилар)га таъсирини очган бўлса, «Сароб» ва «Қўшчинор чироқлари»да шароитнинг характерга таъсирини кўрсатган. Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романнинг «қодировчилик»ка таъсирини очиш асосий масала бўлса, «Қудратли тўлқин»да аксинча, шароитнинг бош қаҳрамон характерига таъсири биринчи планда берилган. Демак, бу масала, асосан, автор нияти, асар темаси, материали, бош қаҳрамон характерининг мантиқи каби факторларга боғлиқ ижодий ишдир.

Шароитнинг характерга таъсири биринчи планда берилган асарларга назар ташласак, биз соглом шароит қаҳрамонни камолотга бошлишини ва бициқ, носоғлом муҳити эса уни ҳалокатга тортишини пайқаймиз. Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романнода Аббосхон, Муродхўжа домла, Мирза Муҳиддин, Мунисхон, Ҳайдар Ҳожи, Маҳмудхон каби буржуя миллатчиларнинг муҳити ёш ва фўр студент Сандийни бутунлай ҳалокатга олиб борганилиги кўрсатилган. «Қўшчинор чироқлари»да эса аксинча, соглом шароит (Урмонжон, Самандаров, Зиёдахон, Болтабой, Тўпанисо, Анзират хола, Канизак каби фаол колхозчилар муҳити) Зуннунхўжа оиласида тенгқурларидан айрилиб, мөғор босиб қолган Сиддиқжонни замонавий кишилардан бири даражасига кўтарган.

Адабиётимизнинг ҳозирги босқичидаги қиёфасини белгилаб берадиган асарлар («Қүёш қораймас», «Болалик», «Улуғ йўл», «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар», «Муҳаббат», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» кабилар)да ёзувчиларимиз шароит билан характер ўртасидаги диалектикани чуқур очиш йўлидан бориб, тўлақонли ижобий қаҳрамон характерини яратганлар.

Социалистик реализм методининг асосий шарти — воқеликни тарихан конкрет ва революцион тараққиёт процессида кўрсатиш принципи йирик жанрда яратилган адабий асарда ижобий қаҳрамон характерини, бир томондан, тарихан конкрет ва, иккинчи томондан, шаклланиш, ўсиш-ўзгариш процессида кўрсатишни тақозо қиласи. А. Мухторнинг «Опа-сингиллар» романнинг бош қаҳрамони Онахон ва Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романнинг марказий образлари — Пўлат ва Баҳор характерлари худди шу принцип асосида очилган.

Шуни айтиш керакки, қаҳрамон характерининг шаклланиш процессини қай даражада бериш асарнинг жанр хусусиятларига, ҳаётий материалнинг характерига, санъаткорнинг услубига, ниятига, маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун ҳам адабиётимиз тарихида бадий образни динамик аспектда чизишнинг ранг-баранг кўринишлари бор. Чунончи, П. Турсун «Ўқитувчи» романнода Элмурод ва А. Мухтор «Давр менинг тақдиримда» романнода Аҳмаджон характерларининг эволюциясини жуда кенг планда — туғилишидан камолотигача батафсил кўрсатиб берганлар. А. Қаҳҳор «Синчалак» қиссасида Саида характери ва дунёқараши-

ни маълум даражада шаклланиш йўлига тушиб олган пайтидан тортиб, то тўла балогатигача акс эттирган. Қаҳрамон характерини шаклланиш процессида кўрсатиш «катта проза» мизда ижобий қаҳрамон образи яратиша кенг ва муваффақиятли қўлланилаётган принциплардан бўлиб қолди.

Ижобий қаҳрамон характерини очишдаги яна бир муҳим томон шундаки, санъаткор ўз қаҳрамонларининг кечмиш-кечирмешларини, хатти-ҳаракатларини, қилиқ-одатларини, жасоратини ишонлари қилиб, яъни характер мантиқига бутунлай мос қилиб тасвирлайди. Ойбек, А. Қаҳдор, Ш. Рашидов, А. Мухтор романларининг қаҳрамонлари табиийлиги, ҳаққонийлиги, ишонтирувчанлиги билан китобхон қалбига йўл топа олган. Аммо айрим асарларда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини етарли даражада асоссламаслик ҳоллари учраб турмоқда. Бу эса ўз навбатида даврпеша қаҳрамонларимиз сиймосини китобхон кўз ўнгига яққол гавдаланишига, образларнинг жонлилиги, ҳаётийлиги, яхлитлилигига халақит бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчиларимиз ижобий қаҳрамон проблемасини ҳал этишда социалистик реализм принциплари — ҳаёт ҳодисасидан санъат ҳодисаси яратиш, бош қаҳрамон характерини образлар системаси билан диалектика бирлиқда очиш, асосий ва ёрдамчи образларнинг ўзаро алоқадорлиги ва мавқенин кўрсатиш, типик характерларни типик шароитда ҳаққонийлик билан тасвирлаш, қаҳрамон характерини ўсиш-ўзгариш-шаклланиш процессида бериш, унинг хатти-ҳаракатларини ишонарли қилиб далиллаш, ижобий қаҳрамон сиймосида миллийлик ва интернационалликни ёрқин ифодалаш йўлидан бормоқдалар.

ТИЛШУНОСЛИК

И. М. МУМИНОВ

НУТҚ МАДАНИЯТИ ТҮФРИСИДА¹

Биз тиљшунослик соҳасида қанчалик катта ютуқларга эришганимизни ўзбек тилининг нутқ маданиятига диққат-эътибор бериш билан ҳам билсак бўлади. Ҳозирги даврда бизда нутқ маданияти шу қадар юксак дараражадаки, уни 20 ёхуд 30-йиллардаги нутқ маданиятининг савияси билан солиштириш ҳам мумкин эмас. Бу, шубҳасиз, ўзбек тиљшунослиги фанининг бетиним ривожланиб бораётганини кўрсатади. Бу бизни қувонтиради. Лекин бу нарса нутқ маданияти соҳасидаги камчиликларимиз йўқ деган сўз эмас.

Ўзбек тилининг нутқ маданиятидаги камчиликлар устида гап борар экан, биз биринчи навбатда, гапни тиљшуносларни танқид қилишдан бошлашмиз керак. Чунки улар шу маданиятни бенуқсон эгаллаганликлари билан намуна бўлишлари керак, шу маданиятни халқимизга етказиша ўzlари намуна бўлишлари керак.

Мен бир қанча ўртоқларни биламан. Улар йигилишларда, ёзув-чинизуда нутқ маданияти талабларига тўла риоя қиласидилар. Лекин ўзаро суҳбатда уларнинг қайси шевага мансуб эканликларини билиш қийин бўлмай қолади. Улар расмий жойларда бир хил гапирадилар, кўча-кўйларда, яъни халқ ичида бошқача гапирадилар. Бу оддий ишчи ёки колхозчиларга эмас, балки тилчи ўртоқларга тааллуқли гап. Шунинг учун мен биринчи навбатда тилчиларга ўзларининг нутқ маданиятлари билан расмий мажлисларда ва илмий тадқиқотлардагина эмас, балки шахсий учрашувлар ва суҳбатларда ҳам намуна бўлиб қолишларини маслаҳат қилардим.

Шуни айтиш керакки, нутқ маданияти доимо ўсиш ва ўзгариш ҳолатида, жараёнда бўлади. 20 ва 30-йилларда ҳам ўзбек тилининг нутқ маданияти реал ҳодиса эди. Лекин бу даврлардаги нутқ маданияти эллигинчи ёки олтмишинчи ѹиллардаги нутқ маданиятидан принципиал томонлари билан фарқ қиласиди. Нутқ маданияти ҳар қандай маданият сингари доимо мукаммаллашиб, бойиб, сайқаллашиб боради. Уни қотиб қолган нарса деб эмас, доимо ривожланиб, такомиллашиб, аниқлашиб, фан ва маданият билан бирга тараққий, этиб бораётган ҳодиса деб билиш керак. Шунинг учун тиљшуносларимиз доимо олдинда юришлари керак.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Бунинг учун, биринчидан, олимларимиз қардош халқлар тилларини, биринчи навбатда рус тилини мукаммал билишлари керак. Рус тили мамлакатимиздаги рус бўлмаган барча халқлар учун иккичи она тили ҳисобланади. Бу тили ўрганишга бўлган зарурият кундан-кун ошиб

¹ Мақола нутқ маданияти масалаларига бағишлиланган 1 республика илмий конференцияси (1969 йил, май)да сўзланган нутқ асосида ёзилди.

бормоқда. Ҳозирги даврда фан ва маданиятнинг, халқ ҳұжалигининг яна ҳам тараққий этишини рус тилисиз, уннинг ёрдамисиз тасаввур этиш қийин. Рус тилини билмаган одамнинг умуман маданиятни тұла әгаллаган бўлиши ҳам маҳол. Чунки рус тилини билмай, улуг рус адабиети-ни, музикасини, тасвирий санъатини, театрини билиш қийин. Рус тилини билмай, фанинг барча соҳаларига оид ҳозирги замон адабиётлари билан таниш бўлиш қийин. Шунинг учун ҳам маданиятимизнинг келгуси тараққиети халқимизнинг рус тилини мұкаммал ўрганиши билан бевосита боғлиқдир. Тилшуносларимиз буни ёдда тутишлари керак.

Шунингдек, улар араб, форс ва бошқа тиллардан ҳам хабардор бўлишлари, айниқса форс-тожик тилини билиб олишлари керак. Яқинда Тожикистон Фанлар академиясининг академиги Фани Мирзоев Тошкентда бир неча кун меҳмон бўлиб турди. У билан бўлган сұхбатда Навоийдан Ҳамзага қадар бўлган ўзбек ёзувчиларининг аксарияти форс-тожик тилини мұкаммал билганиллари, ҳатто бу тилда қатор асарлар яратганиллари ҳақида гап борди. Афсуски, ўзбек совет ёзувчилари ўз асарларининг ана шу анъаналарини давом эттирмадилар. Бу ачинарли ҳол. Чунки қадимдан ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалари мустаҳкам бўлган ўзбек ва тожик халқарининг дўстлиги совет даврида яна ҳам юксалди. Эндиликда бу дўстликни бундан ҳам мустаҳкамлаш учун турли-туман тадбирлар, чунончи адабиёт ва санъат декадалари ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки Тожикистанда тожиклар билан биргаликда ўзбеклар ҳам кўпчиликни ташкил қиласди. Ўзбекистонда эса тожиклар ҳам кўп. Агар ўзбек тилига анчагина форсча-тожикча сўзларнинг кириб келганини эътиборга олсак, агар арабча сўзларнинг ҳам ўзбек тилига асосан форс-тожик тили орқали кириб келганини эътиборга олсак, фақат тил тарихи мутахассислари эмас, балки барча тилшунос олимларнинг жуда бўлмаса, тожик тилини билишлари зарур эканлиги маълум бўлиб қолади. Тожик тилини пухта эгаллаш ўзбек тили нутқ маданиятнинг бир қанча мұхим масалаларини ҳам тұғри ҳал этишга ёрдам беради. Зероки бирор сўзнинг тарихий-этимологик томонларини ва грамматик хусусиятларини яхши билмай туриб уни тұғри талаффуз этиш мүмкін эмас. Шу сабабдан бу тилларни мұкаммал билишлик керак.

Ҳозирги пайтда ўзбек тилини биладиган тожиклар, қозоқлар, руслар, немислар бор. Ҳудди шунингдек, тожик, қозоқ, украин, немис тилларини яхши биладиган ўзбеклар ҳам кўп. Ана шу ҳозирги одатни кучайтиришимиз керак. Чунки келгусида социалистик миллатларнинг ўзаро мunoсабати, ўзаро ёрдами, ўзаро таъсири тобора кучая боради. КПССнинг ленинча миллий сиёсати байроғи остида шу мunoсабатлар гуллаб-яшнаб боради. Бунда тилшуносларимизнинг ҳам катта хизматлари бўлиши керак.

Иккинчидан, шуни айтиш керакки, тилшуъеслар ҳам, бошқа соҳа кишилари ҳам пухта эгаллашлари керак бўлган бир фан бор. Бу марксча-ленинча фандир, диалекттик ва тарихий материализмдир. Бу фанни ҳаммамиз университетда, ҳам аспирантурада ҳам ўтамиз, зарурат бўлиб қолганда, ҳозир ҳам бу фанга мурожаат этамиз. Лекин бу етарлар әмас. Марксча-ленинча методологияни ҳар тарафлама ўрганиш, идеология соҳасида айниқса халқаро майдонда бораётган курашларга актив қатнаша бориш, шу кураш йўлларини била бориш керак. Бу жуда мурракаб нарса. У сизлардан жуда кўп нарсани билишингизни, ўрганишингизни талаб этади.

Биз ҳамма катта ёшдаги кишиларимизни олий ёки ўрта маълумотли қилишимиз керак. Ҳозир ўрта ва олий маълумотли кишилар бутун Совет Иттилоғи бўйича 47% ни ташкил қиласди. Биз илгари катта ёш-

даги ақолининг ҳаммаси саводхон бўлсин, дер эдик. Энди бўлса, улар, албатта, ўрта ва олий маълумотли бўлиши керак, деймиз. Бу нарсанинг амалга ошишига сизлар ёрдам беришингиз керак. Бу вазифа сиздан қанчадан-қанча меҳнат талаб қилади, қанчадан-қанча янги проблемаларни келтириб чиқаради. Сиз энди 20-йиллардаги саводсиз ақолига ёхуд 30-йиллардаги кўпчилиги саводсиз ёки қисман саводсиз кишиларга мурожаат қиласиз. Эндиликда сизга олий ва ўрта маълумотли кишилар билан ишлашга тўғри келади. Мана шуни сиз ҳисобга олиб, билимингизни яна ҳам бойитишингиз керак. Маркесча-ленинчча методологияни пухта эгаллаш эса ғоявий ва сиёсий курашлар авж олган ҳозирги шароитда сизга тўғри мавқени эгаллашга ёрдам беради.

Учинчидан, тилшунослар фан ва техниканинг ҳамма тармоқларидан хабардор бўлишлари керак. Фақат тил соҳасини эгаллаб олиб, шу билан чегараланган бўлишлик тилчиларнинг кенг савияли бўлишларига имкон бермайди.

Мана, кейинги ўн йил ичидаги турли фан ва техника тармоқларига оид терминология лугатлари майдонга келди. Шу терминлар ўзбек тилига қандай йўл билан кириши, қандай ифодаланиши ёки таржима қилиниши керак? Бунинг учун яхши тилчи бўлишнинг ўзигина етмайди, бунинг учун ҳозирги замон фани ва техникасининг асосий тармоқларидан хабардор бўлиш, ҳар тарафлама маълумотли бўлиш керак.

Мана шу уч асосий вазифани ўташ, мана шу уч асосий масалани ҳал этиш тилшуносларга нутқ маданиятидаги нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беради. Тўғри, ўзбек тилининг нутқ маданиятини баланд кўтариш бу мутахасисларнинг вазифаси эмас, у бутун интеллигенциянинг вазифаси. Шучинг учун ҳалқимизнинг нутқ маданиятини янада кўтаришга ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Бу умумий иш, бу ҳалқ иши, буни тушуниш керак. Лекин, бари бир, тилшунослар бу масалада етакчи роль ўйнашлари лозим.

Нутқ маданияти тилимизнинг бойлигидан ўз ўрнида ва тўғри фойдаланишини англатади. Сўзни ўз ўрнида ишлатиш ва тўғри талаффуз этиш эса мураккаб бир масала билан — лугат масаласи билан боғлиқ. Биз кўп йиллардан бўён шу соҳада иш олиб бормоқдамиз. Тилшуносларимиз бу соҳада катта иш қилдилар. Лекин қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Ҳали ечилмаган масалалар бор. Бу масалалар хусусида турли-туман, бир-бирига қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Биз уларни ҳамжиҳатлик билан, илмий асосда ҳал қилишимиз керак.

Биз «Ўзбек совет энциклопедияси»ни яратиш жараёнда турли қийинчиликларга дуч келдик. Ана шундай қийинчиликлардан бирин сўзлик тузиш масаласи билан боғлиқ бўлди. Мен шу муносабат билан бўлип ўтган баҳсларни бирма-бир айтиб бермоқи эмасман. Масаланинг мөньяти шундаки, ҳозирги тилимизда, бир томондан, араб, форс ва эски ўзбек тили базасида вужудга келган сўзлар бўлса, иккинчи томондан, тилимизга кейинчалик кириб келган ва кириб келаётган рус-интернационал сўзлари бор. Масалан, тилимизда *кимё* сўзи ҳам, *химия* сўзи ҳам мавжуд. Хўш, сўзликка уларнинг қайси бирини олиш керак? Мен бу масалада тортишган ўртоқларга Ал Фазолининг «Кимё саодат» деган китоби мавжудлигини айтдим. Агар *химия* сўзини асос қилиб олсак, унда бу ктобнинг сарлавҳасини қандай аташимиз керак, деб сўрадим улардан. Албатта, «Кимё саодат» дейшимиз керак. Тилимиздан *кимё* сўзини олиб ташлаш мумкин эмас. Лекин шу билан бирга биз *химия* сўзидан ҳам фойдаланамиз. Масалан, «Чирчиқ электрохимия комбинати» деймиз. Агар *кимё* сўзини асос қилиб олсак, у ҳолда бу иборани «Чирчиқ электрокимё комбинати» деб ислоҳ қиласизми? Барча лугатларга, сўзликларга, дарсликларга кириб кетган *химия* сўзини энди таг-

томири билан суғуриб ташлашимиз керакми?.. Хуллас, биз ҳар иккала сўздан энциклопедияда фойдаланишга қарор қылдик. Чунки, биринчидан, бу ҳар иккала сўз ўзбек тилининг луғат фондидан мустаҳкам ўрин олган. Улардан бирини олиб, иккинчисини чиқитга чиқазиши тилимизнинг бойлигига путур етказиши бўларди. Иккинчидан, бу ҳар иккала сўз фанимизнинг тараққиёт йўлини ўзида ифода қиласи, қадимги асрларга оид илмий тажрибаларимиз ва анъаналаримизни ҳамда ҳозирги даврдаги илмий ютуқларимизни у тўё бир кўзгудек акс эттиради. *Фалсафа ва философия* сўzlари ҳам шундай. Жараён ва процесс, инқилоб ва революция сўzlари ҳам шундай. Уларнинг бирини қолдириб, иккинчидан воз кечиш мумкин эмас. Ўз ўрнида ишлатилса, кимё ҳам, *фалсафа*, ҳам, жараён ҳам, инқилоб ҳам яхши. Лекин, агар гап ҳозирги фанимиз, ҳозирги куннимиз, ҳозирги ишларимиз ҳақида борар экан, менингча, химия ва философия, процесс ва революция сўzlаридан фойдаланган маъқул. Давр руҳи биздан шуни талаб қиласи.

Биз шундай қилишимиз керакки, луғатимиз ҳам тарихдан ажралиб қолмасин, ҳам ҳозирги давримиз билан яқин алоқада бўлсин, ҳар иккаласини биргаликда, диалектик боғланишда ифода қила билсин. Диалектиканинг биринчи шарти ҳар бир нарсани вақтига қараб, жойига қараб, ундан кейин шарт-шароитига қараб ишлатишни талаб этади. Бу қонун нутқ маданияти масалаларига ҳам батамом тааллуқлидир. Энди мен алифбе масаласида ҳам икки оғиз сўз айтмоқчи эдим. Айтидан, ҳозирги алифбедаги айрим товушларнинг берилиши мутахассисларда эътиroz уйғотмоқда. Улар айниқса «ç» ва «ж» товушлари хусусида жидий мулоҳазаларни билдиримоқдалар. Дарҳақиқат, биз ҳозир «ж» деб ёзамизу, «ж» деб ҳам, «ç» деб ҳам ўқиймиз. Лекин бу масалада алифбега ислоҳ киритиш учун уни яхши ўйлаб кўришимиз, ўрганишимиз, масаланинг манфий ва мусбат томонларини кўриб чиқишимиз керак. Балки зарурят бўлиб қолса, масалани илмий томондан асослаб берсангиз, алифбада бу товушларнинг берилишини ўзgartириш ҳам мумкиндир. Лекин гап шундаки, ўзgartириш аниқ ва тўғри истиқболни кўриш асосида, моддий ва техник имкониятларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш асосида-гина бўлиши мумкин.

Қўрамизки, нутқ маданиятининг актуал масалалари ва аспектлари кўп. Мунозара қилиш учун истаганча масалани топиш мумкин. Лекин ҳар бир масалада субъективлик ботқоғига ботиб кетиш хавфи ҳам бор. Шунинг учун мунозара қиласизми, матбуотда мақола билан чиқасизми, ўзингизнинг субъектив мулоҳазаларингизни ўртага ташлашдан олдин ўзаро келишиб, маслаҳатлашиб олинг. Кўпчилик мутахассислар томонидан мақбул деб топилган таклифларнингни ўртага ташланг. Акс ҳолда бирор тилшуносининг чакки айтилган мулоҳазаси ҳам юзлаб ўқитувчиларни ва минглаб ўқувчиларни нотўғри ўйлга етаклаши мумкин.

Биз ўзбек миллий тилимиз билан, унинг бойлиги ва гўзаллиги билан фаҳрланамиз. Ана шу фаҳрланиш туйғусини бизга: Октябрь берди, Совет ҳокимияти, Коммунистик партия, ҳаётбахш ленинча миллий сиёсат берди. Улар фаҳрланиш ҳуқуқини фақат бизга — ўзбекларга эмас, балки СССР да яшовчи барча ҳалқларга ҳам берди.

Ажойиб миллий традицияларимиз билан, тилимиз билан, маданиятимиз билан фаҳрланиш деган сўз бу миллатчилик деган сўз эмас. Бу тўла равища социалистик интернационализм руҳи билан суғорилган миллий фурурдир. Шу сабабдан биз фаҳрланишимиз керак бўлган ажойиб анъаналаримиз ва ютуқларимиздан воз кечмаслигимиз, худди шунингдек, фаҳрланишдан бошимиз гангид, миллий қобиққа ўралиб қолмаслигимиз керак.

Биз социалистик интернационализм байроғи остида улутвор мұваффақияттарға әришдік. Бундан кейин ҳам ютуқларимиз шу муборак байроқ остида құлға киритилади. Интернационализм бу СССР халқарининг дүстлигі, бириңчи навбатда, рус халқи билан дүстлигимиз, қардош ҳамма халқлар билан дүстлигимиз, уларға ҳурматимиз, уларни қадрлашимиз, уларни әъзозлашимизда ифода қилинади. Шу нараса ҳамма ишимиздә, шу жумладан, тиілшүнослик соңасыда қиладиган ишларимизда ҳам доимо ифода қилиниши керак.

ОЛИМ УСМОН

ТИЛ МАДАНИЯТИНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда коммунизм жамияти қуриш даврида СССР халқларининг маданиятини янада ривожлантириш, янги тараққиёт босқичларига кўтариш вазифаси кўндаланг бўлиб туради. Кенг халқ оммаси миллий маданият хазиналаридан, фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиб турган ана шундай бир даврда тилни муттасил равишда такомиллаштириб ва бойитиб бориши учун, юқсанк тил маданияти учун кураш жуда муҳим аҳамият касб этади. Тилни бойитиб боришнинг асосий манбаларидан бири шу тилнинг таркибида бўлган сўзлардан оқилюна фойдалана олишдир, уларга нискатан эҳтиёткорлик билан алоқада бўлишдир. Аммо миллий тилимиз тарихида бундай қоидага ҳамма вақт ҳам етарли эътибор берилди, деб бўлмайди. Бунинг назарий суюнчиғи келажакда миллий тилларнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги назария бўлди.

Маълумки, миллий тилларнинг келажакда қўшилиб кетиши назарияси яқингача ҳам ҳукмронлик қилиб келди. И. В. Сталиннинг 1950 йилда ёзган тишлиносликка оид асарида бу тўғрида ҳеч нарса дейилмагани учун у назария ўз кучида қолган эди.

Миллий тилларнинг келажакда қўшилиб кетиши назариясига асосланган ана шундай вульгар-социологик қарашлар таъсирида ўттизиинчи тилларнинг оҳирларидаёқ ўзбек тилига сингиб кетган инқилоб, инқилобчи, маърифат, ташвиқот, тарғибот, ташвиқотчи, зиёли сингари асли арабча-форсча сўзларгина эмас, ҳатто соғ ўзбек тили негизида ясалган зарбдор, зарбдорлик, буюртма, кўргазма сингари сўзлар ҳам «эскирган сўзлар» деб эълон қилинади. Ўзбек тили тараққиётидаги бу тенденция, тил бойликларига нигилистик қараш яқин йилларгача давом этиб кела-ди. Ана шу тенденция таъсири остида адаб, муаллиф, муаллим, анъана, фалсафа, инқилоб, мағкура, даҳо, омил, меъмор, дастгоҳ, расадхона, назм, наср, алифбо, муҳожир, жараён сингари жуда кўп сўзларга «эскирган сўзлар» тамғаси босилган эди.

Шундай қилиб, ўзбек тили тараққиётida, айниқса, сўз танлаш ва сўз қўллаш масаласида кўпинча вульгар-социологик йўл тутилиб, ўзбек тилининг ранг-баранг лугат бойлигига соддалаштириб қараш натижасида жуда кўп сўзлар, хусусан, русча-интернационал сўзларга адекват синоним (дублет) бўлиб келадиган сўзлар ноёрин ва етарли асос бўлмагани ҳолда истеъмолдан чиқариб юборилди. Бу эса маълум даражада тилни қашшоқлаштиришга олиб келар эди.

Бироқ жамият тараққиётни билан бир қаторда кенг миёсда ривож топаётган ўзбек тили ва унинг илмий, бадий, публицистик ва бошқа стиллари, адабий тил ва унинг жанрий-стилистик турлари тилнинг ички имкониятларидан, хусусан, унинг лексик ва синонимик воситаларидан янада тўлароқ фойдаланишини тақозо қилар эди. Бу эса, биринчى галда,

ўзбек тилининг стилистик бойлигини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни, айниқса синонимик воситалардан фойдаланиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, 50-йилларнинг охирлари ва 60-йилларнинг бошларидан бошлаб ўзбек тили тараққиётида тилининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга ва ноҳақ инкор этилган тил традицияларини қайтадан тиклашга интилиш тенденцияси пайдо бўла бошлади.

Дастлаб матбуотда, биринчи галда, республикамизда энг нуфузли «Совет Узбекистони» газетасининг саҳифаларида пайдо бўла бошлаган бу тенденция, аввало, ноўрин «сунутилган» ёки ноҳақ истеъмолдан чиқарив юборилган сўзларни дадиллик билан ишлатишга интилишда яққол кўринади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида истеъмолда бўлган русча-интернационал сўзларга илгари эквивалент бўлиб келган, бироқ эскирган ҳисобланган лексик дублетларни қайтадан ўз ҳуқуқида тиклашга интилиш ва уларни адабий норма доирасига кирита бориш бу тенденциянинг энг характерли томонларидандир. Ана шу тенденциянинг натижаси ўлароқ, биз бу даврда «эскирган», «сунутилган» сўзларнинг русча-интернационал сўзлар билан бир қаторда параллел ишлатила бошланганинги кўрамиз. Масалан: *автор* — муаллиф, *традиция* — анъана, *революция* — инқилоб, *революционер* — инқилобчи, *идеология* — мафкура, *гений* — даҳо, *станок* — дастгоҳ, *фактор* — омил, *поэзия* — назм, *шебрият*, *проза* — наср, *процесс* — жараён ва ш. к. Илгарни истеъмолдан чиқарив юборилган бу сўзлар бугунги кунда матбуот саҳифаларидагина эмас, балки умуман адабий тилимизда, айниқса, сиёсий-ижтимоий ва адабий-публицистик асарларда ўзларининг асосий лексик дублетлари билан бир қаторда бемалол ишлатилмоқда. Эндиликада қайтадан тикланган бу синонимик дублетлар ўзбек тилида муваффақият билан параллел қўлланилиб келаётган *редактор* — муҳаррир, *интеллигент* — зиёли, *планета* — саёра, *архитектор* — меъмор, *архитектура* — меъморчилик, *скульптура* — ҳайкалтарошлик, *гуманизм* — инсонпарварлик, *династия* — сулола, сингари синонимик дублетлар қаторига келиб қўшилди.

Бу ерда шуни ҳам кўрсатиб ўтиши керакки, лексик дублетларда маъно айнан ўхшаш бўлса-да, бироқ уларнинг тарқалиш доираси ва истеъмол даражаси ҳар хил бўлади. Чунончи, адабий-публицистик асарларда, хусусан бадиий адабиётда мазкур дублетларнинг одатда миллий (ўзбекча) эквивалентлари қўлланилганини кўрамиз. Айниқса, юқорида келтирилган лексик дублетлардан *революция* — инқилоб, *революционер* — инқилобчи, *идеология* — мафкура, *гений* — даҳо, *планета* — саёра, *станок* — дастгоҳ дублетлари бадиий адабиёт учун жуда характерлидир. Ўзбек ёзувчилари инқилобнинг дастлабки йилларидан бошлаб то ҳозирги кунгача ўз асарларида бу дублетларнинг миллий вариантиларни ишлатиб келадилар.

Бу ерда айтилганларга қўшимча қилиб, *температура* — ҳарорат, *градус* — даража, *пирамида* — эҳром дублетларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Чунончи, ўзбек тилида *температура*, *градус* сўзлари иммий термин сифатида қўлланилади. Уларнинг ҳарорат, даража дублетлари эса қўпинча оммавий ва адабий-публицистик асарларда, радио ва газета ахборотларида қўлланилади. *Пирамида* сўзи эса математика ва спорт термини сифатида ишлатилади. Бироқ қадимги Миср фиръавилярининг шу шаклда ясалган сағаналарига нисбатан эса эҳром сўзи ишлатилади (*Миср эҳромлари* каби).

Шундай қилиб, русча ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўз ва терминлар билан бир қаторда уларнинг маъноларини айнан ифода қи-

либ кела оладиган миллий эквивалентларни (лексик дублетлар сифатида) параллел ишлатиши норматив тус ола бошлади. Бу нарса, шубҳасиз, ўзбек тилини янги-янги синонимлар, лексик дублетлар билан бойитади.

Ўзбек тили тараққиётида пайдо бўлган бу янги, прогрессив тенденциянинг яна¹ бир муҳим хусусиятини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бу хусусият шундан иборатки, 30-йилларнинг охирларидан то 50-йилларнинг охирларигача қўлланиши ман этилиб келинган ва сўнгги йилларда ишлатила бошлаган сўзларинг иккинчи бир группаси истеъмолдаги русча-интернационал сўзларга лексик дублет эмас, балки фақат стилистик синоним бўлиб келади. Чунончи, «архаик», «эскирган» ҳисобланган қомус, дорилфунун, жарроҳ, жарроҳлик, табобат-тиббиёт, котиб сўзларнинг эндилика ҳозирги адабий тилимизда умумистеъмолда бўлган асосий терминларга, яъни энциклопедия, университет, хирург, хирургия, медицина, секретарь сўзларига стилистик синоним бўлиб келадилар. Жумладан, ўзбек тилида асосий ва серистеъмол термин сифатида энциклопедия сўзи ишлатилади. Бу сўзнинг ўзбек тилидаги эквиваленти — қомус сўзи эса эндилика энциклопедия сўзининг стилистик синоними бўлиб қолди. Шу билан бирга, энциклопедия сўзининг мажозий ва умумлаштирувчи маъноларида ҳам қомус сўзини ишлатиш норматив бир тусга кириб бораётир. Бунга мисол тариқасида «Совет Ўзбекистони» газетасининг турили йилларда конституция кунига бағишлиланган бош мақолаларининг сарлавҳаларини ҳамда бошқа баъзи бир сарлавҳаларни таққослаб қўринг: *Бахтимиз ва ғалабаларимиз қомуси* (1960 йил, 4 декабрь сони); *Замонимиз қомуси* (1961 йил, 180-сон); *Социалистик революция қомуси* (1962 йил, 90-сон); *Буюк қомус* (1968 йил, 5 декабрь сони); *Қомус* (Ўзбек совет энциклопедияси яратиш ҳақидаги мақола, 1968 йил, 267-сон). Газетанинг 1969 йил 11 май сонида эса колхозларнинг янги Намунавий устави лойиҳасининг муҳокамасига бағишлиланган бутун бир саҳифасига ҳам „Кохоз ҳаётининг қомуси“ деб умумий сарлавҳа қўйилган.

Юқорида келтирилган мисоллардаги мажозий, умумлаштирувчи маъноларда келган қомус сўзини бу ўринларда энциклопедия сўзи билан алмаштириб бўлмайди. Чунки энциклопедия сўзи ўзбек тилида асосан конкрет илмий қўлланма, китоб маъносига ўзлашган. Агар биз бу ўринларда қомус сўзини энциклопедия сўзи билан алмаштирасак, адабий тил нормасига, унинг стилига птурт етказган бўлур эдик.

Ўзбек тилидаги университет сўзининг собиқ эквиваленти бўлмиш *дорилфунун* сўзининг тақдирни ҳам худди қомус сўзининг тақдирига ўхшайди. Бунда ҳам университет сўзи асосий термин сифатида қўлланишаётганини кўрамиз. Бу ерда ҳам газеталардан келтирилган қўйидаги сарлавҳаларнингина таққослаб кўриш кифоя. «Совет Ўзбекистони» газетасидан: *Улуг дорилфунун* (СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ҳақида, 1966 йил, 234-сон); *Деҳқон дорилфунуни* („Пахтаорол“ совхози ҳақида, 1968 йил, 62-сон); *Маданиятимиз дорилфунуни* (Алишер Навоий номли адабиёт музейи ҳақида, 1968 йил, 219-сон); „Ўзбекистон маданияти“ газетасидан: *Санъаткорлар дорилфунуни* (театр ва рассомлик институти ҳақида, 1964 йил, 80-сон); *Халқ дорилфунунлари* (1965 йил, 91-сон); *Дорилфунун* (1969 йил, 33-сон); *Дорилфунунлардан дараклар* (1967 йил, 31-сон); *Музика санъати дорилфунуни* (1967 йил, 31-сон) ва щунинг сингарилар.

Хуллас, юқорида келтирилган бошқа, стилистик синонимлар юзасидан ҳам, шунингдек, газета саҳифаларида жуда ўринли ишлатиляётган ликаф — жавон, том — жилд, фронт — жабча, штраф — жарима, кофе —

қаҳва, кондитер — қандолатчи, люстра — қандил сингари синонимик жуфт сўзлар юзасидан ҳам ўнлаб, ҳатто юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Тил тараққиётидаги бу жараённинг яна бир хусусияти шундан иборатки, эскирган сўзлар билан бир қаторда баъзан диалектал сўзлар ҳам мавжуд русча-интернационал сўзларнинг стилистик синоними сифатида ишлатилиб, адабий норма доирасига киритилаёттир. Масалан, эскирган билур сўзи адабий тилимизда *хрусталл* — *кристалл* сўзларининг стилистик синоними вазифасида ишлатилаёттир. Ёзувчиларимиз ва журналистларимиз эса илгари адабий тилимизда ишлатилмаган диалектал (Хоразм группа шеваларига хос) *дарға* сўзини *капитан* сўзининг стилистик синоними сифатида адабий тил доирасига олиб кирдилар. Бу сўз эндиликда адабий тилимизда, айниқса, бадиий ва адабий-публицистик асарларда *капитан* сўзи билан бир қаторда қўлланилмоқда. Айниқса, поэзияда бу сўз ўзига хос оҳанг ва нафосат қасб этган. Адимиз Асқад Мухтор ўзининг С. Есенин шеърларидан қилган таржималаридан биринда *капитан земли* ибросини 60-йилларнинг бошларидақ олам *дарғаси* тарзida жуда чиройли таржима қилиб, диалектал *дарға* сўзига умумиллий ҳаёт бағишилаб, унга қутлуғ йўлланма берган эди. Адимиз Мирметир эса рус классик адабиётидан қилган таржималарида, ҳатто ўзбек тилида кенг миқёсда ишлатилаётган, серистеъмол *дворян*, *аристократ*, *помешчик* сўзлари ўринда асарнинг руҳига ва ўқувчининг дидига мос *аслзода*, *зодагон* ва *заминдор* сўзларини жуда ўринли ишлатган.

Қўрамизки, синоним сўзларни ўринли қўллаш, уларни ўз ўрнида ишлатишнинг ўзи ҳам санъат экан. Бинобарин, адабий тилнинг хусусиятлари, унинг жанрий-стилистик турлари, тилнинг ранг-баранг синонимик бойликларидан тўлароқ фойдаланишини тақозо қиласди.

Шу муносабат билан забардаст шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг қўйидаги сўзларни эслатиб ўтиш ўринли бўлур эди. «Маънодош сўзларни ўрнида ишлатиш сўз санъаткори учун фарз. Масалан, лугатларда *одам*, *киши*, *инсон* синоним сўздек талқин этилади... *Беш инсон* келди эмас, *беш киши* келди дейилади, *сен* *киши* эмассан, дейилмайди, *сен одам* эмассан дейилади. *Кишилик* шундай бўлади эмас, *одамгарчилик* шундай бўлади дейилади. Тилимизнинг шу товланиб туришида шоир учун не-не битмас-туганмас хазиналар бор».

Демак, юқорида мисол тариқасида келтирилган *инқилоб*, *мафкура*, *сайёра*, *дастгоҳ* сингари лексик дублетлар ҳам, шунингдек, *қомус*, *дорил-фунун*, *аслзода*, *зодагон*, *заминдор*, *билур*, *дарға* сингари стилистик синонимлар ҳам ўзларининг жуда ўринли қўлланишлари эътибори билан ана шу битмас-туганмас она тили хазинасининг дурданаларидир.

Модомики, тил тараққиёти тенденцияси ҳозирги босқичда шуни тақозо қилас экан, бундай лексик жуфтлар таркибидағи илмий дублетларни ва стилистик синонимларни, айрим олимларимиз ва практикларимиз талқин қилгандаридек, «арабизм», «форсизм», «арханизм» лавҳаси остида ёки бўлмаса «терминологияда синонимларга йўл қўйилмаслиги керак» деган умумий талаб таъсирида тилдан суринч чиқариш нотўғри бўлур эди.

Академик В. М. Жирмунский тилдаги лексик дублетлар, стилистик синонимлар ҳақида шундай ёзади: «Тушунилиши қийин ажнабий сўзларни миллий тилга таржима қилиб бериш ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида ижобий, маданий-педагогик роль ўйнаши мумкин ва

жуда кўп ажнабий сўзлар ҳақиқатан ҳам барча тилларда ўзларининг миллий тилга мансуб ана шундай таржима дублетларига эгadir, масалан, социаль — общественный, эволюция — развитие, экспорт — вывоз ва бошқалар».

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзбек тилида, айниқса, унинг адабий-публицистик ва сиёсий-ижтимоий терминологиясида асосий терминлар билан бир қаторда уларнинг лексик дублетлари ва стилистик синонимларини ҳам параллел ишлатиш қонуний тус олиб қолган. Лекин ўзбек тили тараққиётида пайдо бўлган бу прогрессив тенденцияни нотўғри тушуниш натижасида тил тараққиётига путур етказадиган ҳолатлар ҳам юз бермоқда. Чунончи, матбуот саҳифаларида, айниқса «Гулистан» журналида ҳеч қандай асос ва зарурият бўлмагани ҳолда ҳақиқатан ҳам арханклашган, эскирган ёки истеъмолдан тамоман чиқиб кетган арабча, форсча сўзларни ҳам тиклашга интилиш сезилдики, буни оқлаг бўлмайди. Масалан, айrim мақолаларда ўзбек тилида тегишли эквивалентлари бўлгани ҳолда мутаржим (таржимон), мұнаққид (танқидчи), мұаррих (тарихчи), мұсаввир (рассом), мұхандис (инженер), ҳандаса (геометрия), риёзиёт (математика) каби сўзларни ишлатишга уриндилар.

Бироқ бадний асарларда, айниқса, тарихий романларда даврнинг колоритини, руҳини бериш мақсадида ишлатилган архаик, эскирган сўзларни бу принцип билан қориштирумаслик керак. Ойбекнинг «Навоий» романнда бу масалада оқилона йўл тутилган. Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган айrim тарихий романларда ҳам шу йўл тутилганки, буни қувватлаш керак. Чунончи, В. Смирнова-Ракитинанинг «Абу Али ибн Сино» қиссасини Тўхтасин Жалолов ўзбек тилига зўр маҳорат билан таржима қилас экан, шу йўлдан борди. Таржимон Ибн Сино ва Берунийлар яшаган давр руҳини акс эттириш мақсадида эскирган илмий терминларни дадиллик билан қўллаган ва кези келганда қавс ичida бу терминларнинг ҳозирги вариантларини бериб борган. Масалан: табобат (медицина), наботот (ботаника), риёзиёт (математика), риёзиён (математик), ҳандаса (геометрия), жарроҳ (хирург), жарроҳлик (хирургия), илми ташириҳ (анатомия), илми ҳайат (астрономия), мунажжим (астроном), маъмал (лаборатория), ал-кухул (спирт), муррабба (квадрат), даъво (теорема) ва ш. к. Сайёра ва юлдуз туркумларини ифодаловчи терминлар масаласида ҳам шундай йўл тутилиб, уларнинг шарқ мамлакатларида машҳур бўлган тарихий-традицион арабча номлари ишлатилган, масалан: Зуҳро (Венера), Мирриҳ (Марс), Зуҳал (Сатурн), Уторуд (Меркурий), Муштарий (Юпитер), Алвоқе (Вера), Алғу (Алголь) ва ш. к. Ана шу йўл билан таржимон асар руҳинигина эмас, балки давр руҳини ҳам жуда яхши бера билган. Демак, бундай ҳолларда архаик сўзларни ишлатиш жоиздир.

(Давоми бор)

И. РАСУЛОВ

СОДДА ГАПЛАР СТРУКТУРА АСОСИННИНГ ТАРКИБИГА ҚУРА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Гап ҳосил қилиш учун зарур бўлган минимал форма гапнинг структура асосини ташкил қиласди. Бу минимал форма объектив модаллик ва синтактик замон категорияларининг муносабатини ўзида ифода қиласиб, гапнинг грамматик маъносини ташкил қиласди. Масалан, *Гулнор Иўлчининг сўзларини диққат билан тинглади*. (Ойбек) деган гапдаги бош келишикдаги сўз (*Гулнор*)нинг феълнинг аниқлик майли III шахс формаси (*tingladi*) билан биринчи шу гапнинг структура асосини ташкил қилган. Бунда *Гулнор тинглади* юқоридаги гапни ҳосил қилиш учун зарур бўлган минимал формадир. Агар гапнинг структура асоси бош келишикдаги форманинг феъл ёки феъл бўлмаган бошқа форма билан биринчидан ҳосил бўлган бўлса, гап иккни бош бўлакдан тузилган бўлади. Бунда бош бўлакнинг бири (эга) иккинчиси (кесим) билан координациялашади¹.

Гапнинг структура асоси доимо икки бош бўлакли бўлавермайди. Фактларга мурожаат қиласди: 1. *Тинчлик учун курашайлик*. 2. *Қиши. Ҳамма ёхни қор қоплаган*. 3. *Қўм-қўқ дала*. *Саёҳатчилар дам олишимоқда*. Бунда биринчи мисолдаги *курашайлик*, иккинчи мисолдаги *қиши*, учинчисидаги *дала* шу бирликларни ҳосил қилиш учун зарур бўлган минимал форма бўлиб, гапнинг структура асосини ташкил қиласди. Биринчи гапнинг структура асоси бўлиб феъл буйруқ майлиниг биринчи шахс (*курашайлик*) формаси, иккинчиси ва учинчи гапнинг структура асоси бўлиб эса отнинг бош келишикдаги формаси (*қиши, дала*) хизмат қиласди. Буларда объектив модаллик ва синтактик замон категорияларининг муносабати бир бўлак орқали ифодаланган. Гап бир сўздан ёки сўзлар бирлашмасининг ҳокум элементи шу гапнинг структура асоси бўлиб, бир вақтнинг ўзида гапнинг бош бўлаги вазифасини бажаради. Демак, гап структура асосининг таркиби икки ҳолатда бўлади: бош келишикдаги от ёки отлашган сўзнинг феъл ёки феъл бўлмаган бошқа сўз билан биринчи келишидан, яъни икки бош бўлакдан ёки бир бўлакдан ташкил топади. Ўзбек тилида, умуман, туркӣ тилларда, рус тилидаги каби, феълсиз гаплар жуда кўп. Феълсиз гаплар ўзбек тилида гап системасининг маълум таркибий қисмини ташкил қиласди. Феълсиз гапларнинг структура асосан икки бўлакдан ёки бир бўлакдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, *Отанг меҳридан устознинг жабри афзал* деган от гапда *жабри афзал* гапнинг минимал формаси бўлиб, шу гапнинг структура асосини ташкил қиласди. *Куз. Далада иши қизғин*. Бунда от гапнинг структура асоси бир бўлак (*куз*) дан иборат.

¹ Қаранг: Н. Ю. Шведова. Построение раздела «Синтаксис словосочетания и предложения». В книге «Основы построения описательной грамматики современного русского литературного языка», М., 1966, стр. 148.

Булардан гап структура асосининг энг характерли белгиларидан бири унинг бир бош бўлакдан ёки икки бош бўлакдан иборат эканлигида экан, деган хулоса келиб чиқади. Қандай бўлишидан қатъий назар, бу бош бўлаклар якка ҳолда келиши ҳам, ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида составни ташкил қиласди. Шундай экан, гап структура асосининг бу характерли белгиси гапларни структура асосининг таркибига кўра классификация қилганда, асосий критерий қилиб олиниши керак. Лекин рус тилшунослигига ҳам, ўзбек тилшунослигига ҳам гапларни структура жиҳатидан классификация қилишда турлича принципга амал қилинаётганлигини кўрамиз.

Энг аввало, гапларни структурасига кўра классификация қилиш турили принципдаги классификацияни ўзида бирлаштириши (ийиғиқ-ёйиқ, содда-қўшма, тўлиқ-тўлиқсиз, бир составли-икки составли) билан содда гапларни икки катта группа (икки составли ва бир составли гаплар) га бўлишининг асосий моҳиятини очиб бермайди. Бунда, умуман, структура ҳисобга олинса ҳам, гапни структура асосининг таркиби жиҳатидан классификация қилиш учун асос бўлган белгилар ҳисобга олинмайди. Шундай экан, кўпгина адабиётларда гапларни икки составли гаплар ва бир составли гаплар деб икки типга ажратишида гап структурасининг асосий критерий қилиб олиниши ҳақиқий ҳолатни тўла очиб бермайди.

Рус тилшунослигига содда гапларнинг икки составли ва бир составли гапларга бўлиниши А. А. Шахматов номи билан боғлиқ. Лекин А. А. Шахматов бир составли гапларни содда гапларнинг алоҳида типи қилиб ажратиб, унинг маълум классификациясини берган бўлса ҳам, унинг бир составли гап ҳақидаги таълимотида қатор чалкашликлар, психологик ва грамматик категорияларни қориштириш каби ҳоллар бўлган². Биз буни унинг содда гапларни классификация қилиш принципида ҳам кўрамиз.

А. А. Шахматов ҳар қандай гапнинг психологик асоси — коммуникация³ деб билиб, бунда коммуникациянинг асосий белгиларига мос келадиган бўлаклар бўлади, булар психологик субъект ва предикатларнинг бирикшини тилда ифода қиласди деб қарайди. Бошқача қилиб айтганда, коммуникациянинг асосий белгилари ҳисобланган психологик субъект ва предикатнинг тилда қандай ифода қилинишига қараб, гапларни икки турга ажратади⁴.

Содда гапларнинг биринчи турига коммуникациянинг субъект ва предикат бирикмаси бир бўлакда ўз ифодасини топадиган гапларни киритиб, бундай гапларни бир составли гаплар дейди. Гапнинг субъект ва предикат бирикмасига мос келадиган бўлагини эса бир составли гапнинг бош бўлаги деб ҳисоблайди.

Содда гапларнинг иккинчи турига эса коммуникациянинг субъект ва предикати алоҳида-алоҳида ифода қилинган гапларни киритиб, бундай гапларни икки составли гап дейди. А. А. Шахматов бу фикрини ривожлантириб, бир составининг бош бўлаги субъектга, иккинчи составининг бош бўлаги эса предикатга мос келишини қайд қиласди. Бу бў-

² И. Р а с у л о в , Бир составли гапларни ўрганиш тарихидан, «Ўзбек филологияси масалалариз тўплами, Тошкент, 1968, 94—100-бетлар.

³ Фикрнинг ҳукм, сўроқ, бўйруқ формалари грамматикада гап тушунчасида бирлаштирилади. Логикада эса, бу уч тушунчани бирлаштирувчи термин масаласида бирлик йўқ. А. А. Шахматов ҳукм, сўроқ, бўйруқни бирлаштирувчи термин сифатида коммуникация терминини кўллайди. П. В. Чесноков эса ўзининг «Логическая фраза и предложение» деган асарида логик фраза терминини кўллашни тавсия қиласди. Бу масала логиканинг объектидир.

⁴ А. А. Шахматов, Синтаксис русского языка, М., 1941, стр. 80.

лаклар грамматик алоқада бўлиб, икки составли гапларнинг эга ва кесими ҳисобланаби, эга ҳоким составнинг бош бўлаги, кесим эса тобе составнинг бош бўлаги деб кўрсатади⁵. Кўринадики, гапнинг структура асосининг таркиби асосий критерия қилиб олиниши тақозо қилинган гапнинг структурал классификациясининг бу типида грамматик категориялар логик-психологик категорияларга бўйсундирилган. Агар бу принципга риоя қилинса, пахта терилди. Бизга бу масалага жиддий эътибор беришга тўғри келди гапларнинг биринчисини бир составли (чунки субъект ўз ифодасини топмаган), иккинчисини икки составли (чунки предикатдан ташқари, психологик субъект ҳам ўз ифодасини топган) деб тан олишга тўғри келади. *Мажбурият колхозчиларимиз томонидан ортиги билан бажарилди* гапида коммуникациянинг субъект ва предикати гапнинг эга ва кесимига мос келади деган фикрга риоя қилинадиган бўлса, гап икки составли деб ҳисобланади. Лекин бунинг икки составли эканлиги унинг структура асоси икки составли (эга — мажбурият, кесим — бажарилди) бўлгани учун эмас, унда субъект ва предикати гапнинг эга ва кесимига мос келади деган фикрга риоя қилинадиган бўлса, гап икки составли деб ҳисобланади. Кўринадики, содда гаплар классификациясида А. А. Шахматов томонидан асосга олинган принцип психологик субъект билан грамматик эгани тенг қилиб қўяди.

Содда гаплар классификацияси бу хил ёндошиш, А. А. Шахматовнинг ўзини ҳам қаноатлантирумagan бўлса керак, муаллифни бир составли гапларнинг ички классификациясида бундан чекинишга олиб келган. У бир составли гапнинг бош бўлаги ё эгани эслатади, ё кесимни эслатади, деб, бир составли гапларни кесимсиз эга бир составли гап, эгасиз кесим бир составли гапларга бўлади⁶.

Тилшуносликда логик оқим тарафдорлари ҳукм бир-бирига муносабатда бўлган икки тушунча: субъект ва предикатдан иборат деб, ҳар қандай гапни ҳукмга тенг деб қараб, барча гаплар ҳам икки составли бўлади деб, бир составли гапларни тан олмаганлар. Шунинг таъсирида бўлса керак, туркологияда ҳам гапларнинг икки составлигина бўлиши ҳақида турли фикрлар айтилган. Масалан, Г. Алпаров фақат эга ва кесими мавжуд гапларни тан олган⁷. Т. М. Тошанова энг қисқа содда гап эга ва кесимдан иборат деб кўрсатади⁸. Н. К. Дмитриев ҳам шу фикрда бўлган⁹. Лекин у шахсиз гаплар ҳақида ҳам фикр юритади¹⁰.

Н. П. Диренкова ҳам эга ва кесимдан ташкил топган гапларни гапларнинг энг қисқаси деб билади¹¹. Шу билан бирга, баъзи гапларда эганинг бўлмаслиги, лекин феъл-кесим ҳаракатни бажарувчи шахсни кўрсатиб туриши, тўлиқсиз гаплар бош бўлаклардан бири (кўпинча кесим) билан ифодаланиши, бунда ифода қилинмаган бош бўлакнинг маъноси ё олдинги гапдан, ё контекстдан билиниб туриши ҳақида ҳам гапиради¹². Бунда логиканинг грамматика билан, бир составли гапларнинг тўлиқсиз гаплар билан қориширилаётганлиги англашилиб турибди. Кўринадики, туркологияга онд нашр қилинган айрим адабиётларда ҳам гапни ҳукмга тенг қилиб, ҳукм икки аъзоли (субъект-предикат) бўл-

⁵ А. А. Шахматов, Уша асар, 81-бет.

⁶ А. А. Шахматов, Уша асар, 49—131-бетлар.

⁷ Г. А. Алпаров, Сайланма хизматлар, Қозон, 1945, 120—121-бетлар.

⁸ Т. М. Тошанова, Грамматика ойротского языка, Новосибирск, 1938, стр. 48.

⁹ Қаранг: Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 202.

¹⁰ Уша жойда.

¹¹ Н. П. Диренкова, Грамматика шорского языка, М.—Л., 1941, стр. 252.

¹² Н. А. Баскаков, Структура простого предложения в тюркских языках. Труды института языка и литературы АН Киргизской ССР, вып. 6, 1956, стр. 81

гани учун гап ҳам икки составли бўлиши керак деган фикр мавжуд бўлган. Бу билан гапнинг структура асосининг таркибига кўра бўладиган классификация синтаксиснинг текшириш обьектидан четда қолдирилган: бир составли гаплар ё бутунлай изоҳланмаган ёки тўлиқсиз гаплар ичидаги берилган. Умуман, содда гапларнинг структурасини ўрганиш грамматик ва логик категорияларнинг ўзаро муносабати масалалари билан боғлиқ¹³.

Г. А. Тер-Авакян гапнинг структурал классификациясига бошқача ёндошади. У гапларни уларнинг предикатив ядросининг характеристига кўра икки составли ва икки составли бўлмаган гапларга бўлади¹⁴. Икки составли гапларда предикатив ядро икки қутбли, яъни икки бош бўлакли деб бўлнишини айтиб, икки составли бўлмаган гапларни эса предикатив ядросиз бир бош бўлакли гаплар деб изоҳлайди. Бунга икки составли гапларга кирмайдиган барча гапларни киритади. Бир составли гап термини икки составли гапларга кирмайдиган гапларнинг ҳаммаси учун мос эмас деб, икки составли бўлмаган гп терминини қўллайди. Лекин, бари бир, икки составли бўлмаган гапларни структура жиҳатидан классификация қилганда бир составли гапларни, бошқача ном билан бўлса ҳам, ажратишига мажбур бўлади. У икки составли бўлмаган гапларни иккига бўлади: 1) ҳоким бўлаги маъно ва морфологик ифодаланиши билан икки составли гаплар бош бўлагининг бирига мос келадиган гаплар; 2) ҳоким бўлаги икки составли гапнинг на эгаси ва на кесимида мос келмайдиган гаплар. Биринчисини бир составли гаплар, иккинчисини эса состави ноаниқ гап деб атайди. Бунга фрагментар гаплар (морфологик ифодаланиши ва маъноси билан тўлиқ гапларнинг иккинчи даражали бўлагига мос келадиган гаплар), атоб ва модал-эмоционал гапларни киритади. Бунда классификациянинг турли принциплари асосида ажратилган бир составли гаплар, тўлиқсиз гаплар, гап бўлакларига ажралмайдиган гаплар бирлаштирилиб, классификациянинг ягона принципига риоя қилинмаган. Гапнинг икки составлигини В. Г. Адмони бошқача изоҳлайди. У фикрнинг икки аъзоли эканлигини қайд қилиб, буни гап структурасига ҳам татбиқ қиласди¹⁵.

В. Г. Адмони грамматикага синтактик икки составлилик ва морфологик икки составлилик тушунчаларини киритади. Синтактик икки составлилик гап бош бўлакларининг ўзаро алоқасида кўринади: *Биз меҳнаткашлармиз*. Морфологик икки составлилик сўз таркибида негиз ва флексиянинг ўзаро муносабатида кўринади: *Еришмоқда*¹⁶.

В. И. Ярцева содда гапларни, инглиз тиличининг синтактик қурилишидан келиб чиқиб, бошқача классификация қиласди. У гапларни бир аъзоли (*Ёнғин. Қочди*), икки аъзоли структура (*У ухлаялти*), уч аъзоли структура (*Бола мушукни кўрди*)га бўлади¹⁷. Бу гапларни структура асосининг составига кўра классификация қилишдан фарқ қиласди.

Баъзи тилшунослар содда гапларни икки составли ва бир составли деб классификация қилишда унда эга составининг бор-йўқлигини асосга

¹³ Н. П. Диренкова, Уша асар, 278-бет.

¹⁴ Г. А. Тер-Авакян, Структурно-семантические типы недвусоставных предложений в современном французском языке (Автореферат канд. дисс.), М., 1961, стр. 5.

¹⁵ В. Г. Адмони. Введение в синтаксис современного немецкого языка, М., 1955, стр. 45.

¹⁶ В. Г. Адмони, О двусоставности предложения, Ученые записки ЛГПИЯ, 1955, вып. 2139.

¹⁷ В. И. Ярцева, Исторический синтаксис английского языка, М.—Л., 1961, стр. 128.

оладилар¹⁸. Бу принцип бўйича эгаси бор гаплар икки составли гап, эгаси йўқ гаплар бир составли деб ҳисобланади. Бу принцип кесимсиз гап бўлиши мумкин эмас, деган логик назария таъсирида бўлган фикрга асосланади. Предикативлик кесимсиз ҳам, бошқа воситалар ёрдами билан ифода қилиниши мумкинлиги тан олинмайди.

А. Ф. Гуломов гапни бир составли ва икки составли гапларга ажратища предикативликнинг қандай ифодаланганлигини асосга олади. Предикативлик бош бўлаклардан бири билан ифодаланган бўлса, бундай гап бир составли гап саналади¹⁹. Ҳақиқатан ҳам, гапда предикативлик ҳар икки бош бўлакнинг алоқаси билан ифодаланган бўлса, гап икки составли, бош бўлакларнинг бири билан ифодаланган бўлса, гап бир составли бўлади. Лекин бунда гапларни икки составли ва бир составли гапларга ажратишининг бош белгиси кўриниб турмайди.

Кўпгина адабиётларда гапларни икки составли ва бир составли деб иккига ажратища уларнинг состави²⁰, неча составдан иборат эканлиги²¹, бош бўлакларнинг мавжудлиги²² асосга олинади. Буларда ҳам содда гапларни икки составли ва бир составли гапларга бўлища бунинг учун асос бўлган белгиларнинг маълум томонигина ҳисобга олинган.

Айрим мактаб дарслкларида, гапнинг структура асоси бир бош бўлакли ёки икки бош бўлакли бўлиши мумкинлигини асосга олиб бўлса керак, содда гаплар икки турга ажратилади: икки бош бўлакли содда гап, бир бош бўлакли содда гап²³. Умуман, содда гапларни бундай турларга ажратиш класификация принципига мос келади. Лекин гапда ҳар бош бўлак ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келиши мумкинлиги ҳисобга олинса икки составли ва бир составли деб олингани шу гапларнинг табиатига кўпроқ мос тушади.

Гапларни бир составли, икки составли деб икки катта гурухга ажратища гапнинг тури белгилари асосга олинган. Лекин ҳар қандай гап структура асоси-негизида пайда бўлар, бу ҳар қандай гапнинг юзага келиши учун зарур бўлган минимал форма экан, бир бош бўлакли ёки икки бош бўлакли экан, буларнинг ҳар бири ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келиб, маълум составни ташкил қиласа экан, содда гапларни икки составли ва бир составли деб бўлища гапнинг мана шу структура асосининг таркибини бош критерий қилиб олиши лозим топамиз.

Хулоса: гап ҳосил бўлиши учун зарур бўлган минимал форма гапнинг структура асосини ташкил қиласи; гапнинг структура асоси бир бош бўлакли ёки икки бош бўлакли бўлади. Бу бўлакларнинг ҳар бири ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келиб алоҳида-алоҳида состав бўлиб ҳисобланади; гаплар структура асосининг таркибига кўра, икки составли ва бир составли гапларга ажралади; содда гапларнинг бу класификацияси рус тилшунослигида ҳам, туркологияда ҳам, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам содда гап структурал класификациясининг таркибий қисмини ташкил қиласи.

¹⁸ И. П. Располов, К характеристике конструктивных типов простого предложения в современном русском языке. НДВШ, филологические науки, 1967, № 5, стр. 24.

¹⁹ А. Ф. Гуломов, М. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, Синтаксис, Тошкент, 1965, 167-бет.

²⁰ А. Г. Руднев, Синтаксис современного русского языка, М., 1968, стр. 27.

²¹ Н. С. Волгина, Д. Э. Розенталь, М. И. Фомина, В. В. Цапукевич, Современный русский язык, М., 1964, стр. 299. Современный русский язык, ч. II, под. ред. Е. М. Галкиной-Федорук, М., 1964, стр. 304; К. М. Мусаев, Стой Каримского языка. Автореферат докторской диссертации, Баку, 1968.

²² М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Ташкент, 1966, 219-бет.

²³ С. Г. Бархударов, С. Е. Крючков, Учебник русского языка, ч. II, Синтаксис, Для 6—8 классов, М., 1962; ўрта мактаб программалари. Она тили, IV—VIII синфлар учун (ложиҳа), Ташкент, 1968, 33-бет.

МУНОЗАРА

А. ҲОЖИЕВ

ФЕЪЛЛАРНИНГ «ҮТИМЛИ-ҮТИМСИЗЛИГИ» ҲАҚИДА

Туркий тиллар грамматикасига, шунингдек рус тили грамматикасига оид ишларда феълнинг ўтимли ва ўтимсизлик категорияси борлиги кўрсатилади ва маҳсус сарлавҳа остида феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлик хусусиятлари баён этилади. Бироқ феъл морфологиясида ҳақиқатда ҳам ўтимли ва ўтимсизлик категорияси ҳақида гапириш мумкини, яъни ҳақиқатда ҳам феълнинг шундай грамматик категорияси борми.

Маълумки, сўз туркумiga хос у ёки бу грамматик категория шу туркумга оид сўзлар учун асосий, умумий характеристикаларнинг бири бўлади ва бу нарса ўз морфологик ифодасига эга бўлади¹.

Шундай экан ўзбек тилида феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлик категорияси борлиги ҳақида гапириш қийин бўлади. Бунинг энг асосий далили феълларнинг ўтимли ёки ўтимсизликни кўрсатувчи формага эга эмаслигидир. Ўтимли ва ўтимсизлик ҳақида гапирилган ишларнинг деярли барчасида ҳам феълларнинг ўтимли-ўтимсизлик кўрсаткичига эга эмаслиги айтилади. Морфологик кўрсаткич (маҳсус грамматик форма) йўқ экан, грамматик маъно ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас (формасиз мазмун ҳақида гап бўлиши мумкин эмас).

Сўз туркумiga оид бирор грамматик категория шу туркумга оид сўзларнинг асосий, умумий характеристикаларидан бири бўлиши сабабли у кўпчилик томонидан албатта сезилади ва асосан бир хил тушунилади. Бундай категорияларни тушуниш ва тушунтириш ҳам қийин бўлмайди. Феълларда ўтимли ва ўтимсизлик категориясининг ўзи йўқлигидан бу «ҳодиса»нинг таърифи ҳам кўпчилик ишларда бир хил эмас. Барча ишларда бу ҳодиса ҳақида феъл морфологиясида гапирилса ҳам, аммо баъзилар уни семантик категория деб қарагани ҳолда², айрим ишларда семантик-синтактик категория деб таърифланади³.

Ўзбек тилида «семантик категория», «семантик-синтактик категория» ёки «грамматик категория» деб қарадиши мумкин бўлган «ўтимли-ўтимсизлик категорияси» йўқ.

«Ўтимли-ўтимсизлик категорияси» ҳақида гапирилганда, феълларнинг «ҳаракат таъсирининг бирор объектга ўтиш ёки ўтмаслигини билдиришини»⁴, «бирор предмет — объектга ўтадиган ёки ўтмайдиган ҳаракатни билдиришини»⁵ назарда тутадилар ва бу маъноларнинг феъл-

¹ Қаранг: О. С. Ахманова, Словарь лингвистических терминов, М., 1966, стр. 191—192.

² Қаранг: «Современный казахский язык», Фонетика и морфология, Алма-Ата, 1962, стр. 224.

³ Қаранг: О. С. Ахманова, Словарь лингвистических терминов, М., 1966, стр. 320.

⁴ Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (коллектив), 1, Тошкент, 1966, 266-бет.

⁵ Қаранг: А. Ф. Гуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 53—54-бетлар.

нинг ўзак қисмида ифодаланишини айтадилар. Ваҳолонки, феъл ўзак-негизлари ҳаракат таъсириининг бирор объектга ўтишини кўрсатмайди. Масалан, *кўрмоқ, ўқимоқ* феъллари ҳаракатнинг бирор объектга ўтишини кўрсатмайди, балки ҳаракатнинг ўзини кўрсатади, яъни ҳаракатнинг ўзини билдиради.

Энди, феълларнинг қандай ҳаракатни билдиришига қараб ўтимли ва ўтимсиз каби икки турга бўлиниши масаласига келсак, бундай бўлишни ҳам асосли деб бўлмайди. Аввало, «ҳаракатнинг ўтиши» деган ибора тўғри эмас. Чунки «ҳаракат ўтди» деганда, албатта, ҳаракатнинг бирор субъектдан бошқасига ўтиши, тўғрироғи, ҳаракат субъектининг ўзгариши (биров бажараётган ҳаракатни бошқа биров бажариши) тушунилади. Бу жиҳатдан феъллар бир-биридан фарқланмайди. Бундан ташқари, тушум келишиги формасидаги сўзни бошқарib келган феъллар билдирган ҳаракат бирор объектга ўтмайди. Масалан, *китобни ўқиди, тахминини айтди, дўстини эслади* гапларидағи ўқи, айт, эслада феъллари билдирган ҳаракатнинг «китоб», «тахмин» ва «дўст»га «ўтиши»ни тасаввур этиш ва исботлаш мумкин эмас. Ана шу имконсизлик, қийинлик таъсирида бўлса керак, феълларни ўтимли ва ўтимсизлик жиҳатдан фарқлашда уларнинг тушум ёки бошқа келишикдаги сўзни бошқарib келишига асосланиши тавсия этилади, яъни тушум келишигидаги сўзни бошқарса, ўтимли феъл, бошқа келишикдаги сўзни бошқарса, ўтимсиз феъл деб қарааш кераклиги айтилади. Лекин феълларни тушум ёки бошқа келишикдаги сўзни бошқаришига қараб «ўтимли ва ўтимсиз» каби икки турга бўлишнинг етарли асоси йўқ.

Хуллас, ўзбек тилида феъллар «ўтимли ва ўтимсизлик» деб аталиши мумкин бўлган грамматик категорияга эга эмас ва шу нуқтаи назардан фарқни кўрсаутвчи формага ҳам эга эмас.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ

СИНОНИМЛАР ТАЪРИФИ МАСАЛАСИ

Синонимлар у ёки бу тил лексикасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Айни замонда, улар ўз маънолари ва функционал қўлланилиши жиҳатидан тил стилистикаси, шунингдек нутқ маданияти билан ҳам узвий боғланган бўлиб, бу соҳада ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Булар пировардида мазкур тил ҳодисасининг назарий ва амалий аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Синонимларга доир чуқур назарий масалалар, чунончи, синонимик қаторларни тўғри белгилаш ва ҳар бир синонимик сўзнинг ўзига хос маъно қирраларини изоҳлаш, синонимларнинг стилистик функцияси каби масалалар ичida уларнинг таърифи масаласи биринчи навбатда кўндалган бўлиб туради.

Синонимларнинг моҳиятини изоҳлаш ва таърифлаш масалалари ҳақидаги маълумотлар қадим давлардан (юнон грамматикларидан) бошлигади. Шунга қарамай, бу хусусдаги фикр ва қарашлар то бизнинг замонимизгача ва ҳозирда ҳам муҳим бир ҳолга келиб етмади¹.

Синонимни таърифлашда бир-бирига қисман ёки мутлақо тўғри келмайдиган фикрлар борган сари кўпайиб, кучайиб борди. Бу қарашларни моҳият эътибори билан учга бўлиш мумкин. Бунинг, бизнингча, иккни асосий сабаби бор.

1. Синонимларнинг ўз табиатида «иккилик» — зидлик мавжуддир. Улар, бир томондан, маъно уйғунлигига қараб, ўзаро бир лексик сирани ташкил этсалар, иккинчи томондан, улардан ҳар бирининг ўзига хос маъно қирралари ҳам бордир. Бу ҳолат бошқа лексик категорияларда, чунончи, антоним ва омонимларда мавжуд эмасdir.

2. Синонимлар табиатидаги ана шундай ички зиддиятлар субъектив қарашларга кенг майдон очиб берган.

Бу ўринда биз фақат ўзбек тилига оид манбаларда синонимларга берилган таърифлардан айримларинигина муқояса учун келтирамиз:

1. «Синонимлар маънолари бир хил ёки бир-бирига яқин сўзлар бўлиб, улар айтилиши ва ёзилиши жиҳатдан ўзларига маҳсус, алоҳида шаклларга эгадир» («Ҳозирги замон ўзбек тили», 1, 1957, 77-бет).

2. «Турлича товушлардан тузилган, аммо маънолари умумий ёки бир-бирига яқин сўзлар синонимлар ёки маънодошлар деб аталади» («Ҳозирги ўзбек адабий тили», 1, 1966, 128-бет).

3. «Бирлаштирувчи маъноси бир хил, талаффуз ва ёзилиши, шунингдек, қўшимча маъно оттенкаси ҳар хил бўлган сўзлар синонимлар ҳисобланади» (А. Ҳожиев, Узбек тили синонимларининг қисқача луғати, 1963, 8-бет).

¹ Қаранг: В. Н. Клюева, Краткий словарь синонимов в русском языке, 1956, стр. 4; А. Ҳожиев, Узбек тили синонимларининг қисқача луғати, 1963, 5—8-бетлар.

4. «Борлиқдаги айни бир предмет ёки ҳодисаны қар хил белгилар билан ёки қар хил нүктан назардан ифодалайдын бир сүз туркумига доир бўлган сўзлар синонимлардир» (М. Мирзабек, С. Усмонов, И. Расулов, Узбек тили, 1, 28-бет).

5. «Гил бирликларининг бир маънони англатишига кўра груп пала-чишига синонимия дейилади» (У. Турсунов, Ж. Мухторов, С. Раҳматуллаев, Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1, 136-бет).

Шундай экан, юқорида тавсия этилган асосий таъриф мана шундай эслатма билан тўлдирилмоғи лозим бўлади.

Эслатма: бир тилда тарихан турли тилларга мансуб сўзларнинг ҳам мавжуд бўлиши натижасида, айрим ҳолларда, лексик маънолари ўзаро тенг бўлган сўзлар ҳам юзага келган. Аммо улар, лексик жиҳатдан бўлмаса, стилистик функцияга кўра ўзаро фарқланадилар.

Юқорида келтирилган ва келтирилмаган жуда кўп таърифларни ўзаро қиёслаб таҳлил этиш натижасида, биз синонимларни қўйидагича таърифлаш ҳам мумкин, деган холосага келдик:

Шакли бошқа, лекин умумлаштирувчи маъноларига кўра ўзаро ўйғун бўлган, айни замонда, ҳар бири ўз маъно қурраси билан фарқланадиган у ёки бу сўзлар сирасига синонимлар дейилади.

Мазкур таърифда бир масала борки, биз уни моҳият эътибор билан иккинчи даражали деб қараймиз ва шунинг учун, ҳам, у таърифдан сўнг эслатма тариқасида изоҳланиши лозим.

Гап бир тилга, бу ўринда ўзбек тилига, бошқа тиллардан кирган сўзларнинг лексик жиҳатдан ўзаро мутлақо тенг маъноли бўлиб келиши ҳақида боради. Масалан, ўзбек тилида **қуёш**, офтоб, шамс (ўзбекча, форс-тожикча, арабча) сўзлари шу жумладандир. Ана шундан мутлақо бир маънони билдирувчи сўзлар ҳатто синоним саналмаслиги керак, деган айрим қарашлар ҳам мавжудлиги бежиз эмас, аммо улар лексик бўлмаса, стилистик жиҳатдан фарқланади ва шу асосда тегишли изоҳлар билан синонимлар доирасига кириши керак. Лекин уларнинг тилда яшаб келиши аслида мутлақо бир маънони ифодаланганликларида эмас, балки асосан стилистик жиҳатдан турлича вазифаларни бажариб келганликларидадир. Қиёс қилинг: **қуёш** (офтоб ёки шамс эмас) **қораймас**; «Офтобим (қуёшим, шамсим эмас) ким десун (Муқимий); **шамс** (Қуёши ёки ёхуд офтоби) қамар.

С. АКОБИРОВ

«Г» ДАН «h» ГА ҚАЙТИШ ЗАРУРАТИ БОРМИ?

Ўзбек тилида *g* — *h* проблемаси лотин алфавитига ўтиш даврида юзага келган эди. Ўша вақтда ўзбек тилида лотинча *h* ҳарфи билан белгиланган фонеманинг мавжудларини эътиборга олиб, Европа тилларидан кириб келган сўзлардаги *h* ни ўзбек тилида ҳам *h* орқали ёзиш маъқул топилган эди.

Кейинчалик, рус графикасига ўтиш муносабати билан *g* — *h* проблемаси ўз-ўзидан бартараф этилди. Чунки таркибида *h* бўлган сўзлар ўзбек тилида ҳам, рус тилидагидек, *g* орқали ёзиладиган бўлди: *гидроген*, *гегемон*, *ектар*.

Бироқ *g* — *h* проблемаси яқинда яна юзага келиб қолди. Бу гал у бирор зарурат орқасида ҳам, илмий-назарий муносара тарзида ҳам эмас, балки амалий қўлланма вазифасида нашр этилган луғатда¹ майдонга чиқди.

Бу луғатда Европа тилларидан кириб келган барча *h* ли сўзлар, ўзбек тилда *g* орқали ўзлаштирилганлигига қарамасдан, ҳ ёки *x* орқали берилган.

«Сўз боши»да айтилишича, «Чет тиллардан олинган ва ўзбек тилида эквиваленти бўлмаган терминлар (интернационал терминлар) русчада қандай бўлса, шу ҳолица сақлаб қолинган. Бироқ *гаплоид*, *гетеротроф* хаби терминлар ўзбек тилида ҳам шу ҳолица олинмай, грекча ва лотинчадаги асл талаффузига асоссан *хаплоид*, *хетеротроф* шаклида ёзилган.

Албатта, умумий ва терминологик луғатларда сўзларнинг этимологиясини кўрсатиш фойдадан ҳоли эмас. Лекин орфография ва талаффуз нормаларини белгилашда сўзларнинг келиб чиқишига, этимологиясига асосланиш ҳаммавақт тўғри бўлавермайди. Хусусан, интернационал терминлардаги *g* нинг ҳ ёки *x* билан алмаштирилишини назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам асосли деб бўлмайди. Бунга қўйидаги далилларни келтириш мумкин.

1. Ўзбек тили ҳеч вақт Европа тиллари билан, хусусан грек ва лотин тиллари билан бевосита муносабатда бўлган эмас. Шу сабабли Европа тилларидан *h* фонемасининг асл талаффузи ва унинг ўзбек тилидаги ҳ ёки *x* фонемасига қанчалик ўхшашлиги ўзбек тилида сўзлашувчи кишиларнинг барчасига бирдек аён эмас.

2. Интернационал ва халқаро терминлар Европа тилларидан ўзбек тилига, асосан, рус тили орқали кириб келади ва кўпинча рус тилидаги шаклида ўзлаштирилади.

Бу сўзлар, ўзбек тилига келиб киргунча, рус тилида турли ўзгаришларга учрайди:

¹ Б. З. Зокиров, М. М. Набиев, У. Пратов, Ҳ. А. Жамолхонов, Русча-ўзбекча ботаника терминларнинг қисқача изоҳли луғати, Тошкент, 1963.

а) баъзи ҳолларда Европа тилларидан кирган сўзлардаги *h* рус тилида батамом йўқолади: *ippodrome* — ипподром, *chumot* — юмор, *otopim* — омоним ва шу кабилар. Агар орфография ва орфоэпияда этимология принципи асос қилиб олинса, бу сўзларни ўзбек тилида *ҳипподром*, *ҳюмор*, *ҳомоним* деб олиш керак бўлур эди;

б) баъзи ҳолларда *h* рус тилида *х* орқали берилади: *huligan* — хулиган, *Bethouien* — Бетховен;

в) баъзи ҳолларда *h* рус тилида *г* орқали берилади: *herbarium* — гербарий, *hektore* — гектар, *harmonie* — гармония ва шу кабилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Европа тилларидан келиб кирган терминларда *G Genealogia* — генеалогия, *garantie* — гарантия (*globus* — глобус ва ш. к.) ва *dj* (*gymnast* — гимнаст ва ш. к.) ҳам рус тилида *г* орқали берилади. Бинобарин, этимология принципи асос қилиб олинган тақдирда Европа тилларидан келиб кирган барча сўзларда *г* ни *h* билан алмаштириб чиқариш ва бунда *h* ни *g* ва *dj* дан фарқлаш зарур бўлур эди. Бундай ишни фақат филологлар ва мутахассислар бажара олади, чунки *гегемон* сўзининг ҳегемон, гөхемон, ҳөхемон вариантларидан қайси бири тўғрилигини билавермайди. Демак, ўзбек тилида *г* дан *h* га қайтиш учун маҳсус лугатлар тушиб, барчани қайтадан ўқитиб чиқиш керак. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бундай уриниш, албатта, бехуда уриниш бўлади. Чунки одат бўлиб қолган гектар, гербарий, ипподром, юмор ўрнига энди ҳеч ким ҳектар, ҳербарий, ҳипподром, ҳюмор деб ўргана олмаса керак.

3) Модомики, имлода ва талаффузда этимология принципини асос қилиб олиб, *г* дан *h* га қайтилар экан, изчилик учун бошқа специфик ҳолларда ҳам ўзбек тили орфографияси қоидаларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлиб қолур эди. Дарҳақиқат, Европа тилларидан келиб кирган кўпгина терминларда *z*, *c*, *j*, *u*, *v* сингари специфик фонемалар ҳам рус тилида турли ўзгаришларга учрайди ва ўзбек тилига рус тилида ўзлашган шаклида киради (қиёс: *auto* — *авто*, *audicuce* — *аудиенция*, *parachute* — *парашют*, *avctieon* — *аукцион*, *watt* — *ватт* ва ш. к.).

4. Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, ўзбек тилидаги *ҳ* ва *ҳ* фонемалари Европа тилларидаги *h* фонемасидан сифат жиҳатидан маълум даражада фарқ қиласди. Масалан немис тилидаги *h*, артикуляция усулига кўра сирвалувчи бўлиб, акустик жиҳатдан бўғиқроқ ҳисобланади. Ўзбек тилидаги *ҳ* эса фарингал товуш бўлиб, акустик жиҳатдан немис тилидаги *h* га қараганда кучлироқдир. Ўзбек тилидаги *ҳ* бошқа Европа тилларидаги *h* дан ҳам маълум даражада фарқ қиласди, албатта.

Хуллас, ҳозирги замон ўзбек тили учун *г* — *h* проблемаси аллақачон ҳал қилинган проблемадир. Тил ижтимоий ҳаёт билан бирга ривожланиди ва унинг қонуниятларини ижтимоий тараққиёт белгилайди. Социалистик жамиятда миллий тилларнинг тараққиётини белгловчи қонунлардан бири русча — интернационал сўзларни ёзишда ва талаффуз этишда бир хилликка эришиш, яъни минимал тафовутлар принципидир. Бу принцип аввало илмий терминологияда амалга ошади. Шундай экан, интернационал терминларга *г* дан *h* га қайтишга уринишни асосли деб бўлмайди. Бунга, айниқса, лугатларда йўл қўйилмаслиги керак, чунки лугатлар бизнинг замонамизда адабий тил нормаларини белгиловчи қудратли восита бўлиб қолди.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

УЗБЕК ДЕМОКРАТИК ЛИРИКАСИННИГ АИРИМ ЖАНР
ХУСУСИЯТЛАРИ

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россияга қўшилгач, мамлакатда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари вужудга кела бошлади. Капиталистик жамиятга хос воқеа ва ҳодисалар адабиётда ҳам ўз аксини топа бошлади. Бу давр шоирлари ана шу воқеа-ҳодисалардан, ҳалқ ҳаётининг уёки бу томонларидан олган ўз таассуротларини ўзбек классик лирикасининг кўп асрлардан бери мавжуд бўлган газал, мухаммас, мусаддас, рубойи каби лирик формаларида янги, ҳаётий деталлар орқали акс эттиридилар. Бу давр шоирлари кишиларининг ички ҳис-ҳаяжонини, юрак тўлқинларини, армон ва орзуларини ҳар кайси лирик жанр формасида ўзига хос янги хусусиятлар билан ифодаладилар. Бундай янги хусусиятни аввало газал жанрида кўриш мумкин. Бу давр шоирлари Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Комил, Рожий, Аваз ва бошқалар ўзларидан олдин яшаб ижод этган буюк лирикларининг ижодий традицияларини давом эттириб, айниқса Алишер Навоий традицияларига суняниб, ўз ижодларида газал жанрига кенг ўрин берганлар. Кўп асрлик тарихга эга бўлган газал жанру XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам тематик жиҳатдан ривожланиш ва бойишда давом этди, шахсий кечинмалар доирасида қолмади. Бу давр шоирларининг ишқий газалда илғор социал ғояларни куйлашлари алоҳида кўзга ташланади. Масалан, Аваз Утарнинг, биринчи қараганда, ишқий бўлиб кўринувчи бир газали билан танишайлик,

Қўй, эй пари пайкар, қадам, айлаб карам бош устина,
Қаҳру газаб таркин қилиб, чин солмагин қоч устина.
Изҳор этиб бедоду кин ойинини бешак манга,
Борсам изидик ул гўзал тош отгуси тош устина.
Хосидлик айлаб бу замон ким берди дер аҳли жаҳон,
Кийса янги хилъат агар қашшоқи қаллош устина,
Гардуни дун зулмун ситам озода элга қилғуси,
Жабуру жафо ойинини фош айлабдино фош устина,
Бўйла муруватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,
Гар тонса фурсат бергуси оғу қўшиб ош устина¹.

Бу мисолда ошиқ-шоир ҳис-туйгулари маълум даражада конкрет тарихий шароит билан боғланган. Газалдаги композиция, ғоя, бадиий тасвир — ҳаммаси шу образ орқали ёки воситаси билан конкретлашган. Бу газал ўзбек классик лирикасида кенг қўлланилган традицион образ — ошиқнинг ёрга қилган илтижолари, унинг ички кечинмаларини, орзу армонларини ифодалаш асосига қурилгац. Газалнинг бошланишида ошиқ ёридан вафо қилишни — қарам қилишни сўрайди. Лекин бевафо ёр ошиқнинг садоқатли муҳаббати эвазига унга «тош отади». Шоир маъшуқанинг жафокорлигини даврнинг ситамкорлиги билан қиёслайди.

¹ Аваз Утар. Танланган асрлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 51-бет.

У маъшуқа образи орқали конкрет ижтимоий тузумни фош қиласди. Маъшуқа ўз бевафолиги билан ошиқ қалбига тош отса, замон ўз зулму ситамини беҳад орттириши билан «озода эл» бошига жабру жафолар ёғдидиради. Шоир маъшуқанинг мурувватсизлигидек, замон ҳам мурувватсизки, агар иложини топса, халқ ошига огу қўшиб беришдан ҳам қайтмайди, деган ғояни илгари суради. Фазалдаги ишқий норозиликнинг социал норозилик билан боғланниб ёритилиши Авазнинг бу давр ғазал жанрининг тараққий этишига қўшган янгилигини кўрсатувчи далиллар.

Бундай янги, ҳаётний ҳақиқатларни ифодаловчи газаллар Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Комил, Рожий ғазалчилигида ҳам кўплаб учрайди. Бу шоирларнинг ғазаллари халқ дидига мос содда ва юқори бадийликка эга бўлиб, унда фақат ишқий майлар: гўзалнинг тасвир ва таърифи, ошиқ тортаётган турли азоблари ва висол умидларигина эмас, балки феодал ҳаётга нисбатан нафрат туйгулари ва ўша ижтимоий ҳаётга алоқадор бўлган ҳодисалар тасвири ҳам акс этди. Бу эса шу давр ғазал жанрининг муҳим янги хусусиятидир.

Бу даврда мураббаъ жанрида яратилган асарларда ҳам янги хусусиятлар яққол кўзга ташланади.

Ўзбек демократик лирикасида мураббаъ жанри иккни йўл билан, биринчидан, халқ оғзаки ижодининг таъсири орқали, иккинчидан, қардош халқлар адабияти таъсирида, хусусан Фузулий ижодининг таъсирида пайдо бўлган. Мураббаъ халқ оғзаки ижоди заминида пайдо бўлганини кўрсатувчи асосий факт Муқимий мураббаларининг халқ оғзаки ижодига яқинлигидир. Муқимий ўз мураббаларида чин муҳаббат эгаси бўлган ошиқининг нозик ҳис-туйгуларини ҳаққоний тасвирлашга эришди. Муқимий мураббаларининг энг машҳурини «Қўнглим сандадур» шеърида ҳам кўрамиз. Ошиқ гул юзли ёри билан фақат бир маротаба кўришган, кўришгану унга банда бўлган ва танида жони борича унинг ишқини дилда сақлашга қатъий қарор қиласган. Ошиқ қаерда бўлмасин, унинг кўнгли севгилисига. Мураббада Муқимий қарамана-қарши руҳий кечинмаларни ошиқ образида мужассамлаштириш орқали самимий муҳаббат, чин вафодорлик ғоясини илгари суришини мақсад қилиб олган. Асарда зўр умид ва ишонч эгаси куйланганди. Шоир кишиларни шундай фазилатларга эга бўлган ҳақиқий инсон бўлишга даъват этади. Муқимий мураббасидаги кучли ҳис-туйғу, ички кечинмалар ва ошиқининг ёрига бўлган умиди ниҳоятда таъсирили ва ҳаяжонли берилган.

Бу даврда мураббаъ жанрида Оғажий, Комил, Аваз ҳамда Аҳмаджон, Габибий ҳам бир қанча шеърлар яратдилар. Муқимий эса ҳаммаси бўлиб, учта мураббаъ ёзган. Лекин Муқимий мураббаъ жанрини юксак ғоявий-бадий савиғига кўтарган.

Ўзбек демократ шоирлари мактуб (ёки нома) жанрида ҳам ўша давр ҳақиқатини тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Улар мактуб жанрининг энг яхши хусусиятларини янада ривожлантириб, ундан даврнинг ижтимоий тартибларига ўз муносабатларини билдиришда муваффақиятли равишда фойдаландилар. Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодимлар мактуб жанри орқали, биринчидан, ўз шахсий ҳаётларини, кайфиятларини ва ички кечинмаларини ўз дўстларига маълум қилсалар, иккинчидан, ўзлари яшаб турган замондаги ҳаётни, ижтимоий тузум тартибларини ва улар норозиликларини ҳам ифодалайдилар. Шундай қилиб, мактуб жанрига оид асарлар ҳам ижтимоий мазмун касб этади. Бундай янги хусусиятлар айниқса Муқимийнинг Қўқондан Тошкентга биринчи марта сафарга келган вақтида (1887—1888 йилларда) дўсти Фурқатга ёзган ғазал формасидаги мактубида яққол кўзга ташланади:

На қиласи сизларга йўқ бўлса гулу гулзорман.
Мудда тоғишмоғу ман толиби дийдорман.

Хар нағас сомиъ бўлинглар тоски, эй аҳбоблар,
Айлайнин кайфияти аҳволни изҳор ман!

Муқимий Қўқондаги реакцион гуруҳларнинг фитнаси туфайли Тошкентга келишга мажбур бўлган эди². Мактубнинг бошланишидаги бу мисралардан сезиладики, Муқимий Қўқондан Тошкентга келиб, ёшлида бирга ўсан ёр-дўстларидан айрилиб, гурбат кунларини бошидан кечира бошлар экан, ўз дўстларини кўмсайди. У ўз дўстлари Фурқат, Завқийлар билан яна ўз шаҳрида топишмоқ ва улар билан дийдор кўришмоқ мақсадида яшайди. Мактубда баён қилинишича, Муқимий Тошкентга келишидан аввал унинг ҳаёти қандай машақкатли бўлса, у Тошкентга келгандан сўнг ҳам ҳеч ўзгариш бўлмаган. Қамбағачилик, бошига тушган кетма-кет мусибатлар, хотини Санамбиби билан ажрашуви, отаси Мирзахўжанинг ўлими, реакцион гуруҳларнинг фитнаси... бир неча қўнгилсизликлардан кўнгли жороҳатланган Муқимийнинг дардига малҳам бу даврда топилмади:

Дўст бўлдим ҳар кишига, кўрдим андин минг жафо,
Топмадим, дунёни кездим, мунису фамхорман!
Рўзгоридур паришон, зоҳиру ботин ҳароб,
Чарх давридин жигар хун, сийнаси афформан.

Муқимийнинг бу мисралари унинг ихтиёрий гурбатда яшаётган оғир аҳволига сабабчи давр, социал тузум эканига очиқ ишорадир. Шоирчинг «рўзгори паришон», «Зоҳиру ботин ҳароб», «жигари хун», «сийнаси афгор» бўлишига асосий боис «Чарх даври» — фалакининг айланиши, яъни социал тузум экани бу мактубда очиқдан-очиқ ифодаланган. Натижада бу мактуб ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра ўша даврининг ижтимоий шаронтини ёритувчи бадиий асар даражасига кўтарилиган.

Кимга дод айлай бориб шум толеимни дастидин,
Кўза синдириган азизу сув келтирган хорман.

Бу мисралар бизга шоир билан социал тузум ўртасидаги зиддиятни, шоирнинг бу тузумдан қаттиқ норозилигини очиб берувчи тарихий фактлар. Бу хил хусусиятлар Завқий, Фурқат, Нодим мактубларида ҳам мавжудdir.

Ўзбек демократ шоирлар Муқимий, Завқий ва бошқалар ҳаёт ҳақиқатларини бадиий формада очиб беришнинг янги йўлларини изладилар. Уша даврдаги шаҳар ва қишлоқ ҳаётини кузатар эканлар, ўз таассуртларини янги шеърий форма — саёҳатнома жанри орқали ҳам ифодаладилар. Адабиёт тарихида шоирлар ўз саёҳат хотираларини шеърий йўл билан баён қилган ҳоллар кўп бўлган. Жумладан Комил Хоразмий ҳам Тошкентга қилган саёҳатидан таъсирланиб шеър ёзган. Лекин бу асар ўзининг ёзилиш услуби, бадиий хусусиятлари ва гояси жиҳатидан шахсий мемуар характеристига эга. Муқимийнинг «Саёҳатнома»си эса, ҳалқ ҳаётини реалистик равишда очиб берувчи ва ҳалқ ҳаётининг картиналарини ранг-баранг бадиий лавҳа ва бўёқларда тасвирлаб берувчи асар бўлиб, шу мавзудаги асарлардан мутлақо фарқ қиласди. Зулм ва адолатсизлик ҳукмронлик қилган бу жамиятда ўз олижаноб орзуларига эриша олмаган шоирнинг руҳий ҳолатлари, кайфиятлари асарнинг турли ўринларида экс этган. «Саёҳатнома»даги лирик қаҳрамоннинг турмушдан қаноатланмаслиги, социал тузум ва унинг тартибларидан норозилиги асардаги танқид кучини ортирган. Ҳукмрон табақаларга мансуб кишилар социал тип сифатида ҳам, пасткаш, алдамчи маккор шахслар сифатида ҳам кучли танқид қилинган.

Саёҳат вақтида Муқимийнинг, бир томондан, ижтимоий тузум ва унинг тартибларига, ҳукмрон гуруҳларга нисбатан қаҳру ғазаби ортса,

² Муқимий, Асарлар тўплами, II т., Тошкент, 1960, 102-бет.

иккинчи томондан, жабр-зулмлардан ўзи каби кўнгли шикастланган камбағал халққа нисбатан муҳаббати кучая боради. Шоир меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаётини реалистик тасвиirlар экан, бу тасвиirlар катта умумлашма кучга эга бўлади.

Қир пастида шўртанг ариф,
Бир тўп йигит ўрграй тариг.
Тўнисиз, яланғоч, ҳай дариг,
Бечора, оч деҳқон экан,

Бу асардаги халқчиллик хусусиятлари Завқий саёҳатномасида ҳам кўринади.

Умуман, ўзбек демократик лирикасининг ғазал, мураббаъ, мактуб, саёҳатнома жанрларига оид асарлардаги бу каби хусусиятлар XIX асрнинг иккинчи ярмидаги тарихий шароит билан боғлиқ. Ўзбек адабиёти бу даврда фойяни ётибори билан ҳам, жанр ётибори билан ҳам ўзгаришларга учраб, бойиб борган ва унинг илғор вакиллари бу соҳада доим пешқадамлик кўрсатган.

В. Мўминова

ШОИР ВОЛА ҲАҚИДА

Вола — ўз даврининг машҳур, бироқ жуда кам ўрганилган шоирларидан. Бунинг асосий сабаби шоир асарларининг ҳалигача топилмагани, ҳаёти ва ижодининг мураккаблигидир. Вола ҳақида адабиётшуносликда қарама-қарши маълумотлар мавжуд. Чунончи, Ҳашматнинг «Тазкира туш-шуаро» асарида у «Амир Насруллонинг маддоҳи»¹ сифатида таърифланади ва шоир ҳақида баъзи бир қимматли фикрлар айтилади. Х. М. Мирзозода «Шамсиддин Шоҳин» номли асарида Шоҳиннинг Волага катта ҳурмат билан қараганини ёзиб², китобининг «изоҳлар» бобида «Вола — шоири лирик ва озодфикри тоҷик»³, деб қисқа маълумот беради. Р. Орзивеков «Шавқий Каттақўроний»⁴ номли мақолосида уни прогрессив — халқчил адабиёт вакиллари қаторида тилга олиб ўтади.

Хўш, Вола ҳақиқатан ҳам, Ҳашмат ёзганидек, Амир Насруллонинг «маддоҳи» миди? Бизнингча, Ҳашмат Воланинг мураккаб шароитда ижод қилганини айтса да, унга бир ёқлама баҳо беради ва ижодининг муҳим томонларини етарли кўрсатмайди. Замонасининг прогрессив шоирлари эса Воланинг мажбурият остида яратган шеърларини ҳақиқий асарларидан ажратганлар ва шоирнинг ўзига ҳам, меросига ҳам холис юксак баҳо берганлар. Чунончи, Вола асарларига мафтун бўлган Мирий «Қани Вола, қони амири назм...» ёки «Шавқию Вола кетти-ю, Мирину кўхна боғ» деда, уни алоҳида ҳурмат билан қайта-қайта тилга олади.

Биз Воланинг ҳаёти, адабий мероси ва яшаган даври ҳақида маълумот тўплаш ниятида шоирнинг ватани Янгиқўрондан⁵ бўлиб, унинг қариндош-урӯйлари билан учрашдик; шоирнинг Сўғонч қабристонидаги мозорини зиёрат қилдик; янгиқўронлик, каттақўронлик ва самарқандлик фозил, мўътабар қариялар билан суҳбатлашдик; машҳур ҳофиз Ҳожи Абдуазизнинг шогирд ва муҳлисларидан улкан санъаткорроят севган ва куйлар басталаган Вола асарларини ёзиб олдик. Давлат фонdlари ва айрим шахслар қўлидаги баёз ва девонлардан шоир асар-

¹ Ҳашмат. Тазкира туш-шуаро, ЎзССР ФА ШИ, қўллэзма, инв. №61, 90-бет.

² Х. М. Мирзозода, Шамсиддин Шоҳин, Сталиибод, 1956, 46-бет.

³ Уша китоб, 239-бет, 33-изоҳ.

⁴ Р. Орзивеков, Шавқий Каттақўроний, «Фан ва турмуш» журнали, Тошкент, 1961, 1-сон.

⁵ Янгиқўрон 1868 йилгача амирликнинг вилояти, ҳозир Самарқанд облассы Иштиҳон районининг қишлоқ советидир.

ларини, ғазалларига боғланган мухаммас, мусаддасларни тўпладик.

Янгиқўрғонлик Муҳаммал Насруллоевнинг (1898) бизга берган маълумотига кўра, унинг отаси Мулло Насрулло (1846—1932) шоир Волага ихлосманд бўлиб, узоқ йиллар унинг хизматини қилган ва шу давр ичидан шоирнинг ҳаёти билан яқиндан танишган. Отасининг айтишича, Вола туғма кўр бўлса-да, фавқулодда кучли ақл, хотира ва истеъдод эгаси бўлган. Бинобарин, қисқа муддатда мактабни битириб, янгиқўрғонлик мударрис Мулло Иброҳим қўлида таҳсил кўрган. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёт шеър айта бошлаган ва «Қуръон» билан бир қаторда, Ҳофиз, Навоий ва бошқа шоирларнинг девонларини ёд билган. Мусиқани фоят севган, шеърларининг оҳангдор, ёқимли бўлишига интилган ва хушвазлигидан, уларни куйга солиб, маҳорат билан ижро этган.

Шоир ёшлигига моддий томондан қийналиб, анча вақтгача ёлғиз яшайди ва, ниҳоят Неъматулло бой тақдим қилган чўрига уйланиб, ундан тўрт ўғиљ, тўрт қиз кўради. Вола фарзандларининг ўқимишли, билимдон бўлишлари учун астойдил замхўрлик қилган. Шоирнинг катта ўғли Махсумхон ҳамиша отасининг ёнида бўлган ва у ижод қилган асарларни ёзиш, кўчириш билан шуғулланган.

Шоир уч тилда — ўзбек, тоҷик ва араб тилида лирик, баъзан сатирик асарлар ёзган ва тез орада унинг шуҳрати Амир Насруллогача бориб етган. Насрулло шоирга Ҳофиз ғазалларига мухаммас боғлашни буюрган. Мухаммаслар муваффақиятли чиққач, унга каттагина ер инъом қилган ва ўз шаънига шеърлар ёзиб туришин талаб қилган.

Муҳаммад Насруллоев Воланинг амир хизматига илингани ҳақида қўйидаги нақл кенг тарқалганини ҳикоя қиласди. Насрулло Ҳофиз ғазалларига мухаммас боғлашни сарой шоирларига буюради, аммо улар бу ишнинг уддасидан чиқолмайдилар. Шунда у бу ишни Ҳозиқнинг маслаҳати билан Волага топширади. «Бажармасанг, бошинг кесилинг, молинг таланади», дейди. Шундан сўнг гўё Вола Шоҳизиннада тунаб, тушида Ҳофиз билан учрашади ва бу ҳақда ундан руҳсат олади, ниҳоят, әрталаб мозордан чиқиб кела туриб, «Маро рўзе, ки, эй гардун, аз он маҳ дур афканди» мухаммасини айтади...⁶

Каттақўрғонлик Салоҳий (1875—1965) бизга Воланинг бадиҳагўй бўлиши устига, ажойиб аскиячи ва хушчақчақ улфат бўлганини ҳикоя қиласди. Бу жиҳатдан шоирнинг Хиромий билан қилган ҳазил-мутойибаси мароқлидир⁷.

Воланинг невараси Орифхон Зикриёхон ўғли (1893) шоир девонининг бир нусхаси Октябрь инқилобидан аввал Самарқанд ҳокимининг миэрзоси Мирзо Ҳамдамга тақдим қилингандиги, иккинчиси эса унинг ўз қўлида бўлиб, 1920 йилнинг сентябрида Бухоронинг Жаъфархўжа мадрасасида қолиб кетганлиги ҳақида маълумот беради.

Биз шоир ҳақидаги баъзи бир биографик маълумотларни отасининг қабр тошидан олдик. Тошдаги шажара, тарих ва бошқа ёзувларга кўра, шоир, сайдзода Қози Мириноятулло хўжанинг (вафоти 1241 ҳижрий, 1825/26 мелодий) ўғли бўлиб, лақаби Аъмо (Кўр), номи Эшонхўжа (вафоти 1289 ҳижрий, 1872/73 мелодий), тахаллуси Воладир. («Эшонхўча аъмо»). Воланинг қабр тошида эса вафот йили («сана 1289»), бир фард, бир парча маснавий ва тошни ясаган устанинг исму фамилиясидан

⁶ 1961 йилнинг 27 августидаги сұхбат дафтаридан.

⁷ Китоблик Хиромий Волани узоқ вақт кўрмагани за фоят ҳурмат қилганидан, уни қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпид, йиглаб, ҳол-аҳвол сўрайди. Шунда шоир ўртоғининг руҳини кўтариш учун: «Кимсан! Овозингдан Ҳиромийга ўхшайсан, қучоқлаб ўпишларингдан ҳаромийга ўхшайсан!» деган экан. Воланинг Ҳиромийни сенсираши унинг 1786—1793 йилларда туғилганидан далолат беради.

бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ⁸. Баёзларда учрамайдиган, афтидан, Воланинг васиятига кўра ёзилган нодир парчаларда шоирнинг адолатсиз замондан норозилиги, инсон ҳаётининг нақадар қисқа ва ғамгинлитидан шикоят мотивлари ўз ифодасини топган:

Фард:

Дариго ки, дунё надорад вафо,
Камарбаста дорад зи баҳри чафо.

Маснавий:

Ба ҳасрат аз ин бўстон меравем,
Баҳор омадему ҳазон меравем.
Ҳамин аст расми сарон ҷаҳон,
Авойил баҳор асту охир ҳазон.

Шавқий (1785—1861), Хиромий (1794—так. 1875), Мирийнинг (1839—1899) замондоши ва дўсти, ҳалқ ўртасида Эшон Вола номи билан машҳур бўлган уч тилли бу ўзбек шоири, дарҳақиқат, Ҳашмат ёзганидек, хитой-қипчоқлар ватани — «Янгиқўргонда яшаган» «Қўзи кўр бўлса-да, қалби маънига тўла» бўлган, «соф қалб билан» шоирлар сафиға келиб қўшилган; асарлари бадний етуклиги билан «фузало ва уламо» ўртасидагина эмас, «жуҳало», яъни омма ўртасида ҳам «машҳур» бўлган (61,906).

Шоирнинг ҳалқ ўртасидаги, айниқса амирликни ларзага соглан хитой-қипчоқ уруғи ўртасидаги обрўйини кўрган Насрулло уни ўз маддоҳига айлантироқчи бўлади. Бироқ шоир ўз идеалларидан қайтмайди. Бундан ғазабланган амир шоирни исканжага олади. «Шунинг учун, — деб ёзади Ҳашмат, — унинг завқи ҳам гоҳ бир ҳамён оқча, гоҳ шапалоқ зарби билан аччиқу чучук («талху ширин») бўлган (61,906). Шавқий шум замона дастидан Воланинг ғамга гирифтор бўлиб қолганини ёзади. Шоир ҳаётини яхши билган янгиқўргонлик ва каттақўргонлик қариялар амирнинг зулмига чидаётмаган, қашшоқларча ҳаёт кечирган Воланинг кейинчалик нашабан бўлиб қолганини ҳикоя қиласидилар.

Воланинг ўзбек ва тоҷик тилларида тузган ҳар икки девони ҳалигача топилган эмас. Шундай бўлса-да, унинг хилма-хил баёзларда учрайдиган шеърларига қараб, ижоди ҳақида баъзи бир дастлабки мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Воланинг мавжуд баёзларга кирган кўпчилик шеърлари салафлирига, айниқса Навоий ва Ҳофизга боғланган мухаммаслардир. Қарияларнинг ҳикоялари ва Воланинг мероси шундан далолат берадики, шоир амирнинг тазиқига дуч келгач, унинг амрига кўра, асосан мухаммаслар ёзиш билан банд бўлган, бошқа жанрларга кам мурожаат қилган, аммо, шунга қарамай, мухаммас жанрининг имкониятларидан маҳорат билан фойдаласиб, бадний етук асарлар яратган.

Вола мухаммасларининг характерли хусусияти шундаки, шоир прогрессив салафлари ижодидан ўзи яшаган давр руҳига яқин ғазаллар танлайди; ишқий байтларни социал-сиёсий мазмун билан бойитиб, уларни оригинал асарлар даражасига кўтаради. Чунончи, Навоийнинг «соҷ» радифли ғазалига боғланган мухаммасни олиб қарайлик. М. Насруллоевнинг айтишича, Амир Насрулло Янгиқўргонда яшовчи хитой-қипчоқ уруғларининг ҳақли талаб ва узоқ давом этган курашлари учун ўч олмоқчи бўлади. Уч йил устма-уст 30—40 минг кўшин билан келиб, Амир

⁸ Қабрнинг Воланини эканлигини мозорларнинг ёнма-ён туриши, ташқи салобати, шеърий парчалар услуги, вафот таърихи ва невараларининг шаҳодатидан билиш мумкин.

теппага қўнади ва халқни талайди, экинларни отларга егизиб, пайхон қилади; қаршилик кўрсатганларни ўлдиради; бир неча йилгача туз юборишни ман қилади. Натижада одамлар очлик ва тузсизликдан шиншиб ўла бошлайдилар. Машақатли кунларни халқ билан бирга кечирган шоир амирни «муҳтож»ларга ёрдам беришга чақиради:

Хар неча қилсанг карам, муҳтождин тутма дариг,
Лутф мустагнига қўлмоқ суди йўқ, билгил аниг;
Бир гияҳдекменки, ёмғур кўрмаган, ранги сариг,
Ташнага бер файз, эй абри карамким, не асиғ,
Гарчи сув юз қатла дарёдин олиб, дарёға соғ⁹?

Шоир ўзини ана шу ёрдамга «муҳтож»ларнинг бири деб билади ва «ёмғур кўрмаган, ранги сариг» гиёҳ орқали бутун менҳаткаш халқ ахволини ҳаққоний тасвирлайди. Қичик бир детал орқали ёрқин ва оригинал манзара яратиб, катта ҳаёттий мазмунни ифодалаиди. Вола шеърининг оригиналлиги образларнинг индивидуал тасвир ва талқинида ҳам яққол кўринади. Чунончи, Навоийнинг ошиқи, ёри сайргоҳга келмасдан аввал, булутдан қатралар, кўқдан дурлар, шамолдан гуллар сочишни сўрайди. Навоийда булуг, кўқ, шамол сингари реал маънога эга. Волада эса «абри карам» мажозий, яъни саховатли ҳукмдорни билдиради. Шунингдек, Навоийда лирик қаҳрамон — ошиқ, Волада эса очлик ва қашшоқликка маҳкум этилган заҳматкаш инсондир.

Вола мухаммасларининг иккинчи муҳим хусусияти сўз-ибораларининг содда, равон ва оҳангдорлигидир. Шоирнинг бу соҳадаги муваффақиятини Ҳофизнинг машҳур «Саҳар бо бод...» ғазалига боғлаган мухаммасининг матлаъ ва мақтаи тимсолида яққол кўриш мумкин.

Матлаъ:

Маро рўзе, ки, эй гардун, аз он маҳ дур афкандӣ,
Надидам зон сабаб ҳаргиз ба олам рўи хурсандӣ,
Шабе ногаҳ дар он ҳолат бу уммеди барумандӣ,
Саҳар бо бод метуғтам ҳадиси орзумандӣ,
Хитоб омад, ки восил¹⁰ шав ба алтофи худовандӣ.

Мақтаъ:

Бувад ин Вола камтар аз сагони орифон ҳарчандӣ,
Ба амри шаҳ ба рўҳи Хоча шуд, лекин таваҷҷӯҳмандӣ,
Чи мумкин варна дар аబети у ҳарфе кунад пайвандӣ,
Ба шеъри Ҳофиз Шероз меҳанданду¹¹ мерақсанд
Сияҳчашимони кашмирию туркони самарқандӣ¹²

(1380, 74 б)

Вола биринчи мисрада лирик қаҳрамоннинг ёридан ажралгани ҳақида фикр юритади. Аммо шоирнинг бу тарздаги мухаммасларида қаҳрамонни кўйдираётган соҳибжамол реал маъшуқа эмас. Чунки биринчи мисрадаги ой фироқи кейинги («шу сабабли оламда ҳаргиз хурсандлик юзини кўрмадим» ва «Бир кеча ўша ҳолатда фаровон яшаш орзузи билан») мисраларида социал маъно касб этади. Қаҳрамон ойдан ажралиб, қоронғу тунда яшайди, бинобарин, оламда ҳеч шодлик юзини кўрмайди, аммо у умидсизликка ҳам тушмайди. Шу тарзда, ой орқали мажозан ёргу, баҳтли истиқбол, туни орқали қоронғу, ғамгин ҳаётта ишора қилинади. Воланинг кунни тунга, фарононликни қашшоқликка, хурсандликни ғамгиналикка қарама-қарши қўйиши, поэтик фикрларнинг из-

⁹ Мирый, баёз УзССР ФА ШИ, қўллэзма, инв. № 1380, 75-бет.

¹⁰ Бомбай (1299 ҳ.), Шероз (1314 ҳ.) нусхаларида: «восиқ».

¹¹ Мазкур нусхаларда: «мўғўянд».

¹² Бошқа бир баёзда шеърга «Мухаммаси Волаи атъмо бар ғазали Хоча бафармуни амири мархум» («Атъмо Воланинг марҳум амир амри билан Ҳофиз ғазалига боғлаган мухаммаси») деб сарлавҳа қўйилган (Баёз, СамДУ кутубхонаси қўллэзма, инв. № 391954, 728-бет). Шунга кўра, Эшон Вола қаламига мансублиги шак-шубҳасиз бўлган бу мухаммаси фарғоналик Воланини дейиш мутлақо тўғри эмас. Баъзилар эса «Вола»ни турдош от деб, унинг айрим тахминларини ҳам бошқаларга нисбат берадилар.

чил ривожи ва содда баёни катта ғоявий мазмунни ёрқин ва ҳаққоний ифодалаш имконини берган. Қаҳрамонларнинг ўз орзуларини қарама-қарши шароитларда, бирининг қоронғу тун, иккинчисининг ёруғ саҳарда изҳор қилишида Воланинг мавзуга индивидуал муносабатда бўлгани, ўзига хос манерада иш кўргани яққол кўринади. Хуллас, Вола масалани ўз даври талаблари асосида янгича қўяди ва Ҳофизнинг риндана фикрларини замонавий руҳда талқин этишга, кескинлашаётган зидди-ятиларни контрастлар орқали аниқроқ ифодалашга, кечирмаларни мавхум хаёллар оламидан реаел ҳаётга яқинлаштиришга, уларни оригинал бўёқларда, ўзига хос соддалик, равонлик ва изчилликда акс эттиришга интилади.

Санъаткор илм аҳлининг, камбағаллар сингари муҳтоҗлиқда, жоҳил, инсоғиз амалдорларнинг эса ҳурмат-икром билан айшу ишрагда яшаётганидан изтироб чекади. У бу ҳақда «Лутфи чарх аз аҳли дониш бо сафиҳ афзунтар аст» («Чархнинг лутфи илм аҳлидан кўра нодонларга кўпроқдир») қитъасида:

Илму донишро набошад қадр андар рўзгор,
Рутбааш бартар бувад он кас ки ҷоҳаш бартар аст.
(61,91)

Яъни:

Бу замонда илму маърифатнинг қадри йўқ,
Кимнинг мансаби баландроқ бўлса ўшанинг мартабаси юксакроқ!—
деб ёзди

Амир Янгиқўргонга туз юбориш эмас, сув беришини ҳам ман қилади. Бу аҳволдан изтиробга тушган шоир ёрдам сўраб, Каттақўрғон амалдорларига мурόжаат қилади¹³. Шоирнинг арзи ҳолида фақат Воланинг фожиали ҳаёти эмас, балки дарё бўйида яшаб сувсиз қолган, очлик ва қашшоқликка маҳкум этилган жафокаш халқнинг аянч аҳволи, дарду ҳасрат, орзу-армонлари ҳам ўз ифодасини топган:

... Аз дуюн он чу олироқ моро теги табъ
Аз Қиличбод чоритар зи оби ҷавҳар аст.
Арзи иш бечорагонро бишинаванд акнун равост,
Бас шумоёни қабон баҳту давлат дар бар аст.
Дар днёри мост чун анқо мурувват нопадид,
Шоҳири қавлам ҳамин догиу зору мустар аст ...
Аз вазифа дур, аз маъзҳа чудо афодаам,
Холи ман ҳар рўз аз рўзи дигар бадтар аст ...
Нестам я лаҳза форив аз ҳууми эҳтиёқ,
Бар сарам ҳар рўз гўё шўри субҳи маҳшар аст ...
Воларо имрўз агар дони ди рўни эҳтиёқ
Хўшан гандум ба ҷашмар беҳ зи хирвори зар аст.
(391954, 99—101)

Мазмуни:

У юқори мартабалининг дуосидан тобъимизнинг тифи
Қиличбоддан тезроқ чопувчи жавҳар сувидир¹⁴.
Энди бу бечораларнинг арзини эшитсалар бўлади,
Чунки сизларнинг устларнингизда баҳту давлат кийими бор.
Бизнинг юртимизда мурувват анқодек ҳеч кўринмайди,
Шунга шоҳидманки, бу ердагилар қақраб зору почор яшайди
Маошдан узоқ-у, амалдан жудо бўлганман,
Менинг аҳволим кундан-кун бадтарроқ бўлмоқда ...
Муҳтоҷлик ҳужумидан бир нафас ҳам ҳаловатим йўқ,
Бошимда ҳар куни гўё қиёмат тонгининг ғавғоси бор ...
Воланинг бугунги аҳволини билсанг, муҳтоҷлигидан
Бир бошоқ буғдой унга бир уюм олтиндан яхшидир.

¹³ Шеърга «Фазали Вола ки илтимос кардан аз қиблагоҳи ман барои оби чўиҳа ҳўчагон» (391954, 99; Воланинг қиблагоҳидан хўжалар ариғи учун сув сўраб ёзганға ғазали) деб сарлавҳа қўйилган.

¹⁴ Бу мисрада шоир Қиличбод ариғида сув қуриб қолаётганига ишора қилмоқда.

Туғма күр шоир муҳтоҗлиқда яшаса ҳам, аъённинг миннатлик-зашарлик инъомидан беминнат қора нонни афзал билди ва «Дастгир инчо ба чуз ҳақ кист, то миннат кашем» (бу ерда бизга худодан бошқа ким ёрдам қўлин чўзадики, унинг миннатини чексак) дей истеҳзо қилди ва беминнат ҳалол меҳнатни улуглади.

Хуллас, Вола ўз давридаги адолатсизлик, жабру зулмни кўриб, амирни муҳтоҷларга меҳру шафқат қилишга чақирди; илму дониш аҳлининг хорлиги, жоҳу сарват эгаларининг майшат ва разолатидан изтироб чекди амир тазиикига учраб, социал масалаларни кенг ёритолмаган бўлса-да, имкониятлар доирасида жабрдидаларнинг орзу-армонларни куйлади; асарларининг сермазмун, содда, равон ва оҳангдорлиги билан лирика тараққиётига ўз ҳиссасини қўшид ва фақат Шавқий, Мирий каби замондошлари эмас, балки Шоҳи, Ноҳис, Гулшаний каби кейинги шоирлар ижодига ҳам таъсир қилди. Натижада фан-санъат аҳли орасида ҳам, кенг меҳнаткаш омма ўртасида ҳам машҳур бўлди, асарлари куйга солиниб, хонанда ва созандалар томонидан куйланди ва ҳозиргача завқ-шавқ билан ижро қилиб келинмоқда.

Муҳаммаджон Маҳмудов

РОЖИЙ МАРГИЛОННИЙ

Шоирнинг номи Тоҳир бўлиб, Хўжажонхўжа Рожий унинг адабий таҳаллусидир. У 1834 йилда Марғилонда сувоқчи оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси Низомиддин яхшигина савод эгаси бўлиб, адабиётни жуда севарди ва ўғли Тоҳирнинг ҳам саводхон бўлишини истарди. Лекин Низомиддин ака эллик ёшлирида вафот этади. Ёшлигидан етим қолган Тоҳир Марғилоннинг Аввал қишлоғида яшовчи амакиси Мунаввархон қўлида тарбияланади. У дастлабки маълумотини шу қишлоқдаги мактаблардан бирида олади. Еш Тоҳирнинг қобилиятини, ўқишга бўлган интилишини кўрган амакиси кейнчалик уни Кўқондаги «Мадрасаси олий» га ўқишига юборади.

Мадрасада Рожий турли фанлар бўйича пухта билим олади, араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Шоирнинг бу тилларни билиши ўтмишда яратилган қимматбаҳо адабий-маданий мерос билан яқиндан танишувига имкон яратиб берди.

Пухта билимга эга бўлган Тоҳир ўз қишлоғига қайтиб келади. У, жуда хушхат, яхши савод эгаси бўлганлиги учун қозихонада хат ишларини олиб борувчи мирзалик ишига тайинланади. Рожий ўттиз тўрт ёшигача шу иш билан шуғулланиб, ўттиз беш ёшидан қозилик лавозимида ишлайди. Айни чоқда у ижодий ишлар билан ҳам қизғин шуғулланиб, бир қанча асарлар ёзди.

Рожий 1918 йили 25 марта Марғилонда вафот этади.

Қидириш ишларимиз натижасида шоирнинг илм аҳлига ҳали маълум бўлмаган бир қўлёзма баёзини¹, катта ҳажмли бир мусаввадасини² ҳамда бир қўлёзма-девонини³ топишга мусаввасар бўлдик. Ҳозир биз шоирнинг ўн минг мисрадан ортиқ адабий асарларига эгамиш.

Рожий ижодидағазал, мухаммас, маснавий, муаммо, рубойӣ, тарих, сатира ва юморлар асосий ўринни эгаллайди .

¹ Ушбу қўлёзма бабэ андижонлик Эшон ака Саҳобиддиновнинг шахсий кутубхонасида сақланиб келинган.

² Шоирнинг қўлёзма мусаввадаси Рожийнинг набираси Валихон ака Мақсумовнинг шахсий кутубхонасида сақланган.

³ Рожийнинг бу қўлёзма девони ўшлиқ Шарафуддин ака Салоҳиддиновнинг шахсий кутубхонасида сақланиб келинган.

Классик шоирлар ижодида бўлгани каби, Рожий адабий меросининг асосий қисмини лирика ташкил қиласди.

Рожий лирикаси тематик эътибори билан пок инсоний севгини, олижаноб фазилатни улуғлаш, зулм-адалатсизлик, феодал ахлоқни қоралашга қаратилган. Кўпчилик асарларининг ғоявий-бадиий хислати, мавзу дониаси — эзилган омманинг жаҳолат, бидъат ва диний афсоналар билан заҳарланган қалбини маърифат нури билан равшанлантиришга интилиш, ҳуқуқсизлик, инсон иззат-нафси, ор-номуси, шарафининг ҳақоратланишига қарши эътирозини юзага чиқаришга бўйсундирилгандир. Рожий лирикасининг кучи, таъсирчанлиги унинг мавжуд тузумдаги иллатларни дадил фоши этишида кўринади:

Найлайн мұхаббатнинг шаҳнаси қўлим боғлаб,
Ишқни таноб-ла кездурурсан биёбонлар.
Кўрмаган жағоларни кўрсатурсан, эй афлок,
Юргузуб бошним узра бир тўқиз тегирмонлар.

Шоир ўз лирикасида ёр жабри жағоларидан норози бўлибгина қолмай, давр ва замонадан шикоят ҳам қиласди, ижтимоий тенгсизликни кўрсатиб, унга ўз муносабатини ҳам билдиришга интилади.

Золим фалок кўхна эрур пушти ҳам,
Пешаси атфолига қилмоқ ситам.
... Зулм қарам аҳлига ҳаддин зиёд,
Қимга қиласай арз, қиласай кимга дод?
... Топсан эди даст мани дардоқ,
Айлар эдим субҳ яқосини чок!⁴

Қўйидаги шеърий парчада шоирнинг ижтимоий ҳодисаларга нисбатан танқидий муносабати янада яққолроқ ёритилган:

Айтинг сўзимни фарзоналарга
Таън этмасунлар девонларга.

Ошти хуморим, майтона пири,
Муҳтож ўлубман паймоналарга
Шоҳларни қасри вайронга бўлгон,
Қилманг таманио кошоналорга.
Тўхми риёдур илгода тасбих,
Фахр этма, Рожий, бу доналарга⁵.

Инсонни, унинг қадр-қимматини таҳқирлаш ҳоким бўлган феодализм даврида бундай мисраларни яратиш шоирнинг дадиллигини кўрсатади. Рожий ўз даврининг илфор фарзанди сифатида замонасидан шикоят қиласди, уни қоралайди, ижтимоий тенгсизликнинг айrim кўринишларини қўйндагича ифодалайди:

Баъзисидур давлат ила вақти чоф,
Баъзисидур кулфат ила бедумог.
Ҳасрат ила баъзи бошин қашлаган,
Карзи келиб доманини ушлаган.

Шоир ижодида унинг саксон беш байтлик маснавийси алоҳида ўрин эгаллайди. У бу маснавийсида ҳалқ ҳаётини имкон борича тўлиқ тасвирилашга интилган:

Баъзи кийиб қат-бақату нав-банав,
Рахши ани боди каби тезрав.
Бирни тўни пироҳани юз ямок,
От уваси анга фалакдин йироқ.
Бошидадур баъзисини юз таёқ.
Оташи ғам бирла дили доғ-доғ.

⁴ «Баёзи Рожий», 50-бет.

⁵ «Девони Рожий», 1-бет.

Баъзисини йўқ тўъмасига нони жав,
Бирин тўни ҳинди қўлида гаров.

Ўзи қози бўлишига қарамай, ўткир ҳажвлари билан бойлар, эллик бошилар, руҳонийлар, қозиларнинг кирдикорларини фош этади, улар устидан кулади. Бу ўринда марғилонлик Мулла Исҳоқ қозига қаратада ёзган ҳажвий шеъри характерлидир:

Қози Исҳоқ эрди саҳро говидин,
Иргиб ўтган ҳар балонинг говидан.
Кўрди элликбошилар қассобини.
Қочди ҳуркиб ўтлаган яйловидин.

Демак, Мулла Исҳоқ Марғилонда пора эвазига бир неча йил қозилик қылган. Навбатдаги сайловлардан бирида кўп пул сарфласада негадир қозиликка сайланмай, аламига чидай олмай, қочиб кетган.

Яна бир бошқа сатирик шеърларида очкўз, разил, амални бойлик тўплаш воситасига айлантириб олган қозиларни Олтиариқ қозиси образи орқали усталик билан фош этади.

Эҳтиёт бўлгил укам сайлов келур,
Топганинг сочгали бир дов келур.
Олтиариқ маҳкамидаги бўлсанг тирик,
Жон бериб, жон олгали бир ёв келур.

Шоирнинг «Сайлов» шеъри ҳам шу мавзуга бағишлангандир:

Иўл билиб юр, қози эл сайлови бор,
Иўлда элликбошиларнинг гови бор.
Овчилар қўймас амал сайловида,
Кайси ерда кўрса парбех гови бор.
Туфлаб отмоққа қози сайловида,
Яхши мергантарга тўнгиз ови бор.
Пул билан ўтсанг қазо сарҳаддига,
Пулсирот остида ўтлиғ зови бор⁶...

Рожийдан кейин яшаб ижод этган кўпгина қаламкашлар мазкур шеърга муҳаммас боғлаганлар. Улардан бири марғилонлик шоир Муфаззал Шоумаровдир.

Рожий ўша пайтдаги энг актуал-воқеага — Дукчи Эшонга бағишлиб ёзган шеърида ҳам, Дукчи Эшоннинг қабиҳ, алдамчи, фитначи эканлигини рўй-рост кўрсата билган. Эшоннинг авлод-аждодлари устида тўхталиб, булар орқали Мингтепага ўрнашиб олган фитначиларнинг ярамас баширасини ҳаққоний кўрсатишига муюссар бўлган:

Мингтепа Марғилон уездидан,
Чиқти Муҳаммад Али Ҳалифаи жин.
Отаси йикчи асли Шўғнондин,
Энаси эмчи катта бўлғондин.

Неча муддат уйида йиг қилди,
Гоҳ сумак қилди, гоҳ бешин қилди.
Ташлади йиг сотурни кампирга,
Борди эшон бўлурга бир пирға⁷.

Муҳаммад Али Ҳалифа макр-ҳийла билан халқни алдаб юради. Охири унинг сири очилиб, шарманда бўлади. Шоир Эшон тўдасини юмористик услубда реалистик мисралар билан ифодалайди.

Рожийнинг «Ҳажви йигчи эшон» сатираси ҳам мазкур ҳодисага бағишиланган.

Бу сатирада эшоннинг найранглари, уюштирган фитналари заарали эканлиги фош этилган.

⁶ «Девони Рожий», 101—104-бетлар.

⁷ «Девони Рожий», 101—104-бетлар.

Рожий ижодининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, у замонасидағи айрим ярамас шахсларга нисбатан ўз муносабатини таъсирчан, кулаги формада ҳозиржавоблик билан билдира олган. Шоир айниқса Ҳожи Мұхъйини ёқтирумас, унга нисбатан нафрати зўр эди. Бу ўринда қизиқ бир фактни келтириш ўринилдири. Рожий атайнин ҳали тирик бўлган Мұхъйига уни ўлди деб тарих — муаммо ёзади:

Харза кардид дар жаҳон Мұхъйи,
Малақулмавт омад, уро бурд.
Баҳри тарих фавти гуфтам,
Шонри ҳарза кард Мұхъйи мурд...

Мазмуни: Жаҳонни беҳуда кезиб, саёқ юрган Мұхъйининг Азроил келиб жонини олиб кетди. Шунинг учун «саёқ юрган» деб тарих ёздим.

Бу марсия Мұхъйининг қўлига бориб етади. Уни ўқиб жони халқумига келган Мұхъйин «Ўлмаган одамни деб, марсия ёзишга сени ким мажбур қилди?»⁸ деб, Рожийни сансираਬ, сўкиб хат ёзиб юборади. Рожий хатни олгач, шундай жавоб ёзиб юборади:

«Сизни ўлмайди деб ким айтди? Ҳазратнинг мадрасаларини сизга хати васиқа қилиб берган бўлсалар ҳам, бир куни ўласиз. Шуни назарда тутиб, қўлиб бўшлигида феъли асворингизни ва қандай инсон эканлигингизни тасвирлаб марсия ёзган ёдим. Ўлмасдан туриб, марсияда дарж этилган ўз кирдикорларингизни ўқиганингиз яхши бўпти (Ўлганингиздан кейин яна ҳам кенгроқ марсия ёзишга қарздорман) ...»⁹

Марсия ёзиш ҳамма шоирларга хос бўлса-да, Рожийгача марсияни ҳажв қилиб ҳеч ким ёзмаган. Шундан ҳам кўринадики, шоир жуда ҳозиржавоб, дадил эди, асарларининг тили эса жуда ачиқ бўлган.

Шундай қилиб, Рожий ўз шеърларида афгор омманинг оғир аҳволини куйлади, золимларга, эксплуатацияга норозилик билдириди. Уткир ҳажвларида амалдорлар, судхўрлар, бойлар, қозилар, дин аҳлларини аёвсиз фош этди.

Шоир Рожий меросини тўплаш, ўрганиш, асарларини кенг жамоатчиликка етказиш адабиётшунослигимиз олдидағи маъсъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади.

Феруза Аҳмаджонова

ШЕЪР ВА ШЕЪРХОНЛИК

Шоир бир мисра шеър ёсса, унинг юрагидан бир қатра қон камаяди, дейдилар. Дарвоқе, классик адилларимиз сўзнинг маъноли ва гўзал бўлиши учун бутун кучларини, бутун ҳаётларини сарф этганлар. Форс шоири Ҳакими Саноий сўнгги нафасида ҳам шу байти тақрорлаган экан:

Боз гаштам з-ончи гўфтам онки нест,
Дар сухан маънию дар маъни суҳан.

Таржимаси:

Тавба қилдим ул сўзимдан ким, агар
Сўзда маъни бўлмаса, маънида сўз.

Сўзнинг гўзал маъноли бўлиши унинг гўзал ва тўғри талаффуз этилишини ҳам талаб этади. Ҳолбуки классик адилларимизнинг ғазалларини куйга солиб айтувчи ҳофизларимиз бу ғазаллардаги гўзал сўзларни баъзан шундай талаффуз этадиларки, улар ифодалётган маънодан

⁸ «Девони Рожий», 83-бет.

⁹ «Девони Рожий», 84-бет. Собир Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» китобида ҳам ўқиши мумкин

асар ҳам қолмайди. Шинаванда шеър мазмунни ва музика оҳангига бутун борлиги билан маҳви лол бўлиб турган бир пайтда, ҳофиз ғазалда бир сўзни ғалат ўқиса, эшитувчининг кўксига бир наштар санчиладики, ихтиёрсиз қўлни силтаб, тиззасига уради. Ҳатто бутун кайфи бузилиб, ўрнидан туриб кетади. Қайтиб эшитгиси ҳам келмайди. Шундай ғалат ўқилишлардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз:

Навоий ғазалида: «Туш — тушидан тишлабон парканд — парканд айлангиз; мисраидаги «туш-туш» сўзи «тўш-тўш» деб ўқилади.

Бобир ғазалида: «Чоҳи зақан зиндонидур» мисраидаги «зақан» сўзи «закан» ўқилади.

Огаҳий ғазалида: «Бошимга ёққан ғам тошин» мисраидаги «ғам тошин» сўзи «ғам тоши» деб хато ўқилади.

Комил Хоразмий ғазалидаги:

Эрур қўзимга гўл — ўт, сарф — ўқ чаман ичра
Нединики қадду юзингдур менинг гулистоним,
деган байтини бузиб:

Эрур қўзимга гўл — ўт, сарф рух чаман ичра
Қадинг ниҳолига андин бўлур гулистоним,
деб ўқийдилар.

Юсуф Сарёмий байтида:

«Юзингни равзада насрин хаёл айласа кам»

мисраидаги «кам» сўзини «ким» ўқийдилар ва ҳ.к. Мунис, Фузулий, Муқими, Фурқат, Нодира ва бошқа шоирларнинг ғазалларидан айтиладиган ашуалаларда ҳам шу хилдаги бузиб ўқилишлар тез-тез эшитилади. Бу хатолар зоҳирлан, кўринишда арзимагандек бўлиб туюлса ҳам, лекин байт маъносига эътибор берилса, жиддий хатодан бошқа нарса эмас.

Огаҳийнинг

«Бошимга ёққан ғам тошин мингдан бирича бўлмағай,
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устин»

деган байтини таҳлил қилиб кўрайлик. Бу байтнинг шоир назарда тутган маъноси шундай: Агар фалак Фарҳоднинг бошига минг бесутун тогини ёғдирса, менинг бошимга ёққан ғам тошининг мингдан бирича ҳам бўлмайди, деб ўзининг бошига ёққан ғам тошининг кўплигини ироқ (мубоблаға) санъатида «ғулу» номли энг юқори лоғ билан инфода қилган. Агар «ғам тошин» бўлмай, «ғам тоши» бўлса, бу маънонинг тескариси бўлиб, шоирнинг бошига ёққан ғам тоши Фарҳодницидан озлиги тушунилади. Шуниси таажжубки, бу сўз баъзи эски қўлэзмаларда ҳам шундай хато ёзилган.

Юсуф Сарёмий байтидаги хатони ҳам мулоҳаза қилиб кўрайлик: Шоир:

Юзингни равзада насрин хаёл айласа кам,
Латофатингни Ирам боғида пари деса оз,—

деб севгили юзининг гўзаллигини гулдан ортиқ, латиф ва нозиликлигини паридан зиёда деб таъриф қиласди. Ғазалда қоғия учун келтирилган сўз «оз» бўлгани учун, биринчи мисрада бу сўзга маънодош бўлган «кам» сўзини келтириб, икки мисрани фоят мустаҳкам муносабат боғлайди. Энди сиз, шоир айтган «кам» сўзининг ўрнига «ким» сўзини қўйиб, байт маъносини ўйлаб кўринг.

Шунингдек, шеърда изофа ва боғловчи ўринларини алмаштириш ҳам жиддий хатолар сирасига киради. Масалан, Ҳабибийнинг «Етилар мақсадга ёру ошино меҳнат билан», деган мисраида «ёру ошино» деб ўқилиши лозим бўлган жумлада боғловчи «у» ни «и» деб, изофа ўрнида «ёри ошино» деб ўқийдилар. Ашулачиларимизда шу хил хатолар айниқса кўп учрайди. Яна шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бирор ҳофиз-

бундан тўрт-беш аср илгари ўтган композиторларимизнинг қора чироқда ўтириб, кўп диққат билан ихтиро қилган куйларини бирор ғазалга боғлар эканлар, ғазалнинг равон, мазмундор ва таъсирчанлигини назарда тутишлари керак. Акс ҳолда унга боғланган куй, овоз ва сарф бўлган меҳнат ҳайф ва исрофдир. Бунда мазмунни юзаки, чалкаш, бемаза ғазалларга куй боғлаш, хусусан классик мақомлар куйидаги айтиш тўғри эмас. Буни ҳофизларимиз яхши билишлари зарур. Шундай ғазаллардан бири: «Кел э, маҳбуби матлубим, сени ёшинг ҳазор ўлсун», деб бошланиб, охирига Навоий тахаллуси келтирилган ғазалдир. Бу ғазалга энг яхши ҳофизларимиздан Орифхон Хатамов, Ҳакимжон Файзиев, Расулқори Мамадалиев, Таваккал Қодировлар «Хоразм насрулоси»ни боғлаб айтадилар. Афсус, афсус, ҳайф куй, ҳайф овоз, ҳайф музика! Бу ғазални Алишер Навоий қаламига нисбат бериш мутлақо нотўғридир. Бунда на баднийлик ва на санъат, ҳатто шеър биносининг устуни бўлган маъни ҳам йўқ. Бу ғазалнинг бошидаги:

Кел э маҳбуби матлубим, сени ёшинг ҳазор ўлсун,
Ниқоб очгин кўрай юзинг, жамолинг барқарор ўлсун,

деган матлаини ҳисобга олмаганда, бошдан оёқ, Навоий тили билан айтганда, «номарбуд ҳазаён».

Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.

деб қаттиқ танқид қилган шеърлар мана шундай ғазаллардир. Фикримизча, бу шеър бирор нодон котиб томонидан тўқилиб, Навоий ғазалларига аралаштириб юборилган.

Алишер Навоий бутун ҳаётини сўз санъатига бахш этган, сўз майдонида Низомий, Хисравлар панжасига панжа солиб шуҳрат қозонган. Шундай улуг шоиримизга бундай бемазни, бемаза адиллар сатридан чиқариб ташланган сўзлардан тузилган сафсатанинг грампластинкаларга ёзилиши, радио ходимлари томонидан «сўз Навоийники» деб эълон қилиниши катта тушунмовчилик, зўр хато бўлган. Хусусан, хушхон ҳофизларимиз томонидан «Ба туркий сўзласам путинг Навоий бекарор ўлсун» деб жаҳонга жар солиниши Алишер Навоий ҳақига ҳақорат эмасми? Сўз-маъни деб нафсоний лаззатлардан кечган улуг сиймони бир гўзалнинг оёғига бекарор бўлсин дейиш зўр туҳмат эмасми? Бу хатолар, албатта, тушунмовчилик орқасида юз бергандир. Бу хатоларни ўз вақтида огоҳлантиргмаганлигимиз эса, биз адабиётшунос олимларнинг камчилигимиздир.

Анисий

ДРАМАТИК АСАРДА МОНОЛОГ

Монолог драматик асарда тоғани таъсирли очишда, персонажларнинг ички дунёсини, характерини, уларнинг индивидуал томонларини чуқурроқ ёритишда муҳим ўрин тутади. Монолог саҳна асарида ҳамма вакт драматик ҳаракат ва характер мантиқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, айниқса, ички ҳаракатни чуқурлаштириш дамларида алоҳида эстетик моҳият касб этади.

Асар қаҳрамони монологни барча кўринишларда айтивермайди. У монологга зарурият туғилсагина мурожаат қиласиди. Персонажларининг кескин кураши қаҳрамонни шундай вазиятга соладики, у ўз қалби билан сўзлашиб, бўлиб ўтган воқеаларга муносабатини, келажакда қандай позиция тутишликни монолог воситасида ифода этади. Бун-

дай пайтда қаҳрамон китобхон-томушабинга ёки ўзига мурожаат этади, ҳозирги ҳолатдаги қалтис вазиятни бартараф этиш йўлларини ахтарди, айни замонда харакетрининг, ички дунёсининг маълум қирраларини ёритади.

Кўпчилик ҳолларда қаҳрамон монологи асарнинг бурилиш дақиқаларида, конфликтнинг кульминация моментларида ишлатилади ва асарда драматизмни таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Драматик асарлар баъзан қаҳрамоннинг монологи билан бошланади. Бунда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тарихи, боиси ёки чигаллиги монолог мазмунидан тасаввуримизда яққол гавдаланади. Айни чоғда шу монологдан сўнг саҳнага персонажлардан бирининг кириб келиши учун замин яратилади. Айрим монологларнинг эса асар ўрталарида келиши ёки пьеса монолог билан якунланиши ҳам мумкин.

Ички монолог фоят таъсири бўлади. Қаҳрамоннинг ички дунёсида, психологиясида содир бўлаётган кураш — кечинманинг нозик қирраларини китобхон-томушабин чуқур ҳис этади. Саҳна асари талаби ва драматизм моҳияти кейин айтиладиган монологнинг олдингисидан зўр бўлишини тақозо этади. Шундай бўлгач, драматург асар гоёсига, персонаж характерига мувофиқ унинг ички дунёсини очиш динамикаси асосида, конфликт тараққиётига қараб монологларни бериши ва тобора кучайтира бориши лозим. Монологларнинг кўринишдан-кўринишга, пардадан-пардага ўтишда ўтиклишиб, чуқурлашиб бориши конфликтни кучайтириб боришга, уни изчил кескинлаштиришга боғлиқ. Бу ҳол монологнинг асардаги фоя, мақсад ҳамда унинг ҳаётий замини бўлган конфликт ва бошқа воситалар билан қаттиқ боғланганлигини кўрсатади.

Ўзбек драматурглари ҳам жаҳон драматургиясининг монолог ишлатиш борасидаги тажриба ва маҳоратларидан ижодий ўрганиб, ўз асарларида бу саҳнавий ифода воситасидан эстетик таъсиричаликни оширишда, драматизмни таъминлашда, персонажларнинг ички дунёсини, характерини чуқурроқ очишда унумли фойдаланмоқдалар. Монолог тузиш маҳорати жиҳатидан биринчи ўзбек совет драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижоди материалга бойлиги, монологларнинг ҳаётийлиги, таъсиричалиги, ибратли томонлари билан диққатимизни ўзига жалб қиласди.

Ҳамза «Бой или хизматчи» драмасида персонажларнинг монологларига айниқса кенг ўрин беради. Автор ҳар бир персонажнинг характеридан, конкрет моментдаги ички ҳолатидан, вазият ва шароитдан келиб чиққани ҳолда уларнинг ўзига хос сифатларини, индивидуал томонларини таъсири очишда монологлардан усталик билан фойдаланади. Пъесадаги персонажларнинг кўпчилиги монолог билан таъминланган. Бу эса асарнинг саҳнавийлигини, драматизмни таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Ҳамза Ҳакимзода бу асарда социал қарама-қаршиликларни индивидуаллашган характерлар фаолиятида, уларнинг ўз мақсадларига узлуксиз интилиши ва кескин курашлари процессида кўрсатар экан, монологдан жуда ўринли фойдаланди. Драматург бош қаҳрамон Фоғирга биринчи пардада монолог бермайди, чунки бунга ҳаётёж сезилмайди. Чунки биз уни биринчи пардада камгап, итоаткор хизматчидай қабул қиласди. Солиҳбойнинг Жамилага уйланишга интилиши ва бу ўйлдаги кураши Фоғир ва Жамиланинг кескин қаршилигига дуч келади. Шу билан конфликт мустаҳкам тугилади, драма кескинлаша бошлайди. Ниҳоят, Фоғирнинг ички дунёсида туғён урувчи кечинмалари, ички ҳаракати монолог тарзида давом этиб, тоқати тоқ бўлган хизматчининг пок қалбини, мардона табиатини очади, золимлар кирдикорларини фош қилишга қатъий бел боғлаган курашчи эканини

намойиш этади. «Фофирилар? Сўзларингдан қайт! Бўлмаса ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинимайман, халққа арз қиласман, халқса! Бутун фиску фасодларингни, қилган бузуқчилик, порахўрлик, ноҳақ қон тўкканларингни, менинг хотинимни тортиб олмоқчи бўлганларинги айтиб, дод дейман, бошимга одам тўплаб, favго кўтараман, шармандаларингни чиқараман»¹.

Фофирининг бу қисқа, халқчил, чуқур мазмунли монологи давр руҳига айбномадек жаранглайди. Монологда Фофирининг ўз виждонини, орномусини бардош билан, изчил ҳимоя қила боргани ҳам, бой ва руҳонийларнинг кирдикорлари туфайли руҳий изтиробларни, оғир драмани бошдан кечиргани ўз аксини топди. Фофирининг мана шу монологи дақиқаларидаги ички туғён, золимларга қаҳру ғазаб ўти ўзининг кульминацион нуқтасига чиқади. У қайнаб тошади, золимларнинг ифлос афти башараларини, чиркин ахлоқини очиб ташлайди. Шу монолог орқали давринг реакцион руҳи, зулмкорлиги, камбагал меҳнаткашларнинг фожиали аҳволи кўз олдимизда яққол гавдаланади. Элликбоши, имом, қози сингари газандалар Фофиридан хотинини тортиб олишда бойнинг манфаатига хизмат қилишлари, макр-ҳийлалари, разилона тадбирлари билан Фофири қалбини тобора аллангалатиб юборади.

Унинг халқни золимларга қарши курашишга чақириши кейинги саҳналарда янада юқори чўққига чиқади, асар персонажларининг деярли ҳаммасини кураш аренасига олиб чиқади, бош ҳаракатнинг тўхтосиз олға томон тезлик билан бориши қизиқтирувчанликни оширади, монологлар ҳам шу кайфиятга мувофиқ, шиддаткор, жарангдор руҳ олади.

Томошибин Фофирининг бойга қуллик қила бериб, охири озор топгани ва азоб-уқубатга дуч келгани тўғрисидаги монологини тинглаб, у билан бирга кечинади, золимларга эса нафрат тешини отади. Драматург Фофири воқеалар давомида ўстириб, кўзини очиб борганини, ўз ор-номуси учун фаол курашганини келтирилган монологида ҳам акс эттиради. Бу ғазабнок, ёлқинли сўзларни Фофиридан бошқа шу асар персонажларидан биронтасига бериш мумкин эмас. Қиличдай кескир, яшиндай тез, момақалдироқдай даҳшатли бу наъравор сўзлар асар қаҳрамонларидан Фофирининг мард характеригагина хос бўлиб, унинг сўзлари воқеа ривожига кўра монологма-монолог, саҳнама-саҳна ўтирилашиб, кучайиб, шиддатли тус олаверади. Айниқса, учинчи пардаги Фофирининг катта монологида золимлар халқнинг қонини сўраётган зулуклар эканлиги қаттиқ ва аёвсиз фош қилинади. Бу монолог қаҳрамон характери ривожининг янги паллага кўтарилилганлигини кўрсатиш томони билан ҳам характерлидир.

Фофирининг кўпчилик олдидаги айтган оташин монологи унинг ҳақиқатан курашда чиниққанидан, эксплуататор синф вакиллари тугатилмагунча халқнинг қон-зардоб ютаверишини чуқур идрок этганидан далолат беради. Унинг «Ёлғон! Улар менинг дўстларим! Бу жабр-жафоларнинг охири борми? Мен қон ютган, қон қусган халқ номидан гапираман! Ҳақиқат борми сизларда?» каби сўзлардан иборат социал мазмундор монологини эсланг. Фофирининг қалбни ларзага солувчи шу монологи китобхон-томушибин онгидаги мустаҳкам ўрнашиб олади, бойларга қарши ғазаб ва нафратни аллангалантиради.

Жамила билан Фофирининг адолатсизликка қарши курашлари, ўз виждони, ор-номусини сўнгги нафасларигача мардана туриб ҳимоя қилишларини бадий ифодалаган драматик ҳаракат ва конфликтнинг ри-

¹ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Асарлар, иккى томлик, 2-том, Уззадабий-нашр, Тошкент, 1960, 68-бет.

вожи ўз ўрни ва меъёрига кўра монологга ўсиб киради. Золим бойнинг Жамила илинжидаги хатти-ҳаракатига Жамила ва Фофириларнинг қаршилик кўрсатиши ва зарба беришини акс эттирган таъсирили монологлар орасида Жамиланинг сўнгги жон бериш моментидаги қисқа монологи ҳам эксплуатация қўйувчиларга қарши беомон курашга чақириши, яъни бойларнинг замонасига ўт қўйишга, халқни революцион курашга ундаши томондан жуда характерли. Чуқур оптимизм билан сугорилган Жамиланинг бу монологида конкрет давр руҳи ўзининг ёрқин ифодасини топади, образ характерини ёрқин гавдалантиради. Шу монолог билан асар ҳам якунланади: Жамиланинг тасаввурода Фофири гавдаланади, у хаёлан Фофири билан бирга бўлади: «Ж а м и л а . Фофирижон! Унутма мен! Болангни ўлдирган, хотинингни ҳазон қилган бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер! Замонасига ўт қўй, ёндири! Фофирижон!.. Фофирижон!.. »² Драматург Жамиланинг ўлими олдидан берган бу қисқа монологда катта эффектга, таъсиричанинка эришган. Зотан бу ерда узундан-узоқ монолог айтишга ҳожат йўқ. Негаки, қаҳрамоннинг жони бевақт узилиш олдида! Ўз муҳаббатига содиқ бўлган Жамила тилидан айтилган бу ҳаяжонли, оташин монолог китобхонга унинг ёрқин ва мардона қиёфасини тўла гавдалантириб беради.

Бу монологда драматург қаҳрамон тилини усталик билан индивидуаллаштириб ҳам берган. Бунда қаҳрамоннинг сўзларинигина эшитиб қолмай, унинг сўзлаётган моментдаги ички ҳолатини, кечинмасини ҳам чуқур тасаввур қиласиз.

Жамиланинг шу монологи орқали асарнинг бошидан то охиригача бўлиб ўтган воқеалар кўз олдимишга келади. Унинг ўлимига боис бўлган золимлар замонасига нафратимиз тўлиб-тошади.

Фофири ва Жамиланинг монологларида драматик компонентнинг бу элементи ҳам характерларни, қаҳрамонлар сиймосини ёрқин гавдалантиришга хизмат қилганини кўрамиз.

Ўзбек совет драматурглари энг яхши асарларида Ҳамза Ҳакимзода драмаларидаги монолог яратиш маҳоратини тараққий эттиридилар. К. Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» драмасидаги Ҳамза монологлари К. Яшиннинг деярли барча саҳна асарларидағи қаҳрамонлар монологлари каби таъсирили бўлиб, персонажларнинг ички дунёсини, характерини чуқурроқ очишида муҳим ўрин тутади.

Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» тарихий драмасида асар қаҳрамонлари монологларининг ҳаққоний ва таъсиричанилиги кўзга яққол ташланиб туради. Драматург Муқаннанинг оташин монологларига айниқса кенг ўрин беради. Уйғун ва Иzzат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида Навоий тилидан айтиладиган монологлар драматик ҳаракатнинг ривожига таъсири кўрсатиш, характернинг муҳим қирраларини ёрқин гавдалантириш жиҳатларидан диққатга сазовордир.

Мақсад Шайхзода «Мирзо Улуғбек» шеърий драмасида персонажларнинг ички дунёсини, характерини чуқур очувчи ички монологлар билан таъминлаб, уларни асар ғоясининг таъсирили очилишига хизмат қилидира олган. Улуғбекнинг фалсафий мазмунига бой монологлари Абдулатифнинг тужу тахтни эгаллаш борасидаги якка нутқлари орқали уларнинг ички дунёси, характери индивидул хислатлари атрофлича очишлиди.

Сарвар Азимов «Қонли сароб» драмасининг прологида ва асар сўнгидаги персонажларнинг характерини чуқур очувчи монологларни усталик билан ишлатади.

«Гамлет», «Отелло», «Момақалдироқ», «Борис Годунов», «Бой ила

² Уша китоб. 100-бет.

хизматчи», «Алишер Навоий», «Улуғбек», «Муқанна» каби драмалардаги бош қаҳрамонлар томонидан айтилган монологлар китобхон-томушабиннинг қалбини асир қилиб олиши, уни фикр юритишга, ўйлашга, керакли хулоса чиқаришга мажбур этиши, эстетик завқ бериши билан ибрат бўларлиди.

Келтирилган асарлардаги қаҳрамонлар монологларининг бир сатрини ҳам қисқартириш мумкин эмас, агарда биронта жумла олиб ташланса, монологнинг мазмунига путур етади.

Бироқ айрим драматурглар монологларни ўз асарларида қўллашга қўллайдилар-ку, лекин бу воситалар қаҳрамоннинг ички дунёсини, характеристикини, асар ғоясини очишига хизмат қилмайди, улардаги баъзи монологлар қисқартириб юборилса ҳам, асар бундан ютқизмайди.

Масалан, драматург Туйғуннинг «Мұҳаббат» драмасидаги бош қаҳрамон Равшанинг монологи кишини ишонтирмайди, персонажга хос характеристли хусусиятларни очишига хизмат этмайди.

Н. Сафаров ва Зиё Сайднинг «Тарих тилга кирди» драмасидаги Бадрий образи, умуман асар каби, муваффақиятли чиққанига қарамай, унинг ўлими олдидан «менинг қилмишім ва жирканч ашларимни, қотиллигини кўхна тарих билсин» деб ўзини фош этувчи монологи ҳаётий бўлмай, унинг характеристикини мантиқидан, ички кечинмасидан бадиий ўсиб чиқмайди. У ўзини осонликча фош этадики, бунда реалик етишмайди. Бадрийнинг уста ва маккор ички душман образи бўлиб гавдаланишига путур етказади.

Кейинги вақтларда ҳам айрим драматургларимизнинг ўз асарларида персонажларнинг монологларига, бу воситанинг эстетик хусусиятига жиiddий эътибор бермаётганликлари яққол сезилиб бормоқда.

Драматург монолог яратишдан аввал қаҳрамоннинг ҳолатига обдан кириши, қаҳрамон характеристи, ситуация талаб қилган пайтда монологни киритиши, меъёрни унутмаслиги, ҳаётга мувофиқлиги, саҳнага мослигини назарда тутиши талаб этилади.

Хуллас, монолог драма жанрига хос ифода воситаси сифатида ҳақиқий маҳорат меваси бўлиб майдонга келсагина, ўз ғоявий-эстетик вазифасини ўтайди олади.

М. Исроилов

А. ҚАҲХОРНИНГ «САРОБ» УСТИДАГИ ИЖОДИЙ МЕҲНАТИГА ДОИР

Ҳар қандай, катта санъаткор сингари Абдулла Қаҳдор ижодининг «сир»ларидан бири ёзувчининг катта меҳнаткаш эканлигига, ўз асарлари устида қунт билан ишлаганида, унинг нашр этилиши ёки саҳналаштирилиши билан ўз ишни тутаган деб ҳисобламаганида бўлган. Ёзувчининг повесть ва ҳикоялари, пьеса ва романларининг турли нашрларини солишириш шундай хулосага келишга асос беради.

Ёзувчининг совет адабиёти тарихида сезиларни из қолдирган «Қўшчинор чироқлари» ва «Сароб» романлари ҳамда «Шоҳи сўзана» пьесаси икки вариантлидир. Бу асарларга киритилган ўзгартишлар, хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, улар ёзувчининг ғоявий-бадиий принциплари янада аниқлашганини, маҳоратининг ошганини кўрсатади.

Асар варианларини солишириб ўрганиш ёзувчи лабораториясига кириш, маҳорати «сир»ларини ўрганиш имконини беради. Қолаверса, асар варианларини ўрганиш ёзувчининг адабий жамоатчилик фикрига чуқур ҳурмат билан қараганидан ҳам дарак беради.

«Сароб» романнада ҳам шу ҳол кўзга ташланади. Бу роман мураккаб, ўз даврида катта шов-шувга, мунозара ва мулоҳазаларга сабаб-

бўлган асар. Шундай бўлиши, маълум даражада, табиий ҳол. Бу роман ўзбек адабиётида замонавий темада ёзилган биринчи илк асарлардан эди. 1930—1934 йилларда ёзилган бу асар 1937 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилади. 50-йилларга келиб ёзувчи бу романга яна қайтади ва асарнинг янги вариантини нашр этади.

Ўз даврида роман атрофида бўлган гаплар, асосан, Саидий образи билан боғлиқ эди. Романинг охирги нашри ҳам авторнинг асар ғояси ни ўзида мужассамлантирган бош образ — Саидий устида ишлаганини кўрсатади. Саидий — мураккаб, турли қарама-қаршиликлар билан тўла бир шахс. Ёзувчи бу шахсни ўқувчига яқиндан кўрсатмоқчи бўлади. Тарих оқимига қарши отланган ва тарих фиддираклари остида қолиб мажақланган шахс фожиасини бутун илдизи билан кўрсатишга ҳарарат қиласди.

Саидий доим фикрлаш, ўйлаш, ўз-ўзини анализ қилиш ҳолатида бўлади. У қиласётган ишларининг, ҳаракатларининг, гапираётган гапларини нотўғрилгини билиб туради ва доим ўзини оқлаш ва шунга ўзини ишонтириш ўйларини қидиради. Бу образнинг фожиаси ҳам шунда бўлса керак.

Бизнингча, ёзувчи асарнинг дастлабки вариантида Саидийнинг ўзини ўзи психологик анализ қилишига катта ўрин бериши туфайли ўқувчидан унга нисбатан керагидан ортиқ хайриҳоҳлик, ачиниш кайфиятини уйғотган эди. Кейинги нашрда мана шу психологик анализ, жумладан, бўлар-бўлмас нарсалардан ҳижолатланиш ва ўзини оқлашга қаратилган ҳаракатлар ўрнига Саидий образининг моҳиятини очишига кўпроқ эътибор берилган. Бунга турли ўйлар билан эришилган.

Саидий янги орттирган дўстлари маслаҳати билан редакцияга ишга киради. Бу ерда у редакция ходими Барат билан чиқиша олмайди. Кейинги нашрда Барат билан Кенжа образлари қўшилиб кетади. Ёзувчи бу ўринда битта персонажни қисқартириш мақсадинигина кузатмайди, балки бундан Саидийга «тегадиган» фойдани кўзлайди. Ҳаваскор ёзувчи Саидий газета редакциясига қанча асар юбормасин, деч ким унга эътибор бермайди, кимсан ҳам демайди. Биринчи марта уни редакцияга чақириб, унга ёрдам қўлини чўзган, ёзишга илҳомлантирган, ўз кучига ишонтирган Кенжа эди. Мана энди у Кенжа билан бирга ишлар экан, у билан келиша олмайди. Саидий Кенжанинг ўзига нисбатан хайриҳоҳ эканини кўрган эди. Лекин унинг янги дўстлари Кенжани ёмон кўрар эканлар, бу Саидийга ҳам таъсир эта бошлайди. Демак, Баратнинг Кенжа билан «алмаштирилиши» Саидийда рўй бера бошланган ўзгаришини кўрсатишга кўпроқ қўл келади. Бу ўзгариши Кенжа образининг ҳам бирмунча изчил тус олишига имкон беради.

Романинг иккинчи вариантида Саидийнинг ресторонда бўлиши ва муштлашиш воқеаси туширилиб қолдирилган. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, бу эпизод Саидий характерига зид: қанчалик ёмон бўлмасин, муштлашиш даражасига бормайди. Иккинчидан, бу воқеа муносабати билан юз берган «борди-келдилар» жуда бачканалашиб кетган. Ташикилотнинг сиёсий характерини хидалаштирган. Шунинг учун ёзувчи бу эпизоднинг ва унда иштирок этган персонажларнинг баҳридан ўтиб қўя қолган. Бусиз ҳам Саидийнинг ношудлиги, бирор одамни «йўлдан» чиқара олмаслиги етарли далилланган.

Ёзувчи Саидий фожиасини таъкидлашда бир эпизодик образ (Йўлчибой) дан унумли фойдаланган. Саводсиз, сода йигит Йўлчибой янги тузум келтирган имтиёзларнинг туб меҳиятини тўғри тушунгани ҳолда Саидийдек маълумотли, оқ-корорани ажратган йигитнинг шундай хато қилиши унинг аянчли аҳволини етарли далиллайди. Ҳамид билан ресто-

ранда юз берган воқеадан кўра Иўлчибой билан ўтказилган суҳбат Сайдий ҳолатини чуқурроқ таъкидлашга имкон беради.

Шунингдек, иккинчи варианнда Сайдийнинг босмахона комсомол комитетининг секретари Пўлатов билан фикр алмашувлари, Пўлатовнинг «миллӣ озодлик ҳаракати нима»? мавзуидаги фикрлари ҳам қисқартирилган. Чунки бунга катта эҳтиёж йўқ. Бусиз ҳам ўқувчи Пўлатов ҳақида ҳам, Сайдий ҳақида ҳам етарли тасаввурга эга. Ёзувчи ана шундай ортиқча тафсилотлардан таҳрир воситаси билан қутула боради.

Сайдийга нисбатан ниҳоятда хайриҳоҳлик ва ачиниш туйғусини уйғотган омилларнинг асосийси, бизнингча, унинг Мунисхонга бўлган муҳаббатидир. Ёзувчи иккинчи нашрда Мунисхоннинг воқеалар ривожидаги ролини аввалгича қолдирган бўлса ҳам Сайдийнинг унга бўлган муносабатига «таҳрир киритган». Сайдийнинг Мунисхонга бўлган севгиси бир оз бўлса ҳам ўзгармагани ҳолда у энди Мунисхон ҳақида камроқ гапиради. Едингида бўлса, Сайдийнинг идеаллари бирин-кетин емирила бошлагач, у Мунисхон билан ўтказган вақтларини тез-тез эслаб, у билан бирга бўлиш хаёллари билан яшайди. Айниқса Мухторхоннинг қамалиши билан Сайдий кўнглида сўна бошлаган умид жонланади. Мунисхон билан бирга бўлиш истаги уни хавф-хатардан қўрқмайдиган қилиб қўяди. «Мунис мени яна бир марта Раҳимжон, десин, ҳар қанча хавф бўлса кейин кўрарман» деди... Сайдий шу кечаси кўрпага кириб, талай вақтгача ухлай олмади. Ўйлар экан, таажжублана эди: «Нега ўшандай бир хотинни соваман? Нега унга кўл ўётиш учун бутун ташкилотни хавф остида қолдирган ҳодиса — Мухторхоннинг қўлга олиниши ҳам кўзимга кўринмайди? Ё биринчи муҳаббат қалбда шундай чуқур из қолдирармикан?» (358-бет).

Шунга ўхшаш, Сайдий мулоҳазалари иккинчи нашрда таҳрир этилган, ўзгартирилган, қисқартирилган. Чунки Сайдийда уйғонган ҳақиқий инсоний туйғу унинг душманлигини иккинчи планга чиқариб қўйган. Ҳолбуки у ўз foysi йўлида Мунисхон баҳридан ўтадиган бир ҳолда эди. Шунинг учун Сайдийдаги бу кечинмалар таҳрирга муҳтоҷ эди.

Ёзувчи Сайдий билан Сораҳон муносабатларини тасвириловчи саҳифаларга ҳам ўзгартишлар киритган. Бу таҳрир ҳам бевосита Сайдий образи, асар foysi талаби туфайли келиб чиққанини сезиш қийин эмас. Сораҳонда, автор фикрига кўра, бирон яхши томон йўқ. Унинг ҳаётга, оиласа, сиёсатга, Сайдийга, хуллас, ҳамма нарсага қарашида бирор эътиборга сазовор нарса йўқ. Романинг биринчи вариантида руҳан эзилган Сайдийга Сораҳоннинг раҳми келиб уни юпатмоқчи бўлади. Иккинчи нашрда бундай ҳолат йўқ. Чунки Сайдий билан Сораҳон орасидаги муносабатда ҳеч қандай «иссиқлик», «самимилик» бўлмаган. Сораҳон ҳеч вақт Сайдийни тушунмаган, унда рўй бераётган ҳолатга ақли ҳам, фаросати ҳам етмаган. Шундай экан, биринчи нашрдаги тасвиридан Сораҳонда ҳам юрак бор экан-ку, у ҳам одамларга ўхшаб гапирап экан-ку, деган таассурот туғилиши мумкин. Ҳолбуки, бундай ҳол Сораҳон образи мантиқига тамоман ёт.

Биринчи нашрдаги ортиқча ўринлар ҳақида гап борар экан, Сайдийнинг Мунисхонни биринчи марта кўриши эпизодига ҳам тўхтаб ўтиш керак. «У бир дамда шу ёшгача кўрганини, бутун қизларни хаёлидан ўтказди, аммо уларнинг ичиди бу қиз йўқ эди. У гаплашган ёки гаплашишга лозим қилиб муваффақ бўла олмагани қизлар оддий, баъзилари табиатнинг ҳайкалтарошликка нўноқлик вақтида яратилган, ё бўлмаса зотан бежирим бўлса ҳам кейин тарбияда майиб қилинган қизлар эди. Азалдан бежирим яратилиб, кейин ҳам заҳа едирилмаган, ҳатто болдирларида лаънати бешикнинг ҳам изи бўлмаган бундай қизни ҳеч кўрмаган. Унинг ҳуснигина эмас, ёлғиз кийимининг ўзи мўъжиза-ку. Нега

бу унинг номини билади, нега ўзини паст олган товуш билан сўрайди?» Мана шу тасвирдан, кейинги нашрда: йигит ҳайрон эди. «Бунинг ҳуснигина эмас, ҳатто кийған кийими ҳам мўъжиза-ку, нега менинг отимни билади, нега яна ўзини паст олган товуш билан сўрайди?» иборалари гина қолган. Дарҳақиқат, Сайдий Мунисхонни биринчи марта кўргандан унинг хаёлидан шунча мулоҳазалар ўтиши нотабиийроқдек бўлади. Чунки унинг бутун борлиғи шу қизга қаратилган, шунинг учун ҳам мулоҳаза қилиб ўтиришга ўрин ийӯқ эди.

Шундай қилиб, ёзувчи романни қайта нашрга тайёрлар экан, биринчи навбатда, ортиқча эпизодлар ва деталларни қисқартиришга, асар фояси ва образ мантиқи кўтармайдиган ўринисиз тафсилотлардан қутулишга ҳаракат қиласи, «ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларнигина қолдириш» йўлидан боради.

Романинг ҳар иккала варианти юзасидан фикр билдириган танқидчилар ўзида илфорояларни мужассамлаштириш керак бўлган, Сайдийга қарама-қарши қўйилган Эҳсон образи нурсизроқ чиқиб қолганлигини қайд этганлар. Ёзувчи бу образни қайта ишламаган, аммо йўл-йўлакай айrim таҳрир киритган. Чунончи: биринчи нашрда «Эҳсон отаси ўлмасдан бурун мактабдан ҳайдалади» дейилса, кейинги нашрда «Эҳсоннинг отаси босмачилар билан курашда ҳалок бўлди», дейилади. Шунингдек, Эҳсоннинг Москвадаги ҳаётини тасвирловчи Сайдийга юборган мактуби кейинги нашрда туширилган. Бу Эҳсон образининг моҳияти, мантиқий ривожланиши билан bogliқdir.

Абдулла Қаҳҳорнинг иккинчи нашрга киритилган ўзгартишлари, юқорида қайд қилганимиздек, асосан Сайдий образи билан bogliқ. Айниқса асар кульминациясида Сайдийнинг бутун борлиғи — инсонни, кўролмаслиги, одамларга бўлган нафрати очиқ-оидин кўринади. Ёзувчи иккинчи нашрга янги воқеа киритади. Сайдий келаётган поездда баҳтли одамлар бўлса керак, деб поездни фалокатга учратмоқчи бўлади.

Хуллас, А. Қаҳҳорнинг ўз асарларини қайта ишлашидан кузатган мақсади — асар фоясининг кучайиши билан boglanadi. У шу фояни очишга ёрдам бермайдиган ҳамма нарсадан воз кечади, кучайтирилиши мумкин бўлган воқеаларни асарга киритиш устида иш олиб боради. Бу ҳолат ёзувчининг социалистик реализм принципларини тобора чуқурроқ эгаллаб борганини кўрсатади. Ёзувчи ўз маҳоратини ошириш йўлида мана шундай тинмай иш олиб борган.

М. Амилова

МИҚДОР-ДАРАЖА ҲОЛИ

Миқдор-даражада ҳоли ҳозирги ўзбек адабий тилида хилма-хил маъноларни билдиради, шунингдек, ифодаланиши жиҳатдан ҳам турлича.

Проф. А. Н. Кононов¹ ва А. Ф. Фуломов ишларида², педагогика институтининг бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган факультет студенсларига мўлжалланган «Ўзбек тили» дарслигида³ миқдор-даражада ҳолининг ифодаланиши ва маъноси қисқа тарзда баён этилган. «Ўз-

¹ А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 362.

² А. Ф. Фуломов, Содда гап, Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар, УзФА нашриёти, Тошкент, 1955, 82—84-бетлар.

³ М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Узбек тили, Ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти, 1962, 192—193-бетлар.

бек тили дарслиги» (синтаксис)да⁴ эса миқдор-даражада ҳоллари «Равиш ҳоли» номи билан берилган. Мазкур дарслкларда миқдор-даражада ҳолларининг қисқа баён этилишига асосий сабаб уларнинг студент ёки мактаб ўқувчиларининг ёши ва билим савияларини кўзда тутилганлиги, албатта. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китоби⁵да миқдор-даражада ҳолига кенг ўрин берилган. Мазкур китобда бу ҳолнинг миқдор-даражада билдириши, сўнгра унинг ёлғиз сўз ёки кўпинча миқдор-даражада равиши ёки шу маънодаги баъзи сон, олмош, айрим нумератив сўзларга -лаб қўшимчаси қўшилиши билан ҳосил бўлган сўзлар орқали ифодаланиши айтилади. Шунингдек, бу ҳол миқдор ёки даражада билдирувчи сонлар таркибида марта сўзи бўлган биримлар, тақрорланувчи равишилар; отларнинг билан, сифатдошнинг сари кўмакчисига бирини келишидан ифодаланиши тушунтирилади⁶.

Миқдор-даражада ҳоли ҳолнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қиласиди. Миқдор ҳоли, одатда, кесимдан иш-ҳаракатнинг миқдорини, даражасини, шунингдек, иш-ҳаракатнинг ҳажмини, пайт ёки оғирлик миқдори каби маъноларни билдиради. Миқдор-даражада ҳоли:

1. Кучайиш маъносини билдиради. Бундай миқдор-даражада ҳоли кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг ортиқлигини ифода этади. Шунингдек, у иш-ҳаракатнинг кучли даражасини⁷ билдириши мумкин. Бундай ҳолларда миқдор-даражада ҳоли *ниҳоятда, жуда, ғоят, асло, ҳеч, сира, беҳад* каби равишилар билан ифодаланади.

«Ўзбек тили»⁸ китобида миқдор-даражада ҳоли «иш-ҳаракатнинг бажарилишини миқдор ва даражада жиҳатдан аниқлайди» деган умумий таъриф берилади, холос. Ваҳолонки, миқдор-даражада ҳоли даражадан жиҳатдан кучайиш ва кучсизланиш маъноларини билдиради. Миқдор-даражада ҳоли кучайиш маъносини қўйидаги йўллар билан ифода этиши мумкин:

а) тасдиқлаш йўли билан. Бундай миқдор-даражада ҳоли *одатда, жуда, қаттиқ, ниҳоятда, зўрга, нах, ғоят* каби равишилар билан ифодаланиб, улар ўтимли феъл билан ифодаланган кесимга боғланади. Масалан: *Бу сўз Иўлчини жуда қувонтириди* (Ойбек).

б) инкор йўли билан. Мазкур миқдор-даражада ҳолларининг характерли хусусияти шундаки, улар бўлишсиз феъл билан ифодаланган кесимга тобе бўлади. Бундай миқдор-даражада ҳоллари *асло, ҳеч, сира, мутлақо* ва бошқа равишилар билан ифодаланади. Масалан: *Шер Дурротга қараб: «Сен хотиржам бўл, мен сенга мутлақо зарар етказмайман, душманлик қилмайман...»* деди (А. Навоий).

2. Кучсизланиш маъносини билдиради. Бундай миқдор-даражада ҳоллари кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг маъносини кучсиз, кам ёки паст даражада эканлигини билдиради ва улар *аранг, хийла, хиёл, базур, сал* каби равишилар билан ифодаланади: Масалан: *Бу йил колхозимиз шароит ёмон бўлганлиги түфайли планни аранг бажариб олди-да.*

3. Иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги миқдор ҳажмини билдиради. Бундай вақтда миқдор-даражада ҳам *кўп, бир талай, анча, бирмунча, анча-мунча, оз, кам, хийла* каби сўзлар билан ифодаланади.

Масалан: *Саодатни қара, илми ошиб-тошиб ётибди, аммо билим-донлик қилмай, оз сўзлаб, кўп тинглаб турибди* (Иброҳим Раҳим).

⁴ А. К. Боровков, З. Маъруфов, И. Абдуллаев, Т. Шермуҳамедов Узбек тили дарслиги, II қисм, Синтаксис, 7 ва 8-синф учун, «Ўқитувчи» нашриёти, 1965, 38—39-бетлар.

⁵ «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили», II қисм, Синтаксис, УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966.

⁶ Уша китоб, 149—151-бетлар.

⁷ Қаранг: А. Ф. Фуломов, Уша асар, 84-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Уша асар, 192-бет.

⁸ Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Уша асар, 193-бет.

Миқдор-даража ҳоли миқдор ҳажмини билдириши жиҳатидан турли семантик қисмларга ажралиши мүмкин. Чунончи у:

а) кам миқдор кўламини билдиради ва оз, озгина, кам, камкам, андак, жиндакина, камроқ, мўлроқ каби сўзлар билан ифодаланади. Масалан: *Ип боланинг тўниғини маҳкам қисиб, қирқишига сал қолганда бола: — Вой ўлдим! Вой сёғум! — деб дод солди* (С. Айний).

б) юксак, интенсив, такрорий миқдор кўламини билдиради ва бундай ҳолларда тобора, яна, кўп, бир талай, шунингдек, сон ёки миқдор равишларига марта сўзининг бирикни келиши билан ифодаланади. Масалан: *Гул тўғрисида ёзганини кўрганим йўқ, лекин пахта тўғрисида кўп ёзади* (А. Қаҳҳор).

«Рус тили грамматикаси»⁹ миқдор-даражага ҳолининг жой, давр кабилар миқдорини билдириши асослаб ўтилади. Миқдор-даражага ҳолининг миқдор кўламини, давр, жой, оғирлик миқдорини билдириш ҳоллари ҳозирги ўзбек тилида кўплаб учрайди. Қўйида миқдор-даражага ҳолининг ана шу хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз:

4. Маълум жой кенглиги ёки фазо бўйлаб қилинган ҳаракат територияси миқдорини билдиради. Бунда у метр, километр каби масофа, узунлик ўлчовларини, майдон, маълум саҳн ўлчовларини ифода этувчи сон, сон бирикмалари билан ифодаланади. Масалан: *Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ, менга газаб қилмасалар. Юз қадамча настдаман ман жанобингиз ичган жойдан, менинг асло хабарим йўқ сув бетига чиқкан лойдан* (Н. А. Крилов).

5. Давр, пайт миқдорини ҳам билдиради. Бунда иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги давр кўлами ифодаланади ва миқдор-даражага ҳоли минут, оекунд, кун, ой, йил, аср каби хилма-хил вақт ўлчовларини ифода этувчи сўзлар бир нафас, юз йилча, аллақанча, кўп замон каби пайт миқдорини билдирувчи сўз бирикмалари, узоқ, кўп, оз, хиёл, пича, кам каби миқдор билдирувчи равишлар билан ифодаланади. Масалан: *Қозоқ саҳросида умр кўрдим юз куз, юз баҳор* (Жамбил).

6. Вазн миқдорини ҳам билдиради. Бундай ҳолларда миқдор-даражага ҳоли грамм, кило, пуд, тонна, қадоқ каби ўлчов бирликларини билдирган сўзлар билан ифодаланади. Масалан: *Долзарб кунлари колхозимиз атло сортли „оқ олтин“дан 80—100 тонналаб ҳам топшириди* (газета).

7. Қиймат миқдорини билдиради. Қиймат миқдорини билдирган миқдор-даражага ҳоллари, одатда, қиймат миқдорини ифода этувчи сон ва сон бирикмалари билан ифодаланади. Масалан: *Дафтарни икки тишинга олдим.*

8. Бўлинниш, ажратиш ёки тақсимлаш маъноларини билдиради. Масалан: *Бу жой тўқайзор экан; биз анча йўл босиб келганимиз, чарчаб ухлаб қолсан, яхши бўлмас, кечани уч бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлагида пойлоқчилик қиласайлик* („Уч оға-ини ботирлар“ эртаги).

9. Тўплам, уюшма маъносини билдиради. Миқдор-даражага ҳолининг бу тури кишилар уюшмаси, шунингдек, нарса-предметлар тўплами миқдорини билдиради. Масалан: *Нонимиз йўқдир билсанг, озгина сабр қилсанг, балиқни пиширамиз, биргалашиб еярмиз* (Ҳ. Олимжон).

Миқдор-даражага ҳолининг ифодаланиши ҳам хилма-хил. Чунончи:

1. Даражага равишлари билан: *Кўп ўла, оз сўзла* (мақол).

2. Сон бирикмалари, шунингдек от билан: *Қиз йиглабди: «Бўлмаса уч кунга жавоб беринг, қизлар билан боғда сайр этиб ўйнаб олай,*

⁹ «Грамматика русского языка», т. II, Синтаксис, ч. I, Изд-во АН СССР, М., 1960, стр. 589.

кейин сизнинг айтганингиз бўлсин“, — дебди. („Маликаи Ҳуснобод“ эртаги).

3. Баъзан сон ва нумератив сўзларга, миқдор равишига -лаб аффикси қўшилиши билан ясалган сўзлар билан ифодаланади: *Биз кузда ниёз, картошкадан юз килолаб, юз эллик килолаб сотиб оламиз.*

4. Олмошлар билан: *Қанча югурсам-елсан ҳам тезликда бирон ҳужра қўлга кирмади* (С. Айний).

5. *Карра, марта* (*марталаб, мартача, мартадан, марталаб*), қатла сўзларининг баъзан олмошлар ёки миқдор, даража билдирувчи сонларга бирикишидан ташкил топган сўз бирикмалари орқали ифодаланади: *Домла узун таёғини яна бир карра «силаб» чиққандан кейин — Жим!*— деди (С. Айний).

6. Қадар, зиёда, ортиқ кўмакчили конструкциялар билан ифодаланади: *Уч ҳафта қадар* бу ерда яшаб, бой тоғанинг ҳамма юмушларини яхши бажаргани учун бой унга катта ерга чиқиб, пахтада ишлашга буйруқ берган эди (Ойбек).

7. Миқдор-даражада ҳоли бирикма билан ифодаланиши мумкин: *Мен хоҳ ҳафтада бир марта соч олдирай, хоҳ икка ойда бир, бунинг сизга ҳеч бир тегишилиги йўқ* (С. Айний).

А. Пўлатов

МАҶНО КУЧАЙТИРИШНИНГ МОРФОЛОГИК УСУЛИ

Маъно кучайтиришнинг морфологик усули деганда маълум бир сўз формаси, маълум бир морфема ёрдамида маъно кучайтирилиши назарда тутилади.

Маълумки, кучайтириш асосан белгига нисбатан бўлади. Шунга кўра, фақат маъно кучайтириш учун хизмат қиласидиган маҳсус формага, қонуний равишда, сифатларгина (яъни белги билдирадиган сўзларгина) эга бўла олади: *қип-қизил, кўм-кўк* каби. Лекин маъно кучайтириш учун хизмат қиласидиган морфемалар бошқа сўз туркумларида ҳам учрайди.

«Кучлилик» тушунчаси билан «ортиқлик», «кўплик» тушунчалари ўртасида маълум умумийлик бор. Узбек тили фактлари юзасидан олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, кўплик, ортиқлик маъносини ифодалайдиган морфемалар маънони кучайтириш учун ҳам қўллана олади. Кўплик, ортиқлик маъносини ифодаловчи аффикслар эса от ва феъл туркумларида бор: *йигит-йигитлар, силта-силтала* каби. Биз бу мақоламида *-лар* аффикснинг маъно кучайтириш хусусиятлари ҳақидагина тўхтамоқчимиз¹.

-лар аффикси сон тасаввuri билан боғланмаган предметларнинг номига (булар якка ва жуфт предмет номлари, яккалаб санаш мумкин бўлмаган предмет номлари ва абстракт отлардир) пайт, миқдор маъноларини билдирувчи, шулар ҳақидаги сўроқни ифодаловчи айрим сўзларга, от+феъл, феъл+феъл типидаги қўшма феълларга, баъзан равишдошларга қўшилиб, маънони кучайтириш учун хизмат қиласиди.

Отларнинг *-лар* аффикси билан қўлланиб маънони кучайтириши алоҳида хусусиятга эга. *-лар* кўрсаткичи отга қўшилиб маънони кучайтирганда, уни қўшилиб келган отнинг маъносини (предметни) кучай-

¹ А. Ф. Гуломовнинг кўплик категориясига бағишлиланган ишида *-лар* аффикснинг маънони кучайтириш хусусияти ҳақида ҳам гапирилади. Лекин ишида асосий эътибор бу аффикснинг кўплик ифодалаш хусусиятига қаратилган. Қаранг: А. Ф. Гуломов, Узбек тилида кўплик категорияси, Тошкент, 1944.

тираётгандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Отлар (предмет номлари) ўзида даража (степень) тасаввурини кўрсата олмайди. Бинобарин, -лар аффикси отга қўшилган бўлса-да, бошқа бир белгини кучайтиради ёки бунда умуман фикрнинг таъсирчанлиги юзага чиқади: *Ўҳу у суратга менинг кўзим билан қарассангиз эди... Кўзларим қамашиб кетди* (А. Қаҳҳор).

Маънони кучайтириш мақсадида ҳамма отлар ҳам -лар аффиксини қабул қиласвермайди, балки сон тасаввuri билан боғланмаган отлар маънони кучайтириш мақсадида -лар аффиксини қабул қиласди. Булар қўйидагилар:

1. Доимий ўзгармас миқдорий белгига эга бўлган отлар (якка ва жуфт предметларнинг номлари)ни кўпликда қўллашга эҳтиёж бўлмайди. Шунинг учун улар доим бирлик формасида ишлатилавади. Бундай отлар маълум стилистик мақсадга кўра, жумладан, маънони кучайтириб ифодалаш учун -лар билан қўлланади:

а) жуфт предметларнинг номлари (булар асосан киши органларининг номлари)ни: *Кўзларимга шономас эдим. Дунёда шундай чиройли қиз ҳам бўладими* («Эртаклар») каби мисолларда ҳам -лар контекстуал ҳолда маънони кучайтириш учун хизмат қилган.

б) -лар аффикси стилистик мақсадда якка предмет номлари билан ҳам ишлатилади (булар, асосан, киши органларининг номлари). Бунда метафорик тасвир асосий роль ўйнайди. Гапда -лар аффикси билан иштирок этган от ҳам, унинг ҳаракати ҳам кўчма маънода ишлатилади: *Ажаб қилдим,—деди Туробжон тутикаиб,—жигарларинг эзилиб кетсин* (А. Қаҳҳор). Маъно кучайтиришнинг бундай кўриниши жонли тилда, айниқса, аёллар нутқида жуда кўп учрайди. Бу ҳол сўзловчининг кўпинча тингловчига нисбатан турли психик ҳолатидан келиб чиқади: *бошларингни силайин, бўйларингдан ўргилай, тилларинг бунча заҳар* кабилар.

в) доналаб санаш мумкин бўлмаган предмет номлари кўпликда қўлланмайди. Бундай отларга -лар аффикси қўшилар экан, маълум стилистик талаб кўзда тутилган бўлади. Бундай қўллаш, кўпинча, маънони кучайтириш мақсадига қаратилган бўлади². *Бу сўзлар қўрбошига масхара бўлиб туйилди, у оғиздан кўниклар сочди* (А. Қаҳҳор).

Абстракт отлар ҳам кўпликда қўлланмайди. Лекин маъно таъсирчанлиги учун -лар аффиксини олади: *Эй ота, мен жуда кўп азоблар кўрдим* («Эртаклар»).

Конкрет отлар ҳам, агар у миқдор билдирувчи сўз орқали аниқланган бўлса, кўпликда қўлланмайди. Бироқ стилистик мақсадда -лар аффиксини олиши мумкин: *Лекин қўрқоқнинг шаъни минг йилларга етади* (Х. Олимжон).

д) кесим вазифасидаги сўз эмоционал характерда бўлган гапларда ст — эга -лар аффикси билан қўлланиб, эмоционалликни кучайтиради *Тўйлар муборак, эй ёри жоним...* (Кўшиқдан).

е) эмоционал тушунчаларни ифодалайдиган от+феъл типидаги қўшма феълларнинг от компоненти ҳам -лар аффикси билан қўлланганда маъно таъсирчанлигини оширади: *Яримжон, майиб хотиннинг эри бўлганингга куладиган, масхаралайдиган одамга лаънатлар бўлсин* (С. Аҳмад).

2. -лар аффикси от бўлмаган (ва отлашмаган) сўзларга ҳам қўшилиб келади. Бу ҳол юқоридагилардан фарқ қиласди. Мазкур сўзлар белги билдирувчи (кенг маънода) сўзлар бўлганидан даража кўрсатиш хусусиятига эга. Бинобарин, -лар қўшилган сўзнинг ўзидан англашил-

² Бундай ҳолда -лар тур, жинс маъноларини ҳам билдиради.

ган маъно кучайтирилади³. От бўлмаган сўзларга стилистик мақсада -лар аффиксининг қўшилиши тилда маълум даражада чекланган. Бундай қўлланиш фақат пайт, миқдор билдирувчи ва улар ҳақидаги сўроқни ифодаловчи сўзларда, равиш, сон ва баъзан равишдошларда учрайди.

а) кўрсатиш олмошлари (*бу, шу*) дан ҳосил бўлган миқдор равишларига -лар аффикси қўшилганда, айниқса, маънонинг кучайниши аниқ сезилади. Бундай қўлланиш жуда кўп учрайди: *Наҳот, шу увоққина жуссада шунчалар катта, ишониб бўлмас паҳлавон куч яшириниб ётган бўлса* (С. Аҳмад).

б) шунча сўзи ҳақидаги сўроқни билдирувчи қанча сўзи ҳам -лар аффиксини олиб, маънони кучайтириш учун хизмат қиласди. Худди *шунчалар* сўзи ифодалаган маънони англатади. Лекин кесим вазифасида келомаслиги билан ундан фарқ қиласди: *Ортда қолган хотираларга назар солмоқ қанчалар оғир ва кўнгилсиз* (С. Аҳмад).

в) алла элементи билан ҳосил бўлган равишлар ҳам -лар билан қўлланганда, кўпинча интенсив маънога эга бўлади: *Сиз айтган толлар аллақачонлар* кесилиб кетган (Жонли тил).

г) Предметлар ҳақидаги сўроқни билдирувчи *нима* (олмош) сўзи ҳам -лар аффикси билан қўлланишиб, маънони кучайтириш учун хизмат қиласди. Бу сўз от ҳақидаги сўроқни билдирганлиги учун отлардаги сингари гапнинг умумий мазмуни таъсиран бўлади: *Вой, бу одам наималар деялти ўзи?* („Ўзбекистон маданияти“).

д) -лар+ча аффикслари сонлар билан қўлланганда ҳам маъно кучайтирилади⁴. Марасул. Ёзинг. *Мингларча ва юз мингларча озод хотин-қизларимиз...* Бу парчада персонаж (Марасул) «озод хотин-қизлар»нинг фақат тахминий миқдорини кўрсагмоқчи эмас, балки ўз нутқининг дабдабали чиқишига ҳам эришмоқчи.

е) баъзи равишдошларга ҳам -лар аффиксини қўшиб, маънони кучайтириш мумкин: ... *Қарамайлар* қочдане-о («Амир қочди» достонидан)⁵. Бу ҳолни феъл+феъл типидаги қўшма феълларда кўпроқ учратамиз (-лар аффикси равишдош компонентига қўшилади). Мазкўр қўлланиш, асосан жонли тилда, айниқса, хотин-қизлар нутқида кўпроқ ишлатилади ва сўзловчининг турли психик ҳолатидан келиб чиқади: *Ўшадушман қурувлар* киссун (қуриблар кетсин) — Намангандан шевасидан. Шуни ҳам айтиш керакки, -лар маъно кучайтириш учун хизмат қилганда, фонетик ўзгариш содир бўлмайди. Чунончи, -лар бошқа ўринларда -ла тарзида (шевада) ишлатилгани ҳолда, интенсивлик учун ишлатилганда, тўлиқ -лар тарзида талаффуз қилинади. Бу ҳол асосан дикқатнинг -ларга қаратилганлигидан, у орқали маънони кучайтириш кўзда тутилганлигидан далолат беради.

-лар аффикси интенсивлик мақсадида, асосан, юқорида кўрсатилган ўринларда ишлатилади. Тилда мавжуд бўлган бу ҳодисаларни атрофлича ўрганишининг амалий аҳамияти каттадир. Жонли ва ёзма нутқда бу ҳодисадан тўғри фойдаланиш фикрнинг ранг-баранг стилистик бўёқларда берилшишининг бир воситасидир. Бундан ўринли фойдаланиш бадий асарларда автор ёки персонаж тилидан баён этиладиган фикрнинг таъсиранлиги, ифоданинг интенсивлиги каби мақсадларда айниқса зарур-

³ -лар аффикси от бўлмаган сўзларга сон ифодаси учун умуман қўшилмайди.

⁴ Мавжуд грамматикаларда -лар+ча яхлит битта аффикс сифатида изоҳланади ва тахмин билдириши, чама сон ҳосил қилиши ҳақида гапирилади. Бизнингча, бу аффиксин иккни элемент (-лар+ча) сифатида -лар қисми маънони кучайтириш учун, -ча қисми эса тахмин-тengлаштириш маъноларини ифодалаш учун хизмат қиласди, деб қараш тўғрироқ бўлади.

⁵ Мисол А. Ғуломовнинг кўрсатилган асаридан олиниди (31-бет).

дир. Бу ифода усули билан автор ўзи томонидан бериладиган энг нозик маъно товланишларини ҳам китобхонга тўла етказа олиш имконига эришади.

A. Абдуллаев:

АДАБИЙ ТИЛНИНГ ФОНОЛОГИК СИСТЕМАСИННИ СТАТИСТИК ТЕКШИРИШ ҲАҚИДА

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонологик системасини статистик текшириш тилнинг фонематик таркиби жиҳатидан қай даражада сонантлиги (оҳангдорлиги)ни аниқлашга ёрдам беради.

Биз ушбу мақоламизда кўпчилик тилшуносляримиз томонидан қабул қилинган ва мавжуд дарслик, қўлланма ҳамда монографияларда кўрсатилган олти унли фонема: и [i], э [e], а [ə], ў [i], у [o], о [ɔ] ва йигирма беш ундош фонема: п [p], б [v], ф [f], в [v], т [t], д [d], с [s], з [z], ш [ʃ], ж [z̡], ц [c], ҷ [z̡̄], ч [ç], м [t̡], н [n], л [l], р [r], й [j], Ҷ [ç], к [k], г [g], қ [q], ғ [q̡], х [x], ҳ [h] асосида олиб борилган статистик текширишлар натижаси ҳақида маълумот берамиз.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги фонемаларнинг қўлланиш частотасини статистик текшириш учун ҳар хил темаларга оид турлича текстлар (бадиий прозаик текстлар бўйича $N_1=42960$; поэтик текстлар бўйича $N_2=423603$; ижтимоий-сиёсий текстлар бўйича $N_3=43524$; илмий прозаик текстлар бўйича $N_4=43389$) танланди ($\Sigma=172476$).

Юқоридаги танланма ҳажмларига икки сўз оралиги—пробел («Δ») кирмайди¹. Бу танланманинг ҳажми нисбий хато (δ) формуласи асосида аниқланганлиги учун тўла равишда қониқарли баҳоланди, яъни ўзбек тилидаги барча фонемаларнинг («Δ» билан бирга) 94 процентини ташкил этган 30 фонеманинг нисбий хатоси 0,1 дан ошмаганлиги маълум бўлди. Узбек тилида энг кам қўлланган «ц»да $\delta=0,1$ (аниқрофи 0,11596), «ж»да эса $\delta=0,3$ (аниқрофи 0,33333). «Δ»сиз текширишлар эса ўзбек тилидаги барча фонемаларнинг 97 процентини ташкил этган ўттиз фонеманинг нисбий хатоси — $\delta=0,00362 \div 0,10776$ ва энг кам қўлланган «ж» фонемасининг нисбий хатоси 0,3 дан ҳам ошмаганлигини кўрсатади.

Кўринадики, фонологостатистик текшириш учун олинган танланма ҳажмининг ишончлилик даражаси тўла равишда қониқарлидир. Чунки барча лингво-статистик текширишларда нисбий хатонинг 0,3 дан ошмаслиги шарт қилиб олинган (энг ишончлилик ҳолатида -0,1 дан ошмаслиги керак).

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги фонемаларнинг қўлланиш частотасини (камайиш тартибида) қўйидагича жойлаштирамиз:

Кўйидаги жадвалда келтирилган фонемаларни унли ва ундошлар системасига ажратиб, ўзаро процент нисбатларини солиштирсан. унлилар системаси (ўзбек адабий тилидаги барча фонемаларнинг 19 проценти) умумий текст ҳажмининг 42 процентини, ундошлар системаси (барча фонемаларнинг 81 проценти) эса умумий текст ҳажмининг 58 процентини ташкил этади. Бундан англашиладики, ҳозирги ўзбек адабий тилида фонологик нуқтаи назардан 100 унлига 138 ундош тўғри келади,

¹ «Пробел» билан бирга $N_1=50118$; $N_2=49956$; $N_3=50150$; $N_4=49776$; жами - 200000. «Пробел»ни ҳисобга олишимиздан мақсад ўзбек тилида сўз узунлигининг ўртача миқдори неча фонемадан иборат эканлигини аниқлашадир («Δ» — рус тилидаги «нулевая фонема» маъносига). Қўлимизда тўпланган материал ЭҲМ си ёрдамида турли стиллар бўйича ва умумий ўзбек тилидаги барча фонема биринчиларини ҳимда сўз узунлигини тўла равишда аниқлаш имконини беради.

яъни ўзбек тили учун унли ва ундошларнинг ўзаро миқдорий муносабати $[N_c:N_v=1,38]$ ўзгармас статистик параметдир.

Хозирги ўзбек адабий тили фонематик тузилишининг характерли хусусиятларидан бири бошқа кўпгина тиллардаги каби ундошларнинг унлиларга нисбатан текстда (нутқда) кўп қўлланишидир.

Фонемалар частотаси²

Фонемалар	Абсолют частотаси		Нисбий частота P		Фонемалар	Абсолют частота F		Нисбий частота P		
	„Δ*“ билан бирга		„Δ*“ сиз			„Δ*“ билан бирга		„Δ*“ билан бирга		
	„Δ*“ билан бирга	„Δ*“ сиз	„Δ*“ билан бирга	„Δ*“ сиз		„Δ*“ билан бирга	„Δ*“ сиз	„Δ*“ билан бирга	„Δ*“ сиз	
а	27524	0,137620			қ	4267	4267	0,021335	0,02473967	
и	26368	0,131840	0,15287924		ғ	3974	3974	0,019870	0,02304089	
и	23285	0,116425	0,13500429		ў	3300	3300	0,016500	0,01913310	
и	10815	0,054075	0,06270438		ш	3106	3106	0,015530	0,01800830	
л	10543	0,052715	0,06112735		з	2842	2845	0,014210	0,01647765	
р ₁	10245	0,051225	0,05939957		ң	2275	2272	0,011375	0,01319024	
о ³	8485	0,042425	0,04919525		ч	2183	2183	0,010915	0,01265683	
т	7226	0,036130	0,04189568		в	2028	2028	0,010140	0,01175816	
д	7006	0,035030	0,04062014		ҳ	1925	1925	0,009625	0,01116097	
у	6046	0,030230	0,03505415		п	1026	1026	0,005130	0,00594865	
м	5983	0,029915	0,03468888		ҳ	919	919	0,004595	0,00532828	
б	5939	0,029695	0,03443378		ф	867	867	0,004335	0,00502679	
к	5531	0,027655	0,03206823		ғ	833	833	0,004165	0,00482966	
й	5025	0,025125	0,02913449		ж	814	814	0,004070	0,00471950	
с	4759	0,023795	0,02759224		ц	297	297	0,001485	0,00172198	
е (ә)	4528	0,022640	0,02625293		ж	36	36	0,000180	0,00020872	

Хозирги ўзбек адабий тилида энг кўп қўлланадиган фонема — *а*, бўлиб, у барча унлилар қўлланиш частотасининг 37% ни ташкил этади. Ундан кейин *и* (32%), *о* (12%), *у* (8%), *е* [(ә) 6%], *ў* [5%] унлилари келади. Кўринадики, унлилар системасидаги икки унли фонема (*a*, *и*) барча унлилар қўлланиш частотасининг 69% ини ташкил этади. Ўзбек тилидаги энг кўп қўлланадиган ундош — *н* фонемаси барча ундошлар қўлланиш частотасининг ($\Sigma=100464$) 11% ини ташкил этади; ундан кейин *л*, *р*, (10%); *т*, *ð*, (7%) кабилар келади.

Ўзбек тилидаги сонор ундошлар (*н*, *л*, *р*, *м*, *й*, *и*) умумий текст хажмининг 26% ни, шовқиниллар (*б*, *п*, *в*, *ф*, *ð*, *т*, *ҷ*, *ч*, *ж*, *ш*, *з*, *с*, *г*, *к*, *ғ*, *ҳ*, *қ*, *ҳ*, *ц*) эса умумий текст ҳажмининг 32% ни ташкил этади.

Англашиладики, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги олти унли ва олти сонор (жами 12 сонант)нинг умумий текстдаги салмоғи 68% дир, яъни ўзбек адабий тилини фонематик таркиби жиҳатидан тўла равиша соnantli деб ҳарактерлаш мумкин.

² Абсолют частота фонеманинг (олинган танланма ҳажмида= N) текстда неча марта қайталанишидир. Нисбий частота F нинг N га нисбатидир. Яъни $P = \frac{F}{N}$; \sum эга йигиндидир.

³ „О“ фонемасининг F си 8485 бўлиб, бундан 1202 таси рус-интернационал сўзлари таркибидаги „о“ [*o*] фонемаси билан шаклдошидир. Лекин ўзбек тилидаги „о“ [*ә*] фонемаси рус-интернационал сўзларидаги „о“ дан тубдан фарқланади. Умуман, ўзбек тилида қўлланган рус-интернационал сўзларидаги „о“ фонемаси умумий „о“ фонемаси қўлланиш частотасининг 14% ини ташкил этади; қолган 86% и эса ($F=7283$) ўзбекча сўзлар таркибидадир.

Хозирги ўзбек адабий тилидаги фонемаларнинг текстда («Δ» сиз) қўлланиш частотаси асосида ўзбек тилининг фонематик формуласини қўйидагича тузишмиз мумкин.

$$A_{15}I_{13}(HLP)_6O_5(TDU)_4(MBK\acute{Y}SE(\varnothing)_3(KG\acute{U}SHZ)_2(ЦЧВХПХФ)_1 \\ (F\acute{J}ЦЖ)_{<0.5}$$

Юқоридаги формула асосида фонемаларнинг нутқий оқимда жойлашиш тартибини қўйидагича келтирамиз:

	„Δ“ билан бирга	„Δ“ сиз
Δ		А
А		И
И		Н Л Р
Н Л Р		О
О Т Д		Т Д У
У М Б К Й		М Б К Й С Е (Э)
С Е (Э) К Г Ў Ш		К Г Ў Ш З
З Ч В Х П		Ц Ч В Х П Х Ф
Х Ф F Ж Ц Ж		F Ж Ц Ж

Юқоридагидек тартибда жойлашган фонемаларнинг унлилар системасини алоҳида, ундошлар системасини алоҳида группалаشتариб жойлаштиришимиз фақат шу ўриндагина эмас, ҳатто тилнинг ички функционал стиллари доирасида ҳам мумкин эмас. Чунки қаторлар бўйича унлиларнинг статистик тақсимланиши турличадир (бу ҳақда қўйироқда турли стиллар бўйича келтирилган жойлашиш тартибини солиштиринг)⁴.

Текширилган текстлар асосида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги лаб ундошлари ($F=15843$) барча ундошлар қўлланиш частотасининг 16% ни ташкил этади.

Ўзбек тилидаги 8 та жуфт ундошлар (д—т, б—п, г—к, з—с, в—ф, ғ—х, ж—ч, ж—ш) ичida жарангли ундошлар қўлланиш частотаси ($F=23472$) нинг жарангсиз ундошлар қўлланиш частотаси ($B=25617$)га нисбати — 48:52 (47,815193:52, 184807). Ўзбек тилидаги барча фонемаларга нисбатан қўлланишиш частотасининг нисбати эса — 14:15 (13,608850:14,852500).

Маълумки, ўзбек тилидаги унлилар системаси уч артикуляцион параметр бўйича дифференциялашади. Шундан тил орқа қатор унлилари (у, ў, о)нинг тил олди қатор унлилари [и, е(э), а] га нисбатан қўлланишининг миқдорий муносабати 25:75 (24,761 151:75,238849), лаб иштироқи ҳам ўша нисбатдадир.

Текширилган текстлар асосида кенг унли (*a*, *o*)лар умумий текстнинг 20%ни; тор унли (*u*, *ў*)лар 17%ни; ўрта тор унли [*e*(*э*), *ў*]лар эса 5% ни ташкил этади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг турли стиллари бўйича фонемалар ўзларининг абсолют частоталари асосида нутқий оқимда қўйидагича жойлашади (I си — «Δ» билан бирга, II си — «Δ» сиз):

⁴ Юқоридаги формула ва тартибдаги фонемаларнинг ўзаро статистик муносабатлари ҳақида (мақола ҳажми кўттармаганилиги учун) батафсил тўхттай олмаймиз (бу ҳақда диссертацияда маҳсус тўхталинган). Шуннинг учун бошқа тиллар билан солиширилиши мумкин бўлган баъзи статистик параметрларнингина кўрсатиб ўтамиз.

Бадний прозаик текстлар бўйича Поэтик текстлар бўйича

I.	II.	I.	II.
Д	А	Д	А
А	И	А	И
И	НР	И	Р
НРО	ОЛД	Р	НЛО
ЛД	БТ	НЛО	ДУТБ
БТУМКИЙ	УМКИЙГС(Э)	Д	МИККС
КГС(Э)СЎШ	СЎШЗ	УТБМИЙК	ҮЕ(Э)ГЗШД
ЗЧХЦВПХ	ЧХЦВПХФЖ	КСЎЕ(Э)ГЗ	ЧХВФПХ
ФЖФЦЖ	ФЦЖ	ШЦЧХВФПХ	ЖФЖЦ
		ЖФЖЦ	

Ижтимоий-сиёсий текстлар бўйича Илмий прозаик текстлар бўйича

I.	II.	I.	II.
А	А	АДИ	АИ
Д	И	НЛ	НЛ
И	Л	Р	Р
Л	РН	Т	ТКО
РН	О	КОДУМЕ(Э)БС	ДУМЕ(Э)БСГ
ОТ	ТДМ	ГИКЎ	ЙКЎЧШД
ДМУЙКБ	УЙКБС	ЧШЦЗВХФ	ЗВХФ
СС(Э)КШГ	С(Э)КШГВ	ПЖЦХФЖ	ПЖЦХФЖ
ВЗХЎЦЧХ	ЗХЎЦЧХПЖ		
ПФЦЖЖ	ФФЦЖ		

Тақрибий фонематик формулаалар („Д“ сиз):

1) Бадний прозаик текстлар бўйича

$A_{15}I_{14}(HP)_6(O\bar{L}\bar{D})_5(BT)_4(U\bar{M}\bar{K}\bar{I}\bar{K}G\bar{E}\,(\bar{E}))_3(S\bar{U}\bar{S}\bar{Z})_2(C\bar{X}\bar{C}\bar{V}\bar{P}\bar{J}\bar{X}\bar{F})_1$
 $(\bar{F}\bar{C}\bar{J}\bar{K})_{<0.5}$.

2) Поэтик текстлар бўйича

$A_{15}I_{12}R_7(HLO)_6(DUTB)_4(MIKKS)_3(\bar{U}E(\bar{E})\bar{G}Z\bar{S}\bar{H}\bar{D})_2(C\bar{X}\bar{V}\bar{F}\bar{P}\bar{X})_1$
 $(\bar{J}\bar{F}\bar{J}\bar{C}\bar{Z})_{<0.5}$.

3) Ижтимоий-сиёсий текстлар бўйича.

$A_{16}I_{14}L_7(RN)_6O_5(TDM)_4(U\bar{Y}\bar{K}\bar{B}\bar{C})_3(E\,(\bar{E})\bar{K}\bar{S}\bar{G}\bar{V})_2(Z\bar{X}\bar{U}\bar{C}\bar{X}\bar{P}\bar{J}\bar{K})_1$
 $(\bar{F}\bar{C}\bar{P}\bar{C}\bar{J})_{<0.5}$.

4) Илмий прозаик текстлар бўйича.

$(AI)_5(NL)_7R_6(TKO)_4(DUME\,(\bar{E})\bar{B}\bar{C}\bar{G})_3(\bar{Y}\bar{K}\bar{U}\bar{C}\bar{S})_2(\bar{E}\bar{V}\bar{X}\bar{F})_1(P\bar{J}\bar{C}\bar{X}\bar{F}\bar{J})_{<0.5}$.

Юқоридаги бадний, ижтимоий-сиёсий ва илмий прозаик текстларда N_c нинг N_v га бўлган миқдорий муносабати бир хилдир, яъни 100 унлига 138 ундош [$N_c:N_v = 1,38$] қўлланади. Бу эса ҳозирги ўзбек адабий тилида V ва C ларнинг муносабатидаги (юқоридаги) кўрсаткичнинг барқарор эканлигини тўла равишда тасдиқлайди. Бироқ поэтик текстларда (яъни шеъриятда) $N_c:N_v$ тамоман бошқача кўрини шга эга.

Текширилган поэтик текстлар бўйича шундай натижага келиндики, ўзбек адабий тилидаги б унли фонема умумий текстнинг 40% ини, ундош фонемалар эса умумий текстнинг 60% ини ташкил этади. Абсолют частоталар муносабати ($\Sigma = 42603$ га нисбатан) = $= V_{17243} : C_{25360}$.

Бундан кўринадики, поэтик текстларда 100 унлига 150 ундош қўлланади ($N_c : N_V = 1,50$).

Демак, ўзбек тили материаллари шеъриятда (прозаик текстларга нисбатан) ундошлар кўпроқ процентда қўлланishi ҳақидаги А. Артюшковнинг фикрини қувватлайди⁵.

Кўйидаги жадвалда туристиллар бўйича ўзбек тилининг «фонематик занжир»идаги тил орқа унлиларининг тил олди унлиларига бўлган миқдорий муносабати келтирилган.

Стиллар	Тил орқа унлиларининг тил олди унлиларига нисбати
Поэтик прозаик	26 : 74
Бадний	30 : 70
Ижтимоний-сиёсий	23 : 77
Илмий прозаик	21 : 79
Умуман тил бўйича	25 : 75

Кўринадики, фонологостатистик текширилшларда доимо у ёки бу стилнинг спецификасини албатта эътиборга олиш керак. Шунингдек, фонемаларнинг қўлланиш частотаси жиҳатидан (классификацияси бўйича ҳам) туристилларнинг ўхшаш ўринлари мавжуд бўлади. Бундай ҳолларда, яъни текстларнинг бир хиллигини аниқлаш учун, Смирнов критериясини ёки x^2 ни қўллаш мумкин⁶.

C. Ризаев

ФОРИШ ШЕВАСИДА ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Фориш шеваси ўзининг фонетик ва морфологик хусусиятлари билан, айниқса, феъл майллари, феъл замонлари, феъл тусловчиларининг ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ўзбек шеваларидан фарқ қиласди.

Бу шевадаги ўтган замон феълининг тусланишида уйғур тили ва Наманган шеваларидаги феъллар тусланишига ўхшашлик борлиги диккатга сазовордир.

Масалан, яқин ўтган замон феъли: Мен элдъм (чъқтум), өзун¹ элдън (чъқтун), (о) элдъ (чъқту:); бъ:з элду: к (чъқтук), съллэр элду: нлэр (чъқтунлэр), (олэр) элдъ: (чъқту:).

Қиёсланг: **Наманган шаҳар шевасида:** элдъм, элдън//олдун, элдъ; олду:, элдънә//олду:нә, улә элдълә//ольштъ.

Үйгур тилида: Иәздъм, Иәздън//йәздълә//йәздънъз, йәздъ; Иәздуқ, йәздънлэр, йәздъ².

Осьмоной қишлоғи шевасида эса аффикс таркибидаги унлилар Фориш тўдасига нисбатан ҳам чўзиқроқ талаффуз қилинади: йоз келдъ:йей нега йозъ: келмә:дъ:йей.

⁵ Артюшков, Стиховедение (качественная фоника русского стиха), М., 1927, стр. 98.

⁶ Карап: Структурная типология языков (сборник), М., Изд-во «Наука», 1966, стр. 26—44.

¹ Шевада сен олмоши ўринида өзун олмоши қўлланади.

² Э. Н. Наджип, Современный уйгурский язык, М., 1960, 94-бет.

Узоқ ўтган замон феъли аффикси Форишида: **-ғэн;** Осмонсойда: **-ган//-ғэн,** баъзан **-йэн;** Учмада: **-ған//-ғэн(-йэн** варианти „демоқ“, „емоқ“ каби феълларда учрайди).

Фориш тўдаси: Бўргонмэн//мэн, Бўргонсан, (О) бўргон; **Осмонсой тўдаси:** Бўргонмэн//гўнмэн, Бўргонсан//бўргенсан, (О) бўргон//бўрген; **Учма тўдаси:** Бўрганмо://бўргамо;, Бўргансан, Бўрган. Фориш: Бўргонвъ:з, Бўргансъуллэр, (Олэр) бўргон; Осмонсой: Бўргонвъ:з//бўргенвъ:з, Бўргансъуллэр//бўргенсъз. (Олэр) бўргон//бўрген; Учма: Бўрганмъз, Бўргансъз, Бўрган.

Фориш шевасида узоқ ўтган замонда содир бўлган иш-ҳаракатга сўзловчининг аниқ ва қатъий муносабатини билдириш учун сифатдош ясовчи **-ган** аффиксига **эди** тўлиқсиз феъли, ишончсизлик, эшитилганлик каби муносабатларни билдириш учун **экэн** (адабий тилда **екан**), **умуш** (адабий тилда **эмиси**) тўлиқсиз феъли келтирилади ва феъл тусловчилари қўшилади: Иэзғонъ:дъ:м, Иэзғонъ:дъ:и, Иозғонъ:дъ:; Иэзғонъ:ду:қ, Иэзғонъ:дъ:нлэр, (Олэр) Иэзғонъ:дъ:; Қиёсланг: *Мен съллэрнъ:къ, га қачон борғанәканмэн//борғонәканмон.* *Мен Оосмонсойға борғону:му:шмэн.*

Ўтган замон ҳикоя феъли: Бўропту:мэн (ад. орф. *борибман*), Бўропту:сэн, бўропту:, бўропту:въ:з, бўропту: съллэр, (Олэр) бўропту:. Қиёсланг: *Үйғур тилида: Иезиптимэн, Иезиптисэн, Иезипту:, Иезиптимиз, Иезиптисилэр, Иезипту:*

Ўтган замон ҳикоя феълини шакллантирувчи **б (-иб) эди** дан сўнг тусловчиларнинг қўшилиши қўйидагича: Ке:ль:въ:дъ:м (ад. орф. келиб-эдим), Ке:ль:въ:дъ:и, Ке:ль:въ:дъ:; Ке:ль:въ:ду:қ, Ке:ль:въ:дъ:нлэр, (Олэр) ке:ль:въ:дъ:

Ўтган замон давом феълини ясовчи **-р (ар) эди** Фориш шевасида **-р (-ур) эди** тарзида қўлланилади: Ө:ку:ръ:дъ:м, Ө:ку:ръ:дъ:и, Ө:ку:ръ:дъ:;; Ө:ку:ръ:ду:қ, Ө:ку:ръ:дъ:нлэр, (Олэр) Ө:ку:ръ:дъ:

Осмонсой шевасида **-р (-ар) эди** ўрнида **-ғъч эдъ//ғуч эдъ** кўпроқ қўлланади: *Ҳар кун бозэр бўргъч едъз (ғ:дъ:), этам поэз бўқ-куч:дъ:.*

Ўтган-ҳозирги замон феъли Фориш шевасида **йётғенъ:дъ:** (ад. орф. *ётган эди*) ва **тъ:въ:дъ:;**, **й:тъ:въ:дъ:;** (ад. орф. *ётиб эди*) орқали ҳосил қилинади. Бу феълнинг **-моқда эди** билан шаклланган формаси эса, мазкур шевада кам қўлланади, унинг ўрнида ҳам **ётиб эди** билан ясалган форма қўлланади: Ә:ль:йётғенъ:дъ:м, Ә:ль:йётғенъ:дъ:и, Ә:ль:йётғенъ:дъ:;; Ә:ль:йётғенъ:ду:қ, Ә:ль:йётғенъ:дъ:нлэр, (Олэр) Ә:ль:йётғенъ:дъ: Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:м, Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:и, Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:;; Ә:ль:й:тъ:въ:ду:қ, Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:нлэр, (Олэр) Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:;; Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:;; Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:нлэр, (Олэр) Ә:ль:й:тъ:въ:дъ:;;

Ўтган замон мақсад феълининг **-диган эди** билан ясалган формаси ҳам, **-моқчи эдим** билан ясалган формаси ҳам Фориш шевасида учрайди, **-моқчи** аффикси билан **эди** тўлиқсиз феъли ўртасида й товуши ортирилади: Бўрмәқчъ:йъ:дъ:м, Бўрмәқчъ:йъ:дъ:и, Бўрмәқчъ:йъ:дъ:;; Бўрмәқчъ:йъ:ду:қ, бўрмәқчъ:йъ:дъ:нлэр, (Олэр) бўрмәқчъ:йъ:дъ:

Фориш шевасида ўтган замон мақсад феълининг **-диган эди** билан ясалган формаси **-дуган ғ:дъ://дугэн ғ:дъ:** тарзида қўлланади: Әлә:ду:ғанъ:дъ:м, Әлә:ду:ғанъ:дъ:и, Әлә:ду:ғанъ:дъ:;; Әлә:ду:ғанъ:ду:к// //ду:к, Әлә:ду:ғанъ:дъ:нлэр, (Олэр) Әлә:ду:ғанъ:дъ:;; Ө:қыйду:ғэнъ:дъ:м, Ө:қыйду:ғэнъ:дъ:и, Ө:қыйду:ғэнъ:дъ:;; Ө:қыйду:ғэнъ:дъ:у:к, Ө:қыйду:ғэнъ:дъ:;; Ө:қыйду:ғэнъ:дъ:;;

Ўтган-келаси замон шарт феълининг **-са эди** билан ясалган формаси Фориш шевасида ҳам учрайди ва қўйидагича тусланади:

Бэрсә:мъ:дъ, Бэрсәцъ:дъ:, Бэрсә:йъ:дъ; Бэрсә:йъ:ду:қ, Бэрсәцъ:дъ:нләр, (Оләр) бэрсә:йъ:дъ:

Шунингдек, Фориш шевасида *-са эди* ўрида *-ғандэ йъ:дъ:(-ғанда эди)* формаси ҳам қўлланади. Бу вақтда пайт маъносига нисбатан шарт-истак маъноси кучли бўлади. *Ө келмәдъ:, келгәндэйъ:дъ://кел-са:йъ:дъ:дәрс қъ:ла:ръ:ду:қ.*

Ш. Эгамбердиева

УЗБЕК ШЕВАЛАРИДА ГАП БҮЛАКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ

Узбек диалектолог олимлари томонидан ўзбек шева ва диалектларининг синтаксик хусусиятлари ўрганилмаган деса бўлади.

Шева ва диалектларнинг синтаксик хусусиятларини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Шубҳасиз, у ўзбек адабий тили ва синтаксисининг айrim масалаларига аниқликлар киритади. Шевалар ўзига хос конструкция ва оборотларга эгаки, буларни таҳлил қилиш ўзбек тили тарихи учун ҳам, ҳозирги ўзбек тили учун ҳам қимматли материаллар бериши мумкин¹.

Гап бўлаклари тартибининг ўзгариши жонли сўзлашувда — шева ва диалектларда кўп учрайди. Айниқса эганинг гап бошида эмас, балки охирида, кесимнинг эса гап ўртасида келиш ҳолларини учратамиз.

Бу инверсия ҳодисаси тасодифий ёки гапиурчанинг ҳаётнисизлигидан келиб чиқмаган, албатта. Улар аниқ маънога эга бўлиб, логик урғу билан ажралиб туради. Гап бўлакларининг тартиб ўзгариши сўзловчининг кўзлаган мақсадига боғлиқ².

Бош бўлаклардан эга ўзбек шеваларида ҳам адабий тилдагидек от, олмош, сон, сифатдош, инфинитив билан ифодаланади. От, олмош, сон, сифатдош билан ифодаланган эга адабий тилда кесимдан олдин келса, шеваларда кесимдан сўнг келади.

1. Эга от билан ифодаланганда, Пошшодэн безор болтъ ҳелопъқ (Тошк.). Адабий тилда: Халойиқ подшодан безор бўлибди. Отлар кўплік, эгалик аффиксини олганда ҳам тартиб шу ҳолда бўлади.

2. Эга олмош билан ифодаланганда:

а) кўрсатиш олмоши билан: Дурускинэ-дур дэсом, тозэ дэпсурғәкан-ку (бўшанг) бу. Абадий тилда: Дурусткинадир десам, у тоза бўшанг экан-ку.

б) белгилаш олмоши билан: өдемләри илгәридэн дэ:қончиг минән шугулёнинг кәгән ҳәммәси.

в) кишилик олмоши билан: йэмнәм мә:мәддоңә, одемни өғзийэ чоп олчайтиком бәччә болупсән-дә сән.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, кишилик, кўрсатиш, белгилаш олмошлари билан ифодаланган эга кесимдан сўнг келиб, сўзловчининг мақсади, диққат эътибори шунга қаратилганлигини англатади.

3. Эга сон билан ифодаланганда: ольшъп — ольшъп бир қойъб олды иккови (Қашқадарё).

4. Эга сифатдош билан ифодаланганда: Сәннә(и) ләзимки, униқ қъемә, мунноқ қъ дэп оргётши. Лекин бу ҳол камроқ учрайди.

Шеваларда эга инфинитив ва сифатлардан бўлгандага адабий тил-

¹ В. В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов, Узбек диалектологияси, Тошкент, 1962, 35-бет.

² В. С. Растроғуева, Очерки по таджикской диалектологии, Вып. 2, М., 1952, стр. 176.

дагидек кесимдан олдин — нормал тартибда келади. **Йәхши ошини йер, йомон бошинъ** (Тошкент). **Йомон болмоқ — осон, йәхшъ болмоқ — қәйін** (Тошкент).

Юқорида келтирілган мисоллардан күрінадыки, ўзбек шеваларида эта ва кесим адабий тилдаги тартибга мос эмас.

Иккінчи даражада бўлаклар тартибида ҳам ўзига хослик күрінади. Ўзбек шеваларида воситасиз тўлдирувчилар тартиби қўйидагича:

эга + кесим + вос. тўлд.

екәнг опкеттъ кѣтоппѣ (Тошкент).

аниқ-чи + эга + кесим + вос. сиз тўлд.

Кәттә акаләри алдәшкәнәкән унъ

аниқ-чи + -аниқ-миш + пайт ҳоли + аниқ-чи + кесим + — в. сиз т. Шунинг учун гөрләридән кичә:си чырағ жаңып чыгайканмуш **бомомдъ** (Қашқадарё) ёки аниқ. биримка + эга + равиш ҳоли + кесим + в. сиз тўлд. Кирқ кун деганда Ерджәлолжон коттәръп туръп бър уръпть **деввѣ** (Тошкент). Бу тартиб ўзбек шеваларида жуда кенг тарқалган.

Шеваларда чиқиш келишиги формасидаги сўз билан ифодаланган чегаралаш, ажратиб кўрсатиш маъноларини англатадиган воситали тўлдирувчилар ҳар доим гап охирида келади: **ънәйкън йәнә бър рўмол уздълъэр узумнән** (Қўқон).

Шунингдек, кўмакчили тўлдирувчилар ҳам кўпинча гап охирида келади. Сис саломәли: мисис у киши минән (Китоб).

Лекин шуни қайд қилиш лозимки. ўзбек шеваларида бошқа кўмакчилар (учун, тўғрисида, томонидан) билан келган тўлдирувчилар тартиби адабий тилдагидекдир.

Ҳоллар одатдаги тартибга кўра ўzlари тобе бўлган феъл-кесимдан зиввал келади. Чунки улар шеваларда ҳам адабий тилдагидек кесимни характерлаб ундан олдин келади³: Ҳәлигъ оттъ устъгэ пәхләвондъ мәккәм қъвлъб бәйлоттъ пошио (Қўқон).

Пайт, ўрин ҳоллари нутқ моментини белгилаб гап бошида келади. **Бървәф** пошиш қъхтә сәлләт йивордъ опкелтъргәнъ. Лекин ўзбек шеваларида бу тартибининг бирмунча ўзгариш ҳоллари ҳам учрайди. Яъни ҳоллар эгадан, кесимдан олдин ҳам кейин келиши мумкин.

Равиш ҳоллари кўпинча гап охирида келади: йәнә ошени йәнида ойингэ тушовурупти пирилләп (Қарши).

Баъзан равиш ҳоллари уюшиб келади, Шуйтъп, от кетивургән шувулләп, ўғрәләп (Қарши).

Шева синтаксисида учраган энг характерли факт шундан иборатки, адабий тилда равишдош оборотлар гап ўртасида келса, шевада кесимдан сўнг, гап охирида келади: Чол куллигә деләгә отунгэ чиқәр экән, белигэ экитэ қатирма сәлив элип (Ўш).

Баъзан адабий тилдагидек равишдош оборотлар гап ўртасида ҳам келиши мумкин. Лекин бу ҳолат кам учрайди: әстә соллот кеткән — дәкън, пәноләб барат(ы)та, Розықулвойдъ бәйләб ала:ды босмә:чиләр (Қарши).

Аниқловчи ва кесим тартибида ҳам кесимнинг аниқловчидан олдин келиш ҳоллари характерлидир. Мунъ олъшъп опкөръштълә пошиш олдъега (Қўқон).

Юқоридаги мисоллардан күрінадыки, аниқловчиларнинг бош бўлакларга (кесимга) нисбатан тартиби ўзгарса-да, лекин уларнинг ўзаро

³ А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М. — Л., 1960, стр. 394.

тартиби қатъий равишда сақланиб қолади: аниқловчи + аниқланмиш, ҳәлигъ къшъ, қаратқич + қаралмиш бъзэнъ уйлә каби.

Хулоса қилиб айтганда, текширлган материаллар ҳозирча ўзбек шеваларида гап бўлаклари тартибининг умумий томонларинигина кўрсатади.

Машҳура Туробова

ОМОНИМ ЁРДАМЧИ СҮЗЛАР

Совет тилшунослик фанида мунозарали масалаларни илмий равишда ҳал этишда традицион методлар билан бир қаторда структурал методлардан ҳам ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидланмоқда¹. Шунга кўра, биз ёрдамчи сўзларнинг асосий разрядлари ҳисобланган кўмакчи, боғловчи ва юкламаларни немис тили материаллари базасида дистрибутив² ва компонент³ анализлар асосида қараб чиқдик. Натижада ёрдамчи сўзларнинг юқорида эслатилган разрядлари ҳозирги замон немис тили лугат составида сўзларнинг алоҳида типларини ташкил этиши аниқланди, бинобарин, немис тилида кўмакчи, боғловчи ва юкламалар сўз туркумлари сирасига ҳам, морфемалар сирасига ҳам кира олмаслиги аниқланди.

Ёрдамчи сўзларнинг ҳозирги замон немис тили лугат составида алоҳида группага ажратиш ўз навбатида сўз ясаш усусларидан мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзларга ўтиши ва бунинг натижасида юзага келадиган турли хилдаги омонимлар ҳамда бу омонимлардан кўп маъноли ёрдамчи сўзларни ажратиш масалаларининг ҳам ҳал этилишини тақозоэтади.

Немис тилидаги ёрдамчи сўзларда учрайдиган омонимлар ҳодисасини текимиришда, ундан полисемия ҳодисасини фарқлашда биз фақатгина дистрибутив анализдан фойдаланиб қолмай, балки компонент анализдан фойдаландик. Мисолларни қиёс қилинг:

Klaus Heinrich klopfte sie beide ab, aber das machte nicht vieles gut, denn seine Hände waren ebenfalls grau. (T. Mann, Königliche Hoheit.)

„Wo haben Sie denn diese Sammlung Orden erworben?“... fragte Riedel betont... (W. Bredel, Prüfung.)

Келтирилган мисоллардаги **дenn** биринчи гапда боғловчи бўлса, иккичи гапда у юкламадир. Шунга кўра, **дenn** ни турли маъноларга эга бўлган икки шаклдош сўз — омоним деб қараш керакми? Буни аниқлаш учун уларнинг дистрибуциясини ифодаловчи асосий белгилар билан танишмок зарур.

Сўзларнинг дистрибутив белгилари моддий ва маънавий планда (план выражения, план содержания) намоён бўлади. Моддий пландаги дистрибутив белгилар йиғиндиси ёрдамчи сўзларнинг грамматик маъносини характерласа, маънавий пландаги дистрибутив белгилар уларнинг лексик маъносини характерлаб келади. Шу белгилар муносабатидан келиб чиқадиган фарқ ёрдамчи сўзлар дифференцияциясининг асосий

¹ Қаранг: П. Н. Федосеев, Некоторые вопросы развития советского языкоznания, «Теоретические проблемы современного советского языкоznания», М., 1964, стр. 31—36.

² Қаранг: Г. Глисон, Введение в дескриптивной лингвистики, М., 1959; Ю. Д. Апресян, Идеи и методы современной структурной лингвистики, М., 1966, стр. 49—51; М. Д. Степанова, Взаимопереход частей речи и дистрибутивный анализ, «Иностранные языки в высшей школе», вып. III, М., 1964, стр. 89—95.

³ Қаранг: М. Д. Степанова, Вопросы компонентного анализа в лексике. «Иностранные языки в школе», № 5, 1966, стр. 24—40.

критерийси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан боғловчи **denn** билан юклама **denn** нинг дистрибутив белгиларини тақослаб кўрайлил.

Моддий планда: а) боғловчи **denn** асосан қўшма гап таркибида учраса (юқорида келтирилган биринчи мисолга қаранг), юклама **denn** кўпроқ эмоционалликка эга бўлган содда гапларнинг таркибида учрайди (иккинчи мисолга қаранг); б) боғловчи **denn** асосан қўшма гап компонентларининг бирини иккинчисига боғлаш учун хизмат қилса, юклама **denn** фақат қўшимча маъно бериш учун хизмат қилади.

Маънавий планда: юқоридаги биринчи мисолда боғловчи **denn** нинг семаси⁴ сабабиятни характерласа, иккинчи мисолда юклама **denn** семаси таажжубни характерлаб келади. Демак, немис тили тараққётининг ҳозирги босқичида боғловчи **denn** билан юклама **denn** маънолари ўртасидаги боғлиқлик тамоман узилган. Бу каби шаклдош ёрдамчи сўзларни тўлиқ омонимлар группасига ажратамиз.

Маънавий планда бир ёрдамчи сўзнинг дистрибутив белгилари бир неча семалардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, боғловчи **denn** сабабиятни ифодалаш билан бирга қиёслашни ҳам ифодалashi мумкин. Таққосланг:

Ich gehe nicht mit, denn ich habe noch zu tun. Er leistet mehr als Graphiker denn als Maler. (Wörter und Wendungen.)

Ёрдамчи сўзлар лексик маъноларининг бундай варианглашуви натижасида уларнинг ички валентлиги пайдо бўлади. Бу эса, бир томондан, ёрдамчи сўзлар таркибида иккинчи бир хил омонимлар группасини келтириб чиқарса, иккинчи томондан, полисемантик типдаги ёрдамчи сўзларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳар иккала мисолда ҳам ёрдамчи сўз **denn** бир разрядга, яъни боғловчиларга мансуб бўлиш билан ягона грамматик маънога эга. Лекин унинг лексик маъноси бир эмас, чунки у биринчи гапда «сабаб» семаси билан ва иккинчи гапда «қиёслаш» семаси билан характерланган. Бу иккала сема боғловчи **denn** нинг компонент составида бир иккинчиси билан боғланмаган мустақил семалардир. Шунга кўра, бундай ёрдамчи сўзларни соф лексик (ички) омонимлар группасига ажратамиз.

Ёрдамчи сўзларда омонимларнинг яна бир типи бор. Бу соф грамматик омонимлардир.

Қиёсланг:

*Seit dem vorligen Jahr dient dieser Palast als Hotel. (Neue Zeit.)
Seit der Kolchos da ist, geht unser Leben bergauf. (A. F. Graf. Sprichwörter.)*

Бу мисолларда биринчи гапдаги **seit** сўзи кўмакчи бўлса, иккинчи гапдаги **seit** сўзи боғловчидир. Бундай шаклдош ёрдамчи сўзлар жуфтини соф грамматик омонимлар группасига киритишда, биринчидан, уларнинг шаклдошлигига асослансан, иккинчидан, маъноларининг ҳар хиллигига асосланамиз. Лекин бу ҳар хиллик шаклдош ёрдамчи сўзларнинг маъносисида тўлиқ ҳолда (лексик ҳам грамматик) намоён бўлмай, балки биргина грамматик аспектда мавжуддир. Демак, кўмакчи **seit** билан боғловчи **seit**нинг икки ёрдамчи сўз сифатида мустақиллигини таъминловчи, бинобарин, уларнинг соф грамматик омоним эканлигини исботловчи асосий омил бу сўзларнинг моддий пландаги дистрибутив белгиларидир. Булар қуйидагилар:

1. Кўмакчи **seit** содда гаплар таркибида келса, боғловчи **seit** фақат қўшма гаплар таркибида келади.

⁴ Сема сўзларнинг семантик кўпайтирувчилари (множитель) — вариантларидир.

2. Кўмакчи seit мустақил сўз туркумларидан, асосан, от билан бириска (seit dem Jahr), боғловчи seit эргаш гапларнинг бутун структураси билан бирикади (Seit der Kolchos da ist,...).

3. Кўмакчи seit отнинг бошқа мустақил сўз билан муносабатини билдириб, кўмакчили сўз бирикмасини (dienen seit dem Jahr феъл + кўмакчи + от) ҳосил қилса, боғловчи seit қўшма гап компонентларини боғлаб, пайт эргаш гап тузишида иштирок этади.

4. Кўмакчи seit сўзлар орасидаги боғланишини бошқарув йўли билан амалга оширса, боғловчи seit гап бўлаклари орасидаги боғланишини битишив йўли билан амалга оширади.

Юқорида баён этилган фактларга асосланниб, ёрдамчи сўзларнинг тури разрядлари орасида омонимларнинг асосан икки турини ажратамиз. Булар тўлиқ (лексико-грамматик) ва тўлиқ бўлмаган (ё соф лексик, ё соф грамматик) омонимлардир.

Ёрдамчи сўз омонимлари фақат уларнинг тури разрядлари орасида намоён бўлиб қолмай, балки ёрдамни сўз разрядлари билан мустақил сўз туркумлари орасида ҳам учрайди. Бир қатор шаклдош сўзлар «ёрдамчи сўз—сўз туркуми» комбинациясидаги тўлиқ омонимларнинг иккичи бир кўриниши сифатида алоҳида группани ташкил этади. Бу группага кўмакчи *kraft* ва от *kraft* каби шаклдош сўз жуфтлари киради. Уларнинг грамматик маънолари ҳозирги немис тилида тамоман ажралган. Улар шаклан бир, маънолари эса турлича бўлган сўз жуфтидир. Шунинг учун ҳам биз уларни тўлиқ омонимлар группасига қўшдик.

Ёрдамчи сўзлар билан сўз туркумлари муносабатида биз омонимларнинг яна бир турини ажратамиз. Бу омоформлардир. Бир қатор сўзлар от сўз туркумидан равиш орқали, равиш ясовчи **S** суффиксини сақлагани ҳолда, ёрдамчи сўз разрядларига ўтиб қолган (масалан, mittels, falls). Булар ҳозирги тилда отларнинг бирлик сон, қаратғич келишигидаги формаси билан шаклдоширлар (масалан, des Mittels, des Falls). Мана шундай шаклдош сўзларни биз омоформлар группасига ажратдик. Бундай сўзларнинг бир хили ҳозирги даврда равиш сифатида учрамаса (*anfangs*, zwecks), бошқа бир хиллари равиш сифатида ҳам учрайди (масалан, anfangs, namens).

Sie kannten anfangs nur die Namen ihrer Stämme, ... (C. Köhler. Abriss der dt. Geschichte.)

Бу эса отларни ёрдамчи сўзларга ўтишда равишининг ўрта босқич бўлганданлигини кўрсатади.

C. Султонов

«КАЛИЛА ВА ДИМНА»НИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Қадимги ҳинд адабиётида «Панчтантра» номи билан машҳур бўлган «Калила ва Димна» эрамизнинг III—IV асрларида номаълум автор томонидан тузилган. У дастлаб, муқаддимадан ташқари, беш бобдан иборат бўлган ва шунинг учун ҳам у «Беш (панча) дидактик китоб (тантра)» деб номланган. Кейинчалик яна 12 боб билан тўлдирилган бу китоб жаҳон адабиётининг энг машҳур асарларидан бирига айланган ва ўрта асрларда ёр юзида яшовчи деярли барча халқлар тилига таржима этилган. Асар дидактик характерда бўлгани ва ўз даврида катта тарбиявий аҳамият касб этгани учун ёшлирга турмуш ҳикматлари бўйича қўлланма бўлиб келган.

«Панчтантра» — бу ривоятлар тўплами. Ҳар бир бобнинг қаҳрамони воқеанинг ривожига кўра бирор ривоят айтиб беради. Бу ривоятлар эса панд-насиҳат билан якунланади.

«Панчантантра»да гарчанд умумий равишда бўлса ҳам, инсон туйфуларининг психологияси тадқиқ этилган, дўстлик ва ғаразлик, яхшилик ва ёмонлик, ишонч ва шубҳа, садоқат ва хоинлик каби туйфулар ва тушунчалар таҳлил қилинган. Лекин асарда кўтарилилган масалалар бевосита дидактик услугуб билан эмас, балки мажозий шакл ва воситалар билан ифода этилган. Буни асар қаҳрамонларидан ҳам кўриш мумкин. Асар қаҳрамонлари кишилар эмас, балки Калила (соддадил) ва Димна (кув) деган икки қашқирлар одамларга хос ҳис қилиш ва фикрлаш қобилиятларига ҳам эга.

«Панчантантра» Шарқ ва Фарб адабиётлари тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. У араб, форс, испан, итальян, француз, инглиз ва қатор славян тилларига таржима этилди. 1816 йилда Сильвестр де Саси томонидан «Калила ва Димна» номи билан нашр этилган арабча таржима бу асарнинг бутун дунёда шуҳрат қозонишига сабаб бўлди. Абдулоҳ ибн ал Мукаффо ўз таржимасига ёзган кириш сўзида асарни паҳлавий тилидан таржима қилганини айтади. Форс подшоси Хусрав Нушировоннинг табиби Бурзое қаламига мансуб бўлган паҳлавий тилидаги бу таржима эса ибн ал Мукаффо таржимасидан қариб 20 йил илгари қилинган эди.

«Панчантантра»нинг бу илк таржимасининг тарихи қўйидагича:

Форс подшоси Ҳиндистонда инсон умрини узайтирувчи, сеҳрли кучга эга бўлган ўт-ўлан борлигидан хабар топади. Подшо фармони билан табиб Бурзое шифобахш ўтларни қидириб, Ҳиндистонга йўл олади. У узоқ ва беҳуда қидиришлардан кейин мангуллик шифобахш ўтларда эмас, балки пурҳикмат китобларда эканини тушуниб етади. У гуноҳга ботган кишиларни тўғри йўлга чорловчи ана шундай китоблардан бири — «Панчантантра»ни топади ва уни паҳлавий тилига таржима этади. Бу таржима эса, ўз навбатида, асарнинг бошқа тилларга таржима этилишига туртки беради.

Академик Н. И. Конраднинг текширишларига кўра¹, «Панчантантра»нинг барча таржималари бир-биридан кескин фарқ қиласи; маданий дунёнинг кўргина мамлакатларида тарқалган бу асарни, дейди у, «Панчантантра»нинг таржимаси сифатида эмас, балки турли форма ва варианtlарга эга бўлган ягона адабий асар деб қараш тўғри бўлади. Бу фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, таржимонлар ўз навбатида асарга янги боблар, янги штрих ва деталларни бемалол киритверганлар. Ибн ал Мукаффо эса асарга ўз таржимаси ҳолини ҳам илова қиласан.

Асарнинг ҳар бир таржимаси давр ва мамлакат ҳаётига доир янги деталлар билан бойитилиши билан бирга уларга янги сюжет линиялари киритилган, эски сюжет қирралари қайта кўриб чиқилган. Конфликтлар эса янгила талқинга эга бўлган. Ҳатто қаҳрамонларнинг номлари ҳам турли ўзгаришларга учраган. Шунинг учун ҳам таржима қанчалик кейин қилинган бўлса, у оригиналдан шунчалик узоқда бўлган.

«Калила ва Димна»нинг арабча редакцияларидан бири латинча таржима учун ҳам асос бўлган. Иоанн Капуанский томонидан XIII асрда латинчага ағдарилган бу асар варианти ўз навбатида «Қалила ва Димна»нинг Европа тилларига таржима этилиши учун имкон тудирди. Натижада асар немис, чех, голланд, испан ва дониё тилларида нашр этилди. Асарнинг грекча таржимаси эса унинг славян тилларидаги варианtlари учун пойdevor бўлди. Грек Симеон Сиф ўғли ўз таржимасини шу қадар эркин қилди, у ҳатто асар номини «Стефанит ва Ихнилот»

¹ Н. И. Конрад. Запад и Восток, М., Изд-во «Вост. лит.», 1966.

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

ИККИТИЛЛИЛИК ВА ҚҮПТИЛЛИЛИК ПРОБЛЕМАСИ БУЙИЧА
ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

1969 йил октябрь ойида Ашхобод шаҳрида иккитиллилик ва қўптиллилик проблемасини ўрганишга багишланган бутуниттифоқ илмий конференцияси бўлиб ўтди. Илмий конференция СССР Фанлар академиясининг Адабиёт ва тил бўлими, Тилшунослик институти, «Социалистик миллатларнинг тараққиёти муносабати билан миллий тилларнинг ривожланиши» бутуниттифоқ проблема совети ва Туркманистон ССР Фанлар академиясининг Махтумқули номли Тил ва адабиёт институти томонидан чақирилди.

Илмий конференция ўзининг ялпи мажлисларида СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, проф. Ф. П. Филиннинг «Хозирги ижтимоий тараққиёт ва иккитиллилик проблемаси» номли докладини, филология фанлари доктори, проф. Ю. Д. Деждиеv ва СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Ф. Протченконинг «Иккитиллилик ва қўптиллиликни ўрганишнинг асосий аспектлари» номли докладини, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг президенти, филология фанлари доктори, проф. П. А. Азимовнинг «Туркман-рус билингвизм ҳақида» деган докладини, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, проф. В. А. Аврориннинг «Иккитиллилик ва мактаб» темасидаги докладини, филология фанлари докторлари Н. А. Баскаков, В. З. Панфилов ва филология фанлари кандидати М. И. Исаевларнинг «Иккитиллилик ва тилларнинг ҳамкорлиги жараённада уларнинг турли қатламларининг бир-бирига сингиб бориши проблемаси» номли докладини, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, проф. В. Н. Ярцеванинг «Иккитиллилик шароитида структурал-семантик калькалар» деган темасидаги докладини, филология фанлари доктори, проф. О. С. Ахманованинг «Хозирги билингвизм проблемалари нуқтаи назаридан «тил-диалект» дихотомияси» ва фалсафа фанлари доктори, проф. Қ. Ҳ. Хоназаровнинг «Иккитиллиликнинг сабаблари ва мезони ҳақида» деган докладларини эшитди¹.

Илмий конференция ўз ишларини уч секцияда давом эттирди. Биринчи секцияда иккитиллилик ва қўптиллиликнинг социологик аспектлари, иккинчи секцияда бу масаланинг соф лингвистик қирралари, Учинчи секцияда эса ўқиши-ўқитиш масалалари проблемаси мұхокама қилинди.

Илмий конференция ўз якунловчи мажлисида қарор қабул қилди. Қарорда таъқидлаб ўтиладики, илмий конференция иккитиллилик ва

¹ Бу докладларнинг тезислари «Тезисы научной конференции, посвященной проблеме двухязычия и многоязычия» деган китобчада эълон қилинган, М., Изд-во «Наука», 1969

кўптиллилик проблемаси тишлинос ва социологларнинг диққатини йил сайин кўпроқ торта бошлаганини кўсатди. Бу тушунарлидир. Бутун жаҳон миқёсида йил сайин телефон ва телеграф, радио ва телевидение, кино ва турли алоқа воситалари ўсиб бормоқда, ишлаб чиқариш кучларининг улкан одимлар билан ривожланиши натижасида давлатлараро, мамлакатлараро ва қитъалараро муносабат ва алоқалар мисли кўрилмаган даражада жадаллашиб бормоқда ва ҳоказо. Бу эса ўз навбатида, турли миллат вакиллари ўртасида фикр алмашининг кучайишига, миллатларнинг анчагина қисмининг аралашиб кетишига олиб келмоқда, ҳар бир киши ўз она тилидан ташқари бошқа халқлар тилларини ҳам билиши кераклигини тақозо қилмоқда. Бу жараёнлар айниқса кўпмиллатли совет социалистик давлатида янада интенсив равишда амалга ошмоқда ва яққол намоён бўлмоқда. Шунинг учун иккитиллилик ва кўптиллиликнинг кенг ёилиши замонамизнинг объектив-зарурний жараёнига айланмоқда. Иккитиллилик ва кўптиллиликни илмий ўрганиши эса совет тишлинослик фанининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланниб қолди,— дейилади конференция қарорида. Қарорда бу соҳадаги вазифалар ва уларни бажариш йўллари етарли аниқ кўрсатиб ўтилди.

ИЗЛANIШЛАР ВА ТОПИЛМАЛАР

Ёзма адабиёт ҳамда халқ оғзаки ижоди асарларини атрофлича ўрганиш, нашр этиш ва уларнинг энг яхши намуналарини экспедициялар, илмий командировкалар йўли билан излаб топиш Узбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музеи илмий ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлмоқда. Музей яқинда В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллигига атаб республикамизнинг Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона областларининг турли шаҳар ва қишлоқларига, шунингдек қардош Туркманистон ва Тожикистон республикаларининг айрим жойларига маҳсус комплекс илмий экспедиция ташкил этди. Экспедиция вақтида ҳали фанга маълум бўлмаган бир қанча баёзлар, девонлар, XVIII—XIX асрга оид халқ китоблари ва бошқа ноёб китоблар топилди. Музей қўлёзмалар фонди янада бойитилди. Бунда Қарши Давлат педагогика институти ташкил этган ва музей ходимлари билан биргалиқда иш олиб борган ўқитувчи ва студентлардан иборат йигирма беш кишилик фольклор-диалектологик экспедицияси аъзолари катта ёрдам кўрсатишиди. Экспедиция қарийб бирой давом этди. Шу давр ичida жуда кўп жойларда бўлинди. Аввалги экспедицияларда бўлганидек, бу гал ҳам экспедиция аъзоларини текширилаётган соҳадаги достончилик анъаналари, инқилоб туфайли халқ оғзаки ижодида рўй берган ва шу кунларда ҳам рўй беряётган хилмаяхил процесслар, традицион асарларнинг ҳозирги аҳволи, уларнинг яшовчанлик сабаблари, қонуниятлари, янги замон яратган янги фольклорнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг традицион фольклор билан қай даражада боғланиши, озиқланиши ва оригиналлiği, нашр этилган фольклор асарларининг халқ баҳшиларига кўрсатаётган таъсири, ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижодининг ўзаро муносабати каби қатор илмий назарий проблемалар ҳам қизиқтиради. Ёзib олинган материаллар орасида фольклорнинг барча жанрларига (шарт-шароит тақозоси билан «сўниб» кетган айрим жанрларни мустасно қилганда) оид асарлар бор. Уларнинг кўпчилиги халқ достонларидир.

Маълумки, Сурхондарё — Қашқадарё воҳаларида ҳам, бошқа жойларда, жумладан Самарқандда бўлганидек, ўтмишда катта достончилик анъаналари бўлган. Бу ерда тўйларда ва бошқа хилмаяхил йиғинларда достон куйлаб кишиларни хушнуд қилиш, уларни юксак одамийлик,

меҳнатсеварлик, дўстлик, қаҳаронлик; садоқат каби фазилатлар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилган. Достон тинглаш оддий кишилар — деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқа меҳнат аҳлиниң энг севимли машғулоти бўлган, дейиш мумкин. Улар ўзларининг атоқли достончилари билан ҳақли равишда фахрланганлар. Воҳа достончиларининг шогирдлар етиширишдаги анъаналари кишини ҳайратга солади. Чунончи, яқин ўтмишда яшаб, ҳалқнинг катта ҳурматига сазовор бўлган ҳалқ баҳшиларидан Қосим, Бобо, Алим, Амир, Шерна, Ниёзбадал, Худойқул, Нормурод, Шотўра ва Холёр (рўйхатни яна давом эттириш мумкин) каби шоирларининг бой репертуарлари достон куйлашдаги санъаткорликлари, достончи шогирдлар етказишдаги жонбозликлари ҳақида хабар берувчи тарихий фактларга асосланган ҳикоялар ва баъзи бир нақл-риоятларга қулоқ солинг-а. Мисоллар жуда кўп. Улардан фақат биттасини келтирамиз. Аниқланишича, ўз замонасининг машҳур сўз заршуносларидан бири бўлмиш Шерна Эрназар ўғли (1855—1915) қарийб 50 дан ортиқ достонни (уларнинг ҳар бири минг-минг мисралардан ташкил топганлигини айтмайсизми) ёд билиши, уларни эл орасида мөҳирона куйлаб юришидан ташқари, 15 дан ортиқ катта-кичик достончи — баҳшилар етиширган экан. Чунончи, Шотўра Худойқул ўғли, Умр Сафар ўғли, тоҷикистонлик Аҳмад баҳши, сухондарёлик Жўра Эшмирза ўғли, Мамадрайим сингари достончилар катта талант соҳиби бўлмиш Шернадек устозларини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Бугина эмас. Шерна Эрназар ўғлининг авлод-аждодлари — жиянлари Мардонақул, Бектош, ўғиллари Нормурод ва Тўқли, невараси Хушвақт Мардонақул ўғли ҳам Шерна мактабидан етишиб чиққан достончи — баҳшилардир.

Ҳа, Шерна Эрназар ҳақиқатан ҳам ўзига хос достончилик мактабини яратган устоз бўлган... Шоирнинг номи ўзи ҳаётлик чоғидаёқ қўшни воҳаларга машҳур бўлиб кетган. Шерна достонини тинглаган тингловчилар шоир номини улуғлаб ҳатто афсона-риоятлар тўқийдилар, достончилар эса унинг жўшиб-тошиб достон куйлашига тан бердилар.

Шернага ўхшаш шоирлар тилга олинган воҳада аллақанча. Уларнинг кўпчилиги бундан аввал ўзбек фольклористикасининг асосчиси Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Охунжон Собиров, Муҳаммаднодир Сайдов каби фольклористлар, Абдимўмин Қаҳҳоров, Чори Ҳамро ва бошқа ҳалқ оғзаки ижоди ошиқлари, санъатшунослар, ёзувчилар томонидан «кашф» этилган ва қисман ўрганилган эди. Экспедиция аъзолари ўз навбатида ана шу устозлар изидан бориб, достончилар билан яна бир бор учрашдилар, улар репертуарларидағи асарлардан баъзи бирларини қўлда ва магнитафси лентасига ёзиб олдилар. Шўрчилик Эшқобил Қўшоқ ўғли. Деҳқонбодлик Ражаб шоир, Тошмурод Тўра ўғли, Нормурод Поён ўғли, Ғойим Раҳим ўғли, Эшмурод Шердан ўғли, Эргаш шоир, Ҳушбоқ Сафар ўғли, Қиём шоир, Юсуф Утаган ўғли каби шоирлардан ёзиб олинган «Малласавдогар», «Авазхон», «Фарибнома», «Гўрўғлиниң туғилиши» сингари машҳур «Гўрўғли» туркумига кирган достонларининг варианatlари «Алпомиш» катта қаҳрамонлик эпоси, шунингдек, совет воқеалиги акс этган достонлар — «Келиной», «Иzzатой», «Хонсулув» каби асарлар шулар жумласидан. Бу достонларнинг катта кўпчилиги гоявий-бадиий юксак бўлишидан ташқари маърифий-эстетик, тарихий-илмий аҳамиятга молик. Айниқса, Қодир шоир Раҳим ўғли, Ҳазратқул Худойберди ўғлидан ёзиб олганимиз баҳариятнинг улуғ доҳиси В. И. Ленин ҳақидаги «Мадҳия», «Ленинни кўрдим, дўстларай» асарлари айниқса қимматлидир. Ҳар икки ҳалқ шоирининг бу асари атоқли ўзбек ҳалқ шоири, биринчи ҳалқ шоирининг бу асари атоқли ўзбек ҳалқ шоири, биринчи ҳалқ ёзма адабиёти ва ҳалқ оғзаки ижодида Ленин ҳақидаги каттароқ асар-

ни бошлаб берган Эргаш Жуманбулбул ўғлининг машҳур «Ўртоқ Ленин» достони таъсирида яратилган, дейиш мумкин. Бу асарлар дохий юбилейига муносиб түёнадир. Ҳар икки асар гоявий жиҳатдан ҳам, бадий жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқ. Экспедиция давомида шунингдек сатирик, ҳаётий-реалистик ва фантастик эртаклар, Алишер Навоий, Машраб, Беруний ва бошқа адабиёт, фан арబблари ҳақида афсона-ри-воятлар ҳам ёзиб олинди.

Қўлга киритилган қўшиқ материаллари орасида ўтмиш ва ҳозирги замонга багишланган лирик қўшиқлар, лапарлар, ўланлар, тўй-маросим қўшиқлари, термалар ҳам характерлидир. Айниқса Ленинни мадҳ этувчи қўшиқлар ўзларининг юксак гоявий тили билан эмас, балки ўзига хос ўйноқи вазни, шодиёна музикаси, кўтаринки руҳи, юксак пафослиги билан алоҳида ажralиб туради. Дарвоқе, ҳозирги замон ўзбек халқ оғзаки ижодида рўй берәётган процесснинг энг характерлиларидан яна бири дохий ҳақидаги оғзаки ижод — Лениниоманинг кун сайин бойиб, кўпайиб бораётганлигидир. Экспедиция вақтида қўлга киритилган материалларнинг бир қисми ҳақида қисман тўхталдик. Булар ҳақида ҳар қанча сўзласак ҳам оз. Бунинг устига ҳали Қашқадарё — Сурхондарё воҳаларида ўз текширувчиси ва ёзиб олувчисини кутаётган фольклор асарлари ва унинг ижодкорлари — халқ шоир ва баҳшилари, бадий сўз ва соз ошиқлари, қадршунослари кўп.

Малик Муродов, Абдимўмин Каҳҳоров

МУНДАРИЖА

В. И. Ленин түрилган кунининг 100 йиллиги олдидан

Ҳ. Зариф. «Үртоқ Ленин» достонининг яратилиш тарихига доир 3

Адабиётшунослик

✓ П. Кодиров. Халқ тили ва реалистик проза	6
С. Мирвалиев. Ҳарбий роман йўли	14
Т. Бобоев. Қаҳрамон образини яратиш принциплари	18
Тишишонослик	
И. Мўминов. Нутқ маданийти ҳақида	24
О. Усмон. Тил маданийтининг муҳим масалалари	29
И. Расулов. Содда гаплар структура асосининг таркибига кўра классификацияси	34
Мунозара	
А. Ҳожиев. Феълларнинг «ўтимли-ўтимсизлиги» ҳақида	39
Р. Жуманиёзов. Синонимларнинг таърифи масаласи	41
С. Акобиров. «Г»дан «и»га қайтиш зарурати борми?	43
Илмий ахборот	
В. Мўминова. Ўзбек демократик лирикасининг айrim жанр хусусиятлари	45
М. Маҳмудов. Шоир Вола ҳақида	48
Ф. Аҳмаджонова. Рожий. Марғилоний	53
А. Анисий. Шеър ва шевъронлик	56
М. Исроров. Драматик асарда монолог	58
М. Амилова. А. Қаҳҳорнинг «Сароб» устидаги ижодий меҳнатига доир .	62
А. Пўлатов. Миқдор-даражада ҳоли	65
А. Абдуллаев. Маъно кучайтиришининг морфологик усули	68
С. Ризаев. Адабий тишининг фонологик системасини статистик текшириш .	71
Ш. Эгамбердиева. Фориш шевасида ўтган замон феъли	75
М. Туробова. Ўзбек шеваларида гап бўлакларининг тартиби	77
С. Султонов. Омоним ёрдамчи сўзлар	79
М. Каримова. «Калила ва Димна»нинг ўзбек тилидаги таржималари	81

Шеърий санъатлар

Е. Исҳоқов. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар 84

Илмий ҳаёт ва хроника

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА
ВЫП. 1

Нашриёт муҳаррирлари *Д. Мўминова, Н. Раҳимова*
Техмухарир *Б. Мўминов*
Корректор *Х. Қурбонова*

P06370. Теришга берилди 2/II-70 й. Босишига рухсат этилди 16/III-70 й. Формати $70 \times 108\frac{1}{4}$ —3,0
кіноз. л.—8,4 босма л. Уч. -нашириёти л. 7,0 Нашриёт №402. Тиражи 13910. Баҳоси 30 т.

УзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Черданцев кӯчаси, 21. Заказ № 35
Нашриёт адреси: Гоголь кӯчаси, 70.
Адрессимиз: Тошкент—ГСП. Гоголь кӯчаси
Ўзбек тили ва адабиёти реда:
Телефон В3-34-09, коммутатор Г
орқали 1